

**МАМЛАКАТ МЕДИА ИМИЖИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА
МИЛЛИЙ ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯ ВОСИТАЛАРИНИНГ
ЎРНИ: НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСПЕКТЛАР**

**Журналистика факультетларида таҳсил олаётган талабалар,
ОАВ вакиллари, ахборот хизматлари ходимлари ва тадқиқотчилар учун**

илмий-назарий қўлланма

Тошкент 2015

Ушбу қўлланма ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультети Кенгашининг 2015 йил 7 октябрдаги 2-сон қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилган.

Масъул муҳаррир – филология фанлари доктори Хуршид Дўстмухамедов.

Филология фанлари номзоди Назира Тшпўлатованинг умумий таҳрири остида.

Қўлланма Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан нашр этилди.

Мундарижа

Халқаро медиа маконда Марказий Осиё минтақасидаги мустақил давлатлар мавзусининг вужудга келиши: интеграциялашув принциплари, қонуниятлари.....	4-24
Жаҳон медиа макони – халқаро журналистиканинг ўрни ва аҳамияти.....	25-41
Мамлакат имижини юксалтиришда миллий журналистиканинг ўрни, ижтимоий-иқтисодий ва маданий алоқаларнинг аҳамияти, уларнинг салмоғини ошириш муаммолари.....	42-61
Халқаро медиа маконида Ўзбекистон имижини шакллантиришда миллий интернет-газеталарнинг ўрни.....	62-72
Мамлакат имижини ривожлантиришда аудиовизуал журналистиканинг ўрни (mtrk.uz, mediabay.uz сайтлари мисолида).....	73-86
Миллий ахборот сегментининг тараққиёти ва истиқболи (uza.uz, jahonnews.uz сайтлари мисолида)	87-99
Фойдаланилган адабиётлар.....	100-107

Халқаро медиа маконда Марказий Осиё минтақасидаги ёш мустақил давлатлар мавзусининг вужудга келиши: интеграциялашув принциплари, қонуниятлари

Қадим-қадимдан ҳозирги Марказий Осиё худудида мавжуд бўлган давлатлар, ушбу давлат халқлари тарихи, ҳаёти дунёнинг турли минтақаларида яшовчи олимлар, мутахассислар, сайёҳлар томонидан қизиқиш билан ўрганилган. Қадимги юнон, хитой, ҳинд, форс ва бошқа халқ вакиллари бўлмиш тарихчилардан мерос асарларда юртимиз ва юртдошларимиз, жумладан ўтмишда яшаб ўтган буюк алломаларимиз, номлари ўчмас саркардаларимиз ҳақида ўз карашлари, маълумотлари, мулоҳазаларини ёзиб қолдирганлар. “Тарих отаси” ҳисобланган Геродотдан, Птолемей, Страбон, Плутархдан тортиб, то XIX–XX аср бошларида яшаган В.Бартольд, С.Толстов ёки И.Крачковский, Н.Веселовский, А.Якубовскийгача бўлган рус олимлари шулар жумласидандир. Биргина Амир Темурга доир ёзма манбаларни тўласича тасаввур қилишнинг ўзи амримаҳол.

Таъкидламоқ керакки, юқорида номлари зикр этилган муаллифлардан (бу рўйхатни янада кенгайтириш мумкин. – Б.А.) мерос ноёб манбалар давлатимиз ва халқимизнинг халқаро имижи нуқтаи назаридан мутлақо ўрганилмаган, таҳлил-тадқиқ қилинмаган. Керакли умумлашма хулосалар чиқарилмаган. Конкрет мисол келтириладиган бўлса, қадим дунёда ва маълум бўлган барча ўрта аср сайёҳлари орасида алоҳида мавқега эгаллиги тан олинган Ибн Баттутанинг “Саёҳатнома” асари юртимиз ва халқимизнинг жаҳон миқёсидаги имижини шакллантиришда алоҳида мавқега эга эканлигига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Бироқ бундай аспектдаги тадқиқотга ҳозирга қадар ҳеч бир мутахассис қўл урган эмас. Худди шундай фикрни таниқли француз олими Люсьен Кэрэн қаламига мансуб “Амир Темур салтанати” деб номланган салмоқли илмий асарига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

XX асрнинг 90-йилларида дунё геосиёсий харитасида янги давлатларнинг пайдо бўлиши хусусида ёзар экан, Покистон Миллий Жамиятни бошқарув институтининг илмий ходими А.Шакур шундай дейди: “Дунё тарихида бунчалик қисқа бир даврда ва тинч йўл билан бунчалик кўп ўзгаришлар бўлмаган”¹.

Турли мамлакат вакиллари, ёзувчи ва олимларининг Марказий Осиё минтақасига нисбатан қизиқишлари тарихдан маълум. Англиялик географ ва сиёсатчи Хэлфорд Маккиндер 1904 йилда Қироллик география жамиятига тақдим қилган тадқиқотлар ҳисоботида “асосий ўлка” назариясини илк бор ўртага ташлаган. У ўша даврда Россиянинг Евросиё минтақасини назорат остига олишини “дунё сиёсатларининг маркази” сифатида эътироф этган эди. Шундан сўнг яна 40 йил давомида минтақани ўрганишда давом этган Х.Маккиндер ўзининг “Евросиёнинг битмас-туганмас бойликларига ким ҳоким бўлса, у бутун дунёга ҳам ҳоким бўлади”, деган қарашини ўзгартирмаган².

Аммо шуни ҳам таъкидлаш зарурки, юқоридаги фикрнинг акси ўлароқ мустақилликдан олдинги даврда жаҳон оммавий ахборот воситаларида ва умуман дунё жамоатчилигида Марказий Осиё ҳақида маълумотлар етарли бўлмаган, яъни ушбу ҳудудни собиқ иттифоқ таркибидаги оддий бир ўлка деган қарашлар устувор бўлган. Ўз навбатида Ғарб олимлари ва сиёсатчилари минтақага нисбатан алоҳида муносабатни шакллантирмаган, бу ердаги мавжуд геосиёсий муаммоларни ҳал этиш бўйича тарихий тажрибага эга эмас эдилар. “The New York Times” газетаси муҳбири Лесли Гелбнинг ёзишича, Вашингтоннинг Совет иттифоқи бўйича мутахассислари фақат Москва билан боғлиқ масалаларни ўрганувчи мутахассислардир ва улар иттифоқ тарқалиши билан ишсиз қолдилар³.

¹ Shakoор A. O'rta Osiyo: Amerikaning manfaat tushunchasi va xavfsizlik siyosati. /Avrasiya etyudlari. 1995, 2-son.14 b.

² Robbins G. Sovetlardan keyingi, “Asosiy o'lka”e: Mackinderning qaytadan ahamiyat qozonishi. /Avrasiya etyudlari. 1994, 3-son.33 b.

³ Mossain M., “Central Asia: Impact on and implications for Pak-US ties”, in Pakistan, Central Asia and the Region: Prospects of Regional Cooperation, by Dr. S.M.Haider (Ed.), (Lahore: Progressive Publishers, 1993), s. 406.

Лекин жуда тез фурсатда вазият ўзгарди, жаҳондаги йирик давлатларнинг минтақага қизиқиши кескин ортди. Таниқли америкалик олим ва сиёсатчи З.Бжинскийнинг фикрига кўра, совуқ урушда Совет иттифоқи енгилгач ва кейинчалик тарқалгач АҚШ илк марта Хитой чегараларидан то Эрон кўрфазигача бўлган жойларга ҳоким бўлиш ва Евросиёнинг жанубий чегараларигача бўлган ерларни ўз сиёсий таъсири остига олиш имконига эга бўлди⁴.

Ҳақиқатан ҳам Совет тизими парчалангандан кейин XX асрнинг охирида юз берган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар натижасида дунёнинг геосиёсий ҳолати тубдан ўзгарди. Бу ўзгаришлар кейинчалик жаҳон саҳнасида янги мустақил давлатларнинг вужудга келиши, уларнинг халқаро муносабатлар тизимида ўз ўрнини аниқлаш йўлига ўтганликларида намоён бўлди.

Шарқий Европадаги бир қатор давлатлар, МДҲ мамлакатлари, Марказий Осиё, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси мустақилликни кўлга киритгач, ҳар бир ёш мустақил давлат олдида турган биринчи галдаги долзарб вазифа – бу миллий давлатчилик асосларини яратишдан иборат эди.

Бундай асослар учта муҳим таркибий йўналиш:

- а) мамлакат ичидаги аҳволни яхшилаш,
- б) давлатнинг минтақа давлатлари ҳамда
- с) дунёдаги қудратли давлатлар билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш вазифаларини қамраб олади.

Таъкидламоқ жоизки, мазкур уч йўналишдаги вазифа юзаки қараганда бир-бирига дахли йўқдек кўринса-да, аслида улар ўзаро бир-бирига алоқадор ҳисобланади. Бошқача айтганда, “Жаҳон тажрибаси шундан дарак берадики, муайян бир давлатнинг ташқи сиёсати унинг миллий давлатчилик борасидаги устувор манфаатларига таянади”⁵.

⁴ Bjizinskiy Z. “World Order of the Future”, Dawn (Karachi) 3 Mart 1994.

⁵ Шаропова С. Миллий манфаатлар кўзгуси. Тафаккур. 2002, 2-сон. Б.26

Бу фикрни тасдиқлаган америкалик сийәсатшунос Г.Моргентау ташқи сийәсат борасидаги мақсадлар миллий манфаатлар негизидә шаклланишини эътироф этган⁶.

Дарҳақиқат, бир мамлакат ҳудудидаги ички барқарорлик шу мамлакатнинг ташқи барқарорлигини таъминлашга асос яратади ёхуд ташқи муносабатларда муваффақиятларга эришиш, аввало, ички ютуқларни барқарорлаштиради.

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки кунларидан тараққиётнинг энг тўғри йўлини танлади ва давлатимиз раҳбари И.Каримов томонидан ишлаб чиқилган концепция асосида ислохотлар жараёнига киришди. Фахр билан айтиш мумкинки, мамлакатимиз мустақиллик эълон қилинган илк даврлардан оқ халқаро жамотчиликнинг эътиборига, диққат марказига тушди. Бу ҳол, табиийки, халқаро медиа маконда ўз аксини, ифодасини топди. Халқаро медиа маконда кўплаб ёш мустақил давлатлар, жумладан Ўзбекистон мавзусининг вужудга кела бошлагани ўзига хос тарихий жараён эди.

Маълумки, замонавий халқаро муносабатлар янги мустақил давлатларнинг эътироф этилиши, тан олинishi билан бошланади. Ана шу эътироф, тан олинishi эса мамлакат ташқи имижининг муқаддимаси, бошланиш нуқтаси ҳисобланади.

1992 йил 2 март куни мамлакатимиз дунёнинг энг нуфузли ташкилоти – БМТга расман аъзоликка қабул этилди. Шу кундан эътиборан миллий байроғимиз ташкилотнинг Нью Йоркдаги бош қароргоҳи майдонида ҳилпирай бошлади.

БМТга аъзо бўлиш ҳар қандай давлат учун тарихий ва фахрли воқеадирки, мазкур аъзолик ушбу давлатнинг жаҳон ҳамжамиятига қабул қилинганидан, унинг сафидан муносиб жой эгаллаганидан далолат беради.

⁶ Қаранг: Ўша манба, ўша жой.

1993 йилнинг февраль ойида Тошкентда БМТнинг ваколатхонаси очилди. Ҳозирга келиб эса Ўзбекистон мазкур нуфузли ташкилотнинг бир қатор тузилмалари билан фаол ҳамкорлик алоқаларини давом эттирмоқда.

БМТга аъзо бўлишдан кейинги муҳим тарихий босқич бу – ташқи ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш эди. Шундай бўлди ҳам, яъни Ўзбекистон аввало Марказий Осиё, МДҲ мамлакатлари ва ривожланган қатор давлатлар билан ўзаро тенглик асосида шерикчилик муносабатларига кириша бошлади.

1991 йил 31 август – Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги расман эълон қилинган кун давлатимизнинг халқаро ҳамжамиятга кенг кўламли ва динамик интеграцияси бошланган сана сифатида тарих саҳифаларига битилди. Ҳозирга келиб Ўзбекистон дунёнинг 130дан ортиқ мамлакати билан дипломатик алоқа ўрнатган. Пойтахтимизда 45 та хорижий давлат элчихонаси, 8 та фахрий консулхона, 11 та халқаро ташкилот ваколатхоналари, 5та халқаро молиявий ташкилот ваколатхонаси, шунингдек 3 та дипломатик мавқега эга бўлган савдо ваколатхонаси фаолият олиб бормоқда.

Хорижий мамлакат ва халқаро ташкилотларда Ўзбекистоннинг 46 та дипломатик ва консуллик ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон 100дан ортиқ халқаро ташкилотга аъзо бўлиб, турли хил кўптомонлама ҳамкорлик тузилмалари билан алоқаларни ривожлантирмоқда.

Амалга оширилган ва оширилаётган ана шу кенг кўламли ишларнинг натижаси ўлароқ, ўтган давр ичида мамлакатимиз жаҳон майдонида “сиёсий ва иқтисодий барқарор давлат” нуфузига эришди.

Шуни алоҳида таъкидламоқ зарурки, Ўзбекистон учун ташқи дунё Марказий Осиёдан – минтақадаги қўшни давлатлардан бошланади. Минтақа давлатлари ва халқлари азал-азалдан яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатганлари тарихдан маълум.

Ўзбекистон давлат сифатида мустақилликка эришгач, унинг халқаро миқёсдаги тарихий муносабатлари мутлақо ўзгача қиёфага, мазмун-моҳиятга эга бўла борди. Тарих ва замон шарт-шароити ўзаро қўшничилик

муносабатларини энг замонавий талаблар асосида қайта қуриш лозимлигини кўрсатди. Шу боис, биринчи навбатда мазкур эҳтиёж ва талабларни амалга оширишнинг қонуний асосларини яратишга киришилди. Жумладан 2012 йил 10 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи сиёсий фаолияти Концепцияси тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Унга мувофиқ Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналиши Марказий Осиё минтақаси бўлиб, мамлакатнинг муҳим манфаатлари ушбу минтақа билан бевосита боғлиқлиги алоҳида белгилаб қўйилди.

Марказий Осиё худудидаги республикалар ўз мустақилигини қўлга киритгач, улар ҳам узоқ-яқин хорижий давлатлар ва қатор нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилди. Уларнинг суверен мақомининг бошқа давлатлар томонидан тан олинishi деярли бир хил шароитда ўтди. Шунинг билан бирга, мавжуд геосиёсий вазият бу ердаги кучлар мувозанатига таъсир этувчи энг муҳим омиллардан эканлигини эътироф этган ҳолда, бевосита Марказий Осиё давлатларининг ўзига хослиги, қудрати, миллий хусусиятлари, муаммолари ва улар олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатнинг турфа хил эканлигини ҳам эътибордан соқит қилмасликни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

МДХ республикалари мустақилликка эришган дастлабки йилларда ҳар бир ёш мустақил давлат ўзининг барқарор ривожланиш йўлини топишга киришди. Бу интилишнинг бошланиши бир қараганда бирлашишдан кўра ажралиш, ҳатто парчаланишга ўхшаб кетарди. Бу жараёни Эронда чоп этиладиган ва Марказий Осий ва Кавказни ўрганишга ихтисослашган “Амударё” журналининг ходими, сиёсий тадқиқотчи Э.Кулаи хоним шундай баҳолайди. “Барча – Россия Федерациясидан тортиб то Марказий Осиё республикалари раҳбарларигача, – деб ёзади у, – шошилиш равишда ажралиш сиёсатини қўллашга киришдилар. Улар сиёсий ва иқтисодий омиллардан келиб чиққан ҳолда ажралиш томон ҳаракат қилдилар. 1993

йилнинг апрель ойига келиб МДХ республикалари раҳбарлари иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш ҳақида ўйлай бошладилар”⁷.

Шу ўринда тадқиқотчи олима “Минтақавий жипслик” ибораси хусусида тўхталар экан, МДХ ва Марказий Осиё республикалари раҳбарларининг бирлашишга бўлган интилишлари “Ғарбий Европа давлатларининг муваффақиятли тажрибасига асосланди”⁸ деган хулосага келади. Шу ўринда олиманинг ушбу хулосасига қисман изоҳ беришга тўғри келади. Ғарбий Европа давлатлари иштирокида ташкил топган Европа Иттифоқи тажрибаларини камситмаган ҳолда айтиш жоизки, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро қўшничилик ва қардошлик алоқалари жуда қадимий анъаналарга эга. Қолаверса, 1924 йилда шўролар ҳукумати томонидан “социалистик” руҳдаги чегаралаш амалга оширилмагунига қадар мазкур давлатлар муносабатлари ҳам, ҳудудий-жуғрофий чегараланишлари ҳам мутлақо ўзгача бўлган.

1991 йилдан кейин бошланган сиёсий жараёнлар эса қўшни давлатлар раҳбарлари ва халқи олдига қанчалик мураккаб вазифаларни кўндаланг қўймасин, вақт ўтгани сайин уларнинг ечими топилиши узоққа чўзилмаслиги ҳақиқатга яқинроқ эди. Бироқ ҳар бир давлатнинг ички муаммолари ёки минтақа давлатлари учун умумий бўлган муаммолар масаласи бўладими – уларнинг ечимини топиш аксарият ҳолларда хорижий давлатларнинг муносабатларига боғлиқ бўлиб қолганини алоҳида эътироф этиш лозим.

“Хорижий давлатларнинг муносабатлари” деган тушунча моҳиятан нақадар кенг, чуқур ва серқирра эканлигидан келиб чиқиб, масаланинг бевосита ушбу тадқиқот мавзусига тегишли жиҳатларини таҳлил қилиш билан чекланамиз.

Шиддат билан ўзгараётган замон ва моҳиятан янгиланаётган макон тушунчаси қўшни давлатлар ҳамкорлигини янги босқичларга олиб чиқишни тақозо қилаётган эди. Бунга эришмай туриб мавжуд муаммоларнинг оқилона

⁷ Кулаи Э. Проблемы сплоченности в странах СНГ. // Аму-дарья. №2, 1999. С.55-56.

⁸ Кулаи Э. Проблемы сплоченности в странах СНГ. // Аму-дарья. №2, 1999. С.55-56.

ечимини топишга уриниш мумкин эмасди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, Марказий Осиё минтақасининг барқарор ривожланиши ва тараққиёти, унинг халқаро ҳамжамиятга кўшилиши ва улар билан тенг ҳуқуқли алоқалар ўрнатиши кўп жиҳатдан тинчликка боғлиқдир. Тинчлик эса кўшнилар билан ўзаро ҳамжиҳатлик, ҳамкорликда таъминланади.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасидаги ролини таҳлил қилар экан, давлатимиз раҳбари, “Марказий Осиёда жўғрофий-сиёсий жиҳатдан марказий ўрин тутган Ўзбекистон кучлар тенглиги ва мувозанатини таъминлаш, стратегик муҳим бўлган ушбу минтақада ҳамкорликка мустаҳкам замин яратиш жараёнида сезиларли роль ўйнаш учун ҳамма имкониятларга эга”⁹ эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистоннинг катта хом ашё имкониятларига эга эканлиги ва бу салоҳият юртимиз истиқболига хизмат қилувчи геостратегик мақсадларни белгилаш, уларни амалга ошириш йўллари ишлаб чиқиш, шунингдек, мавжуд имкониятларни реал воқеликка айлантиришда муҳим аҳамият касб этади¹⁰.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида “пишиб” етилган вазият Марказий Осиё минтақаси республикалари олдига ҳамкорликсиз ҳал қилиб бўлмайдиган кўплаб масала-муаммоларни кўндаланг қўйди. Ижтимоий-иқтисодий барқарорликка эришиш, жамиятни эркинлаштиришга доир ислоҳотларни жадаллаштириш, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашиш, янгиланаётган жамиятда гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона майдонга чиқа бошлаган радикал кучларга қарши курашиш, демографик, экологик ва ҳоказо кечиктириб бўлмайдиган, долзарб муаммоларни бартараф этиш бир мамлакат доирасида ҳал бўлмаслиги муқаррар эди. Бу каби муаммоларнинг ечимини топиш борасида кўрсатилаётган саъй-ҳаракатлар ўз йўлига, аммо-лекин шу

⁹ “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997. – Б. 228.

¹⁰ Очилдиев А. Глобаллашув ва мафқуравий жараёнлар. “Мухаррир”. – Тошкент: 2009. – Б. 42.

саъй-ҳаракатларнинг ҳар бири у ёки бу давлатнинг халқаро нуфузига, шаклланаётган имижига таъсир кўрсатмай қолмасди, албатта.

Дарҳақиқат, табиий бойликлари ва стратегик шарт-шароити туфайли Марказий Осиё замонавий глобал ва минтақавий кучларнинг диққат марказига айланди. Сирасини айтганда, АҚШ, Европа Иттифоқи давлатлари, шунингдек Россия, Хитой сингари дунёнинг энг қудратли давлатларидан тортиб, олис-яқин Туркия, Япония, Ҳиндистон, Покистонгача, ҳатто Эрон, Саудия Арабистони ва Афғонистон ҳам ўз миллий манфаатларини Марказий Осиё республикалари билан боғладилар. Бу – Марказий Осиё республикаларига муносабат демакдир. Минтақамиз республикалари “эътиборлар исканжасида” демакдир.

Ҳар бир республика доирасида қабул қилинган, амалиётга жорий этилган саъй-ҳаракатлар ўша ташқи муносабатлар, ўша “эътиборлар”га тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади деганидир. Кундалик ҳаёт, ижтимоий-сиёсий иқлим халқаро муносабатлар ва ҳамкорликларга деярли ҳар куни ўз ўзгартиришларини киритиб туришидан келиб чиқилса “хорижий давлатларнинг муносабатлари” деган тушунча моҳиятидаги мураккаблик, серқирралик яққол кўзга ташланади.

Ваҳоланки, муносабатларнинг илиқ-совуқлиги манфаатларнинг кўп-озлигидан бошланади, мазкур омил у ёки бу давлат халқаро имижининг шаклланишига, ривожланишига, кези келганда эса, эътибордан четда қолдирилишига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади.

Асримиз аввалига келиб халқаро муносабатлар дунёсида кузатилаётган “одат” ва “расм-русум”лар шу қадар ўзига хос тус олмоқда эдики, айрим қудратли давлатлар ёш мустақил давлатлар билан ҳамкорлик ўрнатиш борасида халқаро сиёсий одоб меъёрларини ҳам бир чеккага суриб қўйдилар.

Қуйидаги халқаро шарҳни ўқиймиз: “Билл Клинтон президентлиги даврида МДХ мамлакатлари бўйича маслаҳатчи лавозимида ишлаган Строуб Тэлботт ўз мамлакатининг Кавказ ва Марказий Осиёдаги стратегик мақсадлари ҳақида тўхталиб: “Аниқланган нефть захираларининг миқдори 27

млрд. тоннадан ортиқ бўлган (қарийб трлн. доллар) бу минтақани ўз таъсир доирасига олиш Америка маъмуриятининг биринчи галдаги вазифасидир”, – деган эди. Дунёдаги етакчи давлатнинг бу минтақага қизиқиши бежиз эмас, албатта”¹¹.

Хўш, давлатимизга бу каби муносабат, бундай ёндашув нимани англатади? Ундан қандай хулоса чиқариш мумкин?

Биринчидан, қайси давлат эканлигидан қатъи назар, ҳар қандай муносабат замирида манфаат ётади. Иккинчидан, айрим қудратли ва тараққий этган давлатларда ёш, мустақил давлатга нисбатан беписандлик кайфияти яққол кўзга ташланади. Гўё ёш мустақил давлат билан бўладиган мулоқотларда масала биртомонлама ҳал бўладигандек тутадилар ўзларини.

Ёш мустақил давлатларнинг халқаро имижини ҳосил қилиш, шакллантириш ва кенг оммалаштириш, афсуски, айнан шундай ҳолатларда жуда-жуда асқотади. Зеро, ҳар қандай давлат ва давлат раҳбарининг шаклланган имижини ана шу давлат ва халққа нисбатан ўзаро ҳурмат доирасидаги муносабатда, муомалада билинади.

Давлатимиз эндигина мустақиллик сари одим ташлаган дастлабки кезларда халқаро доираларда Марказий Осиё республикаларини ота-онадан ажралган етимга чиқариб қўйиш ҳоллари ҳам кузатилди. Гўё Совет Иттифоқи кулагач бу минтақадаги ёш давлатлар кимнинг ёки қайси давлатнинг этагидан тутишни билмай қолганмиш.

Ўша даврдаги машҳур “Комсомольская правда” газетасининг Коҳирадаги мухбири А.Шумилин бу масалани диний эътиқод аспектидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилади. Шарҳловчи янги мустақилликка эришган Марказий Осиё республикалари “катта оға”сиз яшай олмайдилар, бинобарин, улар шак-шубҳасиз Туркия ва Эронни ўзлари учун “катта оға” сифатида эътироф этадилар деган хулосага келади.

Марказий Осиё республикалари қаторига у Озарбайжонни, Афғонистонни ҳам қўшиб юборади. Бундай башорат қилиш учун муаллиф

¹¹ Қувватов О. Глобаллашув оқибатлари. // XXI аср. 2008, 22 март.

бирдан-бир асос – санаб ўтилган ёш мустақил давлатлар аҳолисининг асосий қисми мусулмонлар эканлигидан келиб чиқади¹².

Аввало, шуни айтиш керакки, бунга ўхшаш қарашлар асоссиз эканлигини вақт кўрсатди, қолаверса, минтақамиздаги қўшни республикалар, хусусан мақолада алоҳида тилга олинган Ўзбекистон ва Қозоғистон замонавий тараққиётнинг энг илғор йўли – демократик очик жамият барпо этиш йўлини танлаганликлари, айниқса шўро давридан мерос ҳеч қандай “қатта оға”га муҳтож эмасликларини амалда исбот қилдилар.

Давлатимиз ва халқимизни халқаро миқёсда обрўсизлантиришга қаратилган бу каби кайфият ва уринишларга барҳам бериш ички ва ташқи ахборот майдонида фаолият юритаётган мутахассисларимиз, журналистларимиз ва бошқа муаллифлар зиммасидаги асосий вазифалардан бири бўлиб қолаверди. Ўзбекистон эса ўз миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда исталган хорижий ва яқин қўшни мамлакат билан ўзаро ҳурмат ва тенг ҳуқуқли асосда ҳамкорлик алоқаларни ривожлантиришга доим тайёр бўлган давлат эканлигини намоён этди.

Президентимиз “Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” номли асарида оммавий ахборот воситалари курашмоғи лозим бўлган ахборий таҳдидларнинг моҳияти замирида қўйидаги мақсадлар борлигини алоҳида таъкидлаб ўтади:

Биринчидан – халқаро, давлатлараро ва элатлараро қарама-қаршилиқни келтириб чиқариш;

Иккинчидан – халқаро-ҳуқуқий ва ички давлат суверенитетимизни рўёбга чиқаришга қаршилиқ кўрсатиш;

Учинчидан – Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқаларини чегаралашга, уларни тенг ҳуқуқли бўлмаган шароитга солиб қўйишга уриниш;

Тўртинчидан – мамлакатимиз аҳолисига ахборот орқали мафкуравий йўл билан тазйиқ ўтказиш, жаҳон афкор оммасига Ўзбекистон ҳақида нотўғри тасаввур туғдиришга интилиш;

¹² Шумилин А. Исламский передел. // Комсомольская правда. 14 января 1992.

Бешинчидан – миллатлар ўртасида ўзаро ишончсизликни келтириб чиқариш, миллатлараро муносабатларни кескинлаштириш;

Олтинчидан – янги мустамлакачилик ва янги империячилик ёндашувларини зўрлаб қабул қилдириш, ҳамма соҳалардаги ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликни секинлаштириш хавфи ва ҳоказолардан иборат.

Санаб ўтилган таҳдидларнинг ҳар бири ОАВ ходимлари, журналистлар ва айниқса, халқаро шарҳловчилар учун дастуриламал бўлгани ҳолда, тилга олинган тўртинчи таҳдид ҳақида алоҳида тўхталиш керак бўлади. Бу ўринда давлатимиз раҳбари ғоятда муҳим ва бир-биридан ажратиб бўлмас икки таҳдидга урғу бермоқда.

Дарҳақиқат, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимиз аҳолисига ахборот орқали мафкуравий йўл билан тазйиқ ўтказишга бўлган уринишлар бошланиб кетди. Бундай уринишларнинг мантиқий давоми сифатида қандай бўлмасин, жаҳон жамоатчилиги дунёқарашида Ўзбекистон ҳақида нотўғри тасаввурларни туғдириш, шакллантиришга интилишни ўзлари учун мақсад-вазифа қилиб олган унсурлар, оқимлар ва марказлар пайдо бўлди. Давлат, мамлакат ва халқ ҳақида нотўғри тасаввур уйғотиш эса бевосита халқаро имиж яратиш муаммоларини келтириб чиқаради. Зеро, ёлғон ва қасддан қилинадиган, уюштириладиган нотўғри тасаввурларга барҳам беришда медиаимиж механизми айниқса катта самара бериши жаҳон тажрибасида синовдан ўтган ҳақиқатлардандир.

Швед олими Рудольф Челлен томонидан XX асрнинг бошларида (аслида XIX аср охири – Б.А.) муомалага киритган “геосиёсат” атамаси нафақат илмий термин, балки кенг маънодаги сиёсий тушунча даражасига кўтарилди¹³. Ушбу тушунча нуқтаи назари, мезонларидан қараганда ҳам Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари бутун мураккаблиги билан кўзга ташланади. Такрор бўлса-да, бу қадар миқёсли тушунчалар, муносабатларда уйғунлик ва мувозанатни сақлашнинг бошланғич ягона йўли яқин кўшни давлатлар ўртасида ўзаро

¹³ Муитов Д. Геосиёсат ва журналистика. – Тошкент: “TURON-IQBOL”, 2014. – Б. 3.

ҳурмат ва тенг ҳуқуқли асосда ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш эканлигини таъкидламоқ лозимдир. Геосиёсий манфаатлар айна вақтда Ўзбекистоннинг ташқи имижини шакллантиришда, унинг Марказий Осиёдаги нуфузини белгилашда ҳам муҳим ўрин тутди.

Сайёрамизнинг жуда катта майдонидаги кучлар нисбати, кенг маънода олинганда эса “сиёсий қутбларнинг ўзгариб туриши” кўп жиҳатдан Марказий Осиёдаги янги мустақил давлатларнинг қайси йўлдан боришига боғлиқ экан, аниқ-равшан кўриниб турган муносабатлар минтақада маълум маънода геосиёсий рақобатнинг авж олишига олиб келди. Шу нуқтаи назардан мазкур жараёнда масалани минтақа давлатларининг миллий манфаатлари устуворлиги асосида ҳал этилиши ўта муҳим ва ўта мураккаб вазифа эканлигидан далолат беради.

Бундай ҳолатни тўла-тўқис масъулият билан эътироф этмаслик ҳудудда геосиёсий вазият тубдан ўзгаришига ва қутилмаган стратегик тартиботлар, блоклар қарор топишига олиб бориши ҳеч гап эмас. Бунга йўл қўймаслик учун минтақадаги вазиятнинг барқарорлашувига хизмат қиладиган ШХТ сингари тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш масаласига жиддий эътибор қаратиш зарурдир.

Ҳамонки, Марказий Осиё аслида ягона геосиёсий ҳудуд экан, минтақа давлатлари 1994 йилда имзоланган ягона иқтисодий ҳудудни ташкил этиш шартномасини қайта кўриб чиқишлари ва иқтисодий интеграция жараёнига катта эътибор беришлари мақсадга мувофиқ бўлур эди. Келишилган мазкур шартнома негизида ЭКО, МДХ, ШХТда ҳам муваффақиятли, самарали фаолият олиб бориш имконияти ортади.

Ҳақиқий ва амалий натижа берувчи ягона геоиқтисодий маконни шакллантиришга, табиийки, ривожланган миллий иқтисодиёт орқали эришиш мумкин. Миллий иқтисодиётни юқори даражага кўтариш – бу реал ишлаб чиқаришни ривожлантириш, инвестицияларга кенг йўл очиш ҳамда экспорт-импорт масалаларига катта эътибор бериш демакдир. Мазкур масалага прагматик нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, ҳар қандай

иқтисодий ҳамкорлик сиёсий келишувлар орқали, яъни маълум бир сиёсий аспектларсиз амалга ошиши мумкин эмас. Шу сабабдан икки томонлама сиёсий алоқаларнинг соvuши иқтисодий ҳамкорликнинг сусайишига олиб келади.

Сўнгги йилларда Марказий Осиё республикалари раҳбарлари томонидан олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида минтақада тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлик ўрнатишга хизмат қилувчи ягона тизим ўзаги шаклланди. Ушбу тизимнинг юзага келиши ва шаклланишида Президентимиз И.Каримовнинг хизматлари катта бўлди.

Марказий Осиёдаги ёш мустақил давлатлар қаторида Ўзбекистон Республикаси ўзи танлаган тараққиёт йўлида собитқадамлик билан бормоқда. Давлатимиз мустақилликнинг ўтган йиллари давомида олиб борилаётган ички ислохотларнинг самарасини бутун жаҳон жамоатчилигига кенг намоён этиб келмоқда.

Демак, ХХІ асрда минтақадаги давлатларнинг ушбу йўналишдаги ҳаракатлари тинчлик, барқарорлик, хавфсизлик ва жуғрофий-сиёсий мувозанатни сақлаб қолишга холис кўз билан қарашга ундайди. Қатор хорижий нашрларда вақти-вақти билан эълон этилаётган мақолалар, шарҳлар ва бошқа чиқишларда масалага атрофлича жиддий, мулоҳазали, энг муҳими – холис ёндашувлар устувор характерга эга бўла бормоқда. Шу маънода Россия Фанлар академияси ИМЭМО¹⁴ етакчи илмий ходими, сиёсатшунослик фанлари доктори Д.Б.Малышеванинг “Мировая экономика и международные отношения” журнали¹⁵да босилган “Центральная Азия в фокусе региональной политики” мақоласи диққатга сазовордир.

Москвалик олим даставвал Марказий Осиё республикалари билан “қизиқувчи” давлатларни уч гуруҳга бўлади.

Булар:

1) Россия, Хитой, АҚШ, Европа Иттифоқи;

¹⁴ Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар институти – Институт мировой экономики и международных отношений.

¹⁵ Қаранг: шу журналнинг 2007й. 12-сон.

- 2) Туркия, Эрон, Афғонистон;
- 3) Ҳиндистон, Покистон, Яқин Шарқ давлатлари, Япония.

Мақола муаллифи Хитой Марказий Осиё давлатлари билан муносабатда америкача ноу-хау – soft power, яъни ўзбекча айтганда, “юмшоқ таъсир кўрсатиш” усулини кўлламоқда деб ёзади. Бундай усулнинг бошқа бир маъноси “ахборот сокинлиги”ни англатади. Яъни, сиёсий ва ҳоказо муносабатлар изчил равишда давом эттириладию, амалга ошириладиган ишлар, саъй-ҳаракатлар ҳақидаги ахборот атайин овоза қилинмайди.

Аслида эса минтақа республикаларида жорий қилинаётган ҳар қандай иқтисодий-сиёсий, миллий, диний-этиқодий ислохотлар Хитой эътиборидан заррача ҳам четда қолмайди.

Ўтган асрнинг 90-йилларида Россиянинг Марказий Осиёни эгаллашдаги сусткашлиги ҳамда 2001 йилдан кейин минтақада АҚШ ҳамда НАТО таркибидаги давлатларнинг фаоллашувидан четда қолган Хитой ҳукумати ҳозирги даврда қандай бўлмасин бой берилган имкониятлардан тўла фойдаланишга бор кучини сафарбар этмоқда.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, Хитой ўзига рақобатчи бўлган давлатнинг (масалан, АҚШнинг) Марказий Осиё ҳудудида етакчи мавқега эга бўлишига йўл қўйишни ўз стратегик манфаатларига зид ҳисоблайди. Бироқ АҚШ ҳам бу масалада фаолликни Хитой ёки Россияга бериб қўйишни истамайди.

Япония сиёсати эса Марказий Осиё масаласида АҚШ ёки бошқа йирик давлатлар сиёсати билан бирмунча муштарак. Шунга қарамай, Япония, Марказий Осиё сиёсатдонлари наздида, Россия ёки АҚШдан кўра кўпроқ Хитойга рақобатчи бўлиб қолмоқда.

“Комсомольская правда” газетасининг Коҳирадаги муҳбири А.Шумилин юқорида қайд этиб ўтилган мақоласи¹⁶да янги мустақилликка эришган Марказий Осиё республикалари, шак-шубҳасиз, Туркия ва Эронни ўзлари учун “катта оға” сифатида эътироф этадилар, деган башоратини

¹⁶ Шумилин А. Исламский передел. // Комсомольская правда. 14 января 1992.

илгари сургани, вақт кўп ўтмай бундай башоратлар мутлақо асоссиз эканлигини Д.Малышевнинг мақоласидаги қуйидаги иқтибос исботлайди: “Марказий Осиёда етакчи позицияга эга бўлиш борасида Хитойга нисбатан Туркиянинг имкониятлари ниҳоятда заиф”¹⁷.

Ушбу икки мақола таҳлили биз юқорида тилга олган “хорижий давлатларнинг муносабатлари” деган тушунча замиридаги мураккабликларнинг кўп қирралигини тасдиқлайди.

Мана шундай жиддий ҳолат, кайфият ҳукм сураётган бир пайтда минтақамиз республикалари, жумладан Ўзбекистонга, унинг халқи ва ҳукуматига медиамакондаги муносабат қандай бўлиши мумкин? Дунёдаги ҳисобсиз оммавий ахборот воситаларида ёзилаётган, намоёниш этилаётган, эшиттирилаётган журналистик материаллар ёки таҳлиллар замирида яширинган мақсад-иддаоларни, ниятларни аниқлаш, уларни давлатимиз имижи нуқтаи назаридан тадқиқ этиш, баҳосини бериш нақадар мураккаб ва масъулиятли вазифа эканлигидан далолат беради.

Шу ўринда яна бир ғоятда муҳим масала тўғрисидаги мулоҳазаларни баён этишга тўғри келади. Юридик фанлари номзоди Р.Ф.Хабиров “Юридический мир” журналида (Россия юристлар ассоциациясининг расмий нашри) чоп этилган “Глобализация, государственный суверинитет, права человека” сарлавҳали мақоласида, жумладан, глобаллашув даврида давлатнинг ўрни, хусусан, бундай шароитда ёш мустақил давлатларнинг мавқеи ва истиқболи мавзусида янги фаразларни илгари суради¹⁸.

Бир қатор муҳим ва долзарб муаммоларга ойдинлик киритишга қаратилган мулоҳаза ва таҳлиллардан сўнг муаллиф ҳозирги глобаллашув даврида “мустақил давлат” тушунчаси ўзгара бораётгани, яқин келгусида тобора шиддатли тус олаётган бу жараёнлар давлатга, унинг туб институтларига, демак, мустақиллигига кучли таъсир кўрсатади деган ғояни

¹⁷ Малышева Д.Б. “Центральная Азия в фокусе региональной политики” // “Мировая экономика и международные отношения”. №12, 2007г.

¹⁸ Хабиров Р. Ф. “Глобализация, государственный суверинитет, права человека”// “Юридический мир”, №10, 2007г.

илгари суради. Шунингдек, муаллиф ҳозирги тушунчадаги мустақил тенглик феодализм давридан сақланиб келаётганини таъкидлашни ҳам унутмайди. Бундай мулоҳазаларини тасдиқлаш мақсадида шарҳловчи бир қатор манбалардан иқтибослар келтиради. Жумладан, Абрам Чайеснинг “Эндиликда мустақиллик давлатларнинг ўз ҳукмронлигини мутлақо ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда эмин-эркин амалга оширишларидан келиб чиқиб эмас, балки халқаро ҳаёт моҳиятини ташкил этувчи давлатларнинг тенгҳуқуқли мақомига мос келадиган ҳамкорлигидан келиб чиқиб белгиланади”, деган қарашларини илгари суради.

Тўғри, мақола муаллифи бир ўринда, глобаллашув аҳамиятини бўрттиришга асос йўқ ва давлат мустақиллиги тушунчасини камситмаслик керак деган мулоҳазасини қистириб ўтган. Бирок, мақоладан кўзда тутилган асосий мақсад, фикримизча, дунё харитасида пайдо бўлаётган ёш мустақил давлатлар, уларнинг раҳбарлари ва албатта, халқининг тарихий шодиёнаси аҳамиятини камситиш, обрўсизлантиришдан бошқа нарса эмас. Энди-энди вужудга келаётган давлат имижига путур етказишга бир уринишдир.

Глобаллашув жараёнларини махсус тадқиқ қилган олим Д.Х.Алиев¹⁹ ҳам мазкур жараён пировардида миллий-мустақил давлат тушунчасини тубдан ўзгартириб юборади, деган фикрни илгари суради. У М.Хардт, А.Негри, У.Бек сингари мутахассисларнинг фикрига таяниб, замонавий глобаллашувнинг марказий масаласи аста-секинлик билан миллий давлатчиликнинг таомилдан чиқиши деб ҳисоблайди.

Савол туғилади: эндигина мустақил оёққа тура бошлаган, миллий давлатчилик тизимларини яратаётган, мустақил субъект сифатида жаҳон ҳамжамиятидан ўзининг муносиб ўрнини топишга интилаётган ёш давлатлар, уларнинг аҳолиси бу каби башоратларга қандай муносабатда бўлмоқликлари керак?

Шўро даврида коммунистик интернационализм, яъни байналмилал сиёсат натижасида охир-оқибат миллий кадриятлар, миллийлик тушунчалари

¹⁹ Алиев Д.Х. Понимание современной глобализации. // Политика и общество. №7, 2009г. С.59.

йўқола бориб, битта “совет халқи” деб номланадиган халқ вужудга келиши жуда кўп башорат қилинган эди. Аммо тарихнинг ўзи бундай чала ва хом карашларнинг нечоғли пуч эканлигини исботлади. Ҳаётий тажрибага эга бўлмаган бундай концепциялар тузумнинг ўзига қўшилиб, тарих саҳнасидан ўчиб кетди.

Ҳозирги даврда эса “Ҳеч бир давлат бошқа давлатлардан узилган ҳолда яшай олмайди, уларнинг барчаси халқаро ҳамкорлик ришталари орқали бир-бирларига дахлдордирлар, зеро, глобал муаммоларни бартараф этишда ҳар бир давлат ўз манфаатларини ана шу халқаро ҳамкорлик манфаатлари билан мувофиқлаштирмоғи керак бўлади”²⁰.

Бизнинг фикримизча ҳам, глобаллашув жараёни кириб бормаган соҳа ёки жабҳа қолмаган тақдирда ҳам, ёш мустақил давлатлар олдида бири-биридан мураккаб вазифалар кўндаланг қўйилганда ҳам, булардан қатъи назар, ҳар қандай ижтимоий-сиёсий катаклизмалар ҳолатида ҳам, миллий давлатчилик, миллий ўзига хослик, миллий мустақиллик ўз ўрнини, аҳамиятини сақлаб қолаверади.

Шу билан бирга ҳозирги глобализация даврида турфа миллатлардан иборат халқнинг этник келиб чиқиши айрим ҳолатларда умумий характер касб этади. Бремен университетининг проффессори У.Пройсс Европа давлатларида конституциявий ҳуқуқлар тўғрисида фикр билдирадиган экан, фуқароларнинг миллий ўзлиги масаласи қонуний жиҳатдан унчалик мукамал эмаслигини таъкидлайди. Унинг фикрича, ҳар бир фуқаронинг миллий ёки этник ўзига хослигини сақлаб қолиш билан боғлиқ ва умуман жамоавий ҳуқуқлар масаласига Шарқий Европада пайдо бўлган янги давлатларнинг конституцияларида деярли эътибор берилмаган ёки мавжуд ҳолатларда ҳам у фақат декларатив характерга эгадир. Бу мавзунини атайлаб четда қолдиришдан кўзланган мақсад жамиятдаги яқдилликни сақлаш, уни

²⁰ Морозова Л.А. Влияние глобализации на функции государства // Государство и право. 2006. №6.С.101-102.

тарқалиб кетишдан асраш, бошқача айтганда барча фуқароларни умумий давлат этноси атрофида бирлаштиришдан иборат²¹.

Глобаллашув жараёнларида мустақиллиги ва давлатчилигидан воз кечган – хаосга айланган жамиятлар эмас, балки тўлақонли давлат сифатида шаклланган, ўз ягона қиёфаси, ўз имижиси, ҳудуди, тараққиёт йўналишларини аниқ белгилаб олган давлатлар фаол иштирок этишлари мумкин бўлади. Шу нуқтаи назардан ёш мустақил давлатларнинг, жумладан мустақил Ўзбекистон давлатининг халқаро медиаимижини ошириш масаласига ҳар қачонгидан ҳам алоҳида эътибор қаратилиши зарурлигини кўрсатади.

Халқаро медиамаконда Марказий Осиёдаги мустақил давлатлар мавзусининг вужудга келиш жараёни тенденциялари, эволюцияси таҳлилидан қуйидаги хулосалар чиқарилди:

– тарихий вазият мустақилликка эришган Марказий Осиё республикалари олдида кўплаб мураккаб муаммоларни кўндаланг қўйди. Умумлаштириб айтганда, бу муаммолар – ички ва ташқи ҳолатни яхшилаш, йўлга қўйиш, ривожлантириш, мукамал ҳолатга келтиришдан иборат эди. Ёш мустақил давлатнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви қонуниятлари барча янги давлатлар учун бир хил шароит яратди, бироқ маҳаллий шарт-шароит, иқтисодий ва бошқа имкониятларнинг турли хиллиги бир хил мақсадларга эришишда хилма-хилликни келтириб чиқарди. Зеро, ташқи муносабатлар ички шарт-шароитларнинг мантиқий давоми сифатида, яъни ички муаммоларнинг бартараф этилиши ташқи муаммолар ечимини топишда жуда қўл келишини ҳаёт кўрсатди;

– минтақанинг келажакдаги ривожланиши ва тараққиёти ҳозирги халқаро муносабатларнинг, сиёсий ва иқтисодий алоқаларнинг сифат жиҳатидан янгича тартибда шаклланишига, минтақа давлатлари раҳбарларининг юксак маҳоратига боғлиқлиги ўз исботини топди;

²¹ Пройсс У. Модели конституционного развития и перемены в Восточной Европе// Политические исследования. – 1996. - №4. – С. 128, 129, 133, 135.

– ёш мустақил давлатларга, жумладан Ўзбекистонга бўлган халқаро эътибор ҳар қачонгидан орта борди, эндиликда республикамиз мустақил субъект сифатида тилга олинадиган бўди;

– Марказий Осиё геостратегик нуқтаи назардан жаҳондаги энг тараққий этган, жумладан олис-яқиндаги бир қатор давлатлар диққат марказига айланди. Бундай муносабатлар гирдобида қолган минтақада етарли куч ва салоҳиятга, нуфузга, мавқега эга бўлган Ўзбекистон алоҳида ўрин тутди;

– мамлакатимизга бўлган муносабатларнинг шаклланишида давлатимиз раҳбарининг тенгҳуқуқли муносабатлар ўрнатишга доир концепциясига риоя қилинди;

– Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини оширишда жаҳон ахборот макони, хусусан оммавий ахборот воситалари ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Республикамиз ҳақида эълон қилинган матбуот чиқишлари мамлакатимиз ва халқимиз имижини вужудга келтириш, шакллантириш ва ривожлантиришда асосий омил бўлди;

– мамлакатда – ички, ташқи муаммоларнинг бартараф этилиши – ташқи имижнинг шаклланишини таъминлар экан, пировардида ички ва ташқи имиж яхлит бир имижга айланишини кўрсатди. Шундай вазифанинг нечоғли муваффақиятли ҳал этилишида медиа маконнинг ўрни, аҳамияти ниҳоятда катталиги ўз исботини топди;

– Марказий Осиё давлатлари, жумладан Ўзбекистон ҳақида атрофлича ўйланган, илмий асосланган, холис чиқишлар, шарҳлар кўпая борди;

– Марказий Осиё республикалари, жумладан Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлига тушган бир пайтда замонавий глобаллашув жараёнлари шиддатли тус олди. Мазкур жараён ва у билан боғлиқ муаммоларни таҳлил ва тадқиқ қилган бир қатор мутахассис олимлар ўз чиқишларида глобаллашув ҳодисаси яқин келажакда миллий мустақил давлатларнинг истиқболини шубҳа остига қўйишини башорат қилдилар, бу мустақил давлатлар ва уларнинг халқига тарих раво кўрган истиқлол севинчини, афсуски баъзи ҳолатларда, йўққа чиқарадигандек таассурот қолдирди.

Бошқача айтганда, ёш мустақил давлатларнинг халқаро имижига путур етказишга уринишлар кузатилди. Айнан шу омил ҳам давлатимизнинг халқаро медиаимижини янада шакллантириш, ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши зарурлигидан далолат бермоқда.

Жаҳон медиа макони – халқаро журналистиканинг ўрни, нуфузи ва аҳамияти

XX асрнинг 90-йилларида истиқлолга эришган давлатлар мустақил тараққиёт йўлини яратиш билан бир вақтда тобора авж олаётган глобаллашув жараёнлари талабларига мослашишга мажбур эдилар. Глобаллашув ходисасига шу қадар кўп таъриф берилганки, улар қанчалик хилма-хил бўлмасин, барчасида бир катта ҳақиқат – глобаллашув – умумлашув, яхлитлашув, ўзаро алоқадорлик ва ҳамкорлик эканлиги у ёки бу кўринишда, шакл-шамойилда таъкидланади, такрорланади. Яна бир ҳақиқат – глобаллашув, кенг маънода олиб қаралганда, кўпроқ ахборот глобаллашувида ўз ифодасини топмоқда.

Бу жараён жаҳон медиа маконида ахборот ва умуман оммавий ахборот воситалари тушунчасини ўзгартириб юборди. Вужудга келган “янги жаҳон ахборот тартиби” ҳар қандай давлат олдига янгидан-янги вазифаларни кўндаланг қўйди. Қолаверса, ушбу ҳолатга мослашиш мустақил давлатнинг халқаро имижини шаклланишида ҳал этувчи аҳамият касб эта бошлади.

Шундай экан, халқаро журналистика нима? Жаҳон медиа макони қандай тушинилади? Улардаги йўналишлар, манфаатлар, қонуниятлар қандай келиб чиқади? Глобал ахборий қарама-қаршиликлар ҳамда ғоявий-сиёсий технологияларнинг таъсири миллий журналистикамиз олдига қандай талаб ва вазифаларни қўймоқда? Халқаро журналистика дунёсига Ўзбекистоннинг интеграцияси журналистларимиз олдига қандай янгидан-янги талабларни қўймоқда?

Бу каби саволларга ҳам назарий, ҳам амалий нуқтаи назарлардан жавоб топа билиш жамиятнинг, давлатнинг замонавийлигидан, замон талаблари даражасида тараққий топаётганлигидан, пировардида эса халқ ва давлат имижини нечоғли мукамал яратилаётганлигидан далолат беради.

“Медиа макон” (ингл. *media space*) сўз бирикмасидаги “медиа” аслида кенг маънода қўлланиладиган “оммавий ахборот воситалари”нинг қисқартма

шаклидир. Муомалага 1990 йилларнинг ўрталарида кириб келган бу истилох эндиликда моҳиятан барча электрон ва босма оммавий ахборот воситаларини камраб олади.

Ахборот глобаллашаётган ҳозирги замонда дунё мамлакатларидаги матбуот ва оммавий ахборот воситалари фаолияти бир тизим сифатида тасаввур қилиб бўлмас, ақл бовар қилмас оқимга айланиб бормоқда. Инсон ақл-идрокининг, цивилизациясининг бемисл ихтироларидан бўлган мазкур оқим “жаҳон журналистикаси”, “халқаро журналистика” деб аталмоқда.

Инсоният “глобаллашув” деб аталган янгича ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган ва бу алоқалар жадал суръатларда кенгайиб, чуқурлашиб бораётган тараққиёт босқичида яшайпти. Глобаллашув нафақат иқтисодий балки ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва бошқа соҳалардаги умуминсоний жараёнларни ҳам камраб олувчи тушунчага айланиб улгурди.

Ахборот глобаллашуви дунё мамлакатларидаги шарт-шароит ва ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётимиздаги умумийликни, ўхшашликларни келтириб чиқарди. Бунинг оқибати ўлароқ:

- **биринчидан**, дунёда олий даражадаги илғор жамият барпо этишнинг бирдан-бир оқилона йўли демократик-ҳуқуқий давлат қуриш эканлигини эътироф этиш кучайди;
- **иккинчидан**, демократик-ҳуқуқий жамиятнинг муҳим белгиси ва шартларидан бири – оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги эканлигини инкор этиш мумкин бўлмай қолди;
- **учинчидан**, бирор тараққий этган мамлакат матбуотини эркинлаштириш соҳасида эришилган илғор тажрибаларни узоқ-яқин давлатларга тарқатиш имкониятлари кўпайди;
- **тўртинчидан**, халқаро журналистика мактабларини камраб олишга қодир кўплаб муҳим халқаро ҳужжатлар яратилди ва ҳаётга татбиқ этилди;
- **бешинчидан**, дунё мамлакатларидаги матбуот эркинлиги аҳволини халқаро миқёсларда кузатиш, улар ҳақида фикр-мулоҳаза юритиш,

баҳосини бериш ва шу асосда муайян мамлакатдаги аҳвол ҳақида дунё жамоатчилиги фикрини шакллантириш одати бир мунча оммалашди.

Санаб ўтилган ҳолатлар, табиийки, дунёни яхлит ахборот майдонига айлантормоқда.

Эндиликда давлатларнинг қудрати, салоҳияти ахборотга нечоғли эгаллиги билан ўлчанмоқда. Энг муҳими, ахборотга эгалик қилиш теварагида рақобат ҳар қачонгидан кучаймоқда.

Мазкур жараённинг ўзи халқаро журналистиканинг қарор топишини, ривожланишини, пировард натижада бутунжаҳон журналистикаси хусусиятларининг умумийлашувини жадаллаштирмоқда. Филология фанлари доктори Х.Дўстмухамедовнинг фикрига кўра, бу ҳол миллий журналистикани жаҳон журналистикаси нуқтаи назаридан, айтиш чоғда жаҳон журналистикасини миллий журналистика нуқтаи назаридан ўрганиш, таҳлил қилиш заруратини кун тартибига қўймоқда²².

Тўғри ва аниқ белгилаб олинган вазифалар қаторида, фикримизча, жаҳон медиа макони, унда халқаро журналистиканинг ўзига хос ўрни ва аҳамияти, шунингдек, миллий журналистиканинг жаҳон медиа маконида тутган ўрни каби мавзулар ҳам долзарб масалалар сирасига киради.

“Халқаро журналистика”, “хорижий журналистика”, янада кенгрок маънода қўлланадиган “жаҳон журналистикаси” атамаларининг ҳар бири ўзига хос баҳо, маъно бўёқлари ва йўналишларга эга бўлиш билан бирга, умуман олганда бир тушунчани ифодалайди.

Адабиётларда тилга олинган минтақавий журналистика, мисол учун, Марказий Осиё республикалари журналистикаси, МДХ давлатлари журналистикаси, шунингдек, Европа ва Америка мамлакатлари журналистикаси умумий жаҳон журналистикасининг таркибига киради. Тўғри, жаҳон журналистикаси ўзагини худди “жаҳон адабиёти”, “дунё санъати” иборалари сингари, биринчи навбатда, журналистик фаолиятнинг бой анъана ва тажрибасига эга бўлган иқтисодий ва технологик жиҳатдан

²² Дўстмухаммад Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари. Т.: Янги аср авлоди, 2007. – Б. 19.

ривожланган мамлакатлар журналистикаси ташкил этади. Мазмундаги жузъий тафовутлардан қатъи назар, амалиётда ушбу атамаларнинг барчаси хорижий ОАВ маъносида кенг қўлланади.

Ғарб мамлакатларида “журналистика” сўзи билан бир қаторда “mass media”, “mass communications” яъни “оммавий медиа”, “оммавий коммуникациялар” атамалари ҳам кенг қўлланади ва улар биринчи навбатда тармоқларга бўлинган ахборотнинг компьютерлашган ва электронлашган тизимини назарда тутди.

Хўш, мазкур атамалар ўртасида ҳақиқатан ҳам фарқловчи мазмун борми? Ҳозирги кунга келиб жамиятда ўзига хос ижтимоий-сиёсий фаолият соҳаларидан бирига айланган “халқаро журналистика” тушунчасига таъриф беришдан аввал шу соҳанинг жаҳон мамлакатлари тараққиёти жадаллашувига туртки бўлган айрим омилларини кўрсатиб ўтиш ўринлидир²³:

- **Иқтисодий омил.** Умумжаҳон иқтисодий маконида янги пайдо бўлган давлатлар ва минтақаларни ўз ичига олган иқтисодий жараёнларнинг глобаллашуви;

- **Технологик омил.** Саноатда, илм-фанда, маданият ва хизмат (сервис) соҳаларида ахборот технологиялари ва замонавий компьютерлар орқали бўладиган алоқаларнинг кенг тус олиши, шу билан бир қаторда, коммуникация технологияларининг глобаллашуви, очиқ жамиятлар сонининг ортиб бориши;

- **Табиий-экологик омил.** Тобора тугаб бораётган табиий бойликлар ва ички заҳираларнинг жаҳондаги турли халқлар ва давлатларни ягона куч остига бирлашишга ва ўзаро ҳамкорлик қилишларига даъват этиши ҳамда пировардида, мазкур омиллардан оқилона фойдаланиш бўйича биргаликда ҳаракат қилишни кўзловчи янги дастур ва лойиҳаларнинг ишлаб чиқиши бошланиши;

²³ АҚШ ва Европа журналистикаси. Маъруза матни. – Тошкент, 2007. – Б. 4.

• **Инсон омили.** Дунё миқёсида умумтаълим даражасининг ортиши, илм-фан ва таълимни инсонийлаштириш, яъни бутун инсон зотининг ҳуқуқларини тенг кўрган ҳолда барча учун имконият ва эркинлик бериш заруратининг англаб етилиши. Инсонпарварлик, тенгҳуқуқлилиқ ғоялари, халқларни бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қиладиган ўзаро ҳурматга асосланган халқаро муносабатларнинг шаклланиши ва кенг тарқалиши.

Юқорида санаб ўтилган омиллар, бошқа шарт-шароитлар умумдунё миқёсида кечаётган муҳим ижтимоий воқеликларга фаол кузатувчилик ва шарҳловчилик қилиш талабини келтириб чиқарди, бу вазифани замонавий профессионал даражда бажариш заруриятини туғдирди. Аниқроқ қилиб айтганда, жаҳон миқёсида кечаётган жараёнлар, воқеалар дунё миқёсида оммабоп тарзда эътироф этилишини, дунё миқёсида оммабоп руҳда таҳлил ва тадқиқ этилишини тақозо қилди – мазкур вазифани адо этишни эса айнан халқаро журналистика ўз зиммасига олди.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, халқаро журналистика дипломатия билан узвий боғлиқ бўлиб, у халқлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий меъёрларидан кенг фойдаланилиш заруратига алоҳида эътибор қаратади. Шунингдек, миллий-маданий ўзига хосликлар, қадриятлар, менталитет ва ахлоқий-тарбиявий меъёрлар, анъана ва удумлар ҳам халқаро журналистиканинг таркибий унсурларидандир.

Ҳозирги, замонавий маънодаги журналистика дастлаб Англия худудида 18-асрда хусусий (яъни персонал) журналистиканинг асосида пайдо бўлди ва ривожланди. Журналистиканинг жамиятдаги сезиларли кучга, таъсирга эга бўлишида Жонатан Свифт, Даниэл Дефо, Ричард Стил сингари атоқли адибларнинг ўрни катта бўлган, бинобарин уларнинг номлари бугунги кунда ҳам мамлакат журналистикасининг асосчилари сифатида тилга олинади.

Бироқ замонлар ўзгариши натижасида ҳар бир мамлакатда оммавий ахборот воситалари тизими турли ижтимоий-сиёсий шароитларда, турли ҳолат ва вазиятларга мослаша борди. Дунёнинг қайси нуқтасида бўлмасин, журналистика реал воқеликнинг инъикоси, маҳсули сифатида вужудга

келгани, тараққий топганини кўриш мумкин. Ҳар бир мамлакатда миллий журналистиканинг ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши ҳам айнан мазкур омилга боғлиқдир.

Шу маънода тарихий мисолларга мурожаат қилинадиган бўлса, Европа қитъаси журналистикаси билан, шу қитъада жойлашганига қарамай, анъанавий Британия ОАВ тизими бир-биридан фарқ қилади. Чунки бу мамлакат миллий журналистикаси турли сиёсий муҳитлар таъсирида шаклланган. Қитъада кўп асрлар давомида роман-герман ҳуқуқий тизими ҳукм сурган бўлса, Буюк Британияда аксарият даврларда умумий ҳуқуқлар тизими амалда бўлган.

Жаҳон журналистикаси нуқтаи назаридан Европа – энг ривожланган қитъа ҳисобланади. Ҳозирги даврда ривожланган мамлакатлар журналистикаси тизимининг умумий кўриниши ва уларнинг барчасига хос тараққиёт тамойилларини баҳолашда кўпроқ Европа мамлакатлари, ўрни келганда, АҚШ журналистикаси тизимига мурожаат қилинади.

Умуман олганда, ҳозирга келиб дунёдаги ривожланган мамлакатлар журналистикасининг тараққиёт тамойилларини қуйидаги асосий (ташкилий) омиллар белгилаб бермоқда:

1. Газета ва журналлар, телерадиостанциялар турининг узлуксиз равишда ошиб бориши, уларнинг хилма-хиллиги, ададининг кўпайиши ва аудиторияга етиб бориши борасидаги ютуқлар;

2. Босма ва аудиовизуал, электрон оммавий ахборот воситалари ўртасидаги доимий рақобатнинг мавжудлиги;

3. Мамлакатдаги ОАВ концентрациялашувининг кучайиши. Уларни йирик миллий ва халқаро корпорацияларга бирлаштириш масаласининг турли мамлакатларда турлича шаклда ҳал этилаётгани;

4. Ривожланган мамлакатларнинг бошқа давлатлар оммавий ахборот воситаларининг ривожланишига кўмаклашиши ва б.қ.

Юқорида санаб ўтилган умумий омиллардан ташқари, айти пайтда бошқа-бошқа давлатларда фаолият олиб бораётган йирик ОАВнинг мавзу

мундарижасидаги ўхшашлик ва яқинлик, баъзи ҳолатларда эса бир хиллиликнинг кузатилиши замонавий жаҳон журналистикасининг асосий хусусиятларидан ҳисобланади.

Дарҳақиқат, демократия ва инсон ҳуқуқлари, уруш ва тинчлик, гиёҳвандлик, терроризм, экологик муаммолар, шунингдек Европа давлатларининг дунё ҳамжамиятига интеграцияси масалаларини жаҳондаги деярли барча йирик ОАВ саҳифаларида кўриш, кузатиш мумкин.

Дунё мамлакатларидаги миллий журналистика мактабларига хос бўлган умумий ўхшашликлар ҳақида сўз юритганда, айтиш мумкин ҳар бир давлат журналистикасида муайян тафовутлар ҳам мавжудлигини эътибордан соқит қилиб бўлмайди.

Мисол тариқасида ўша ўзига хосликларнинг айримлари хусусида тўхталиб ўтиш ўринлидир.

Биринчидан, ҳар қандай давлатда журналистиканинг “тўртинчи ҳокимият” мақомига кўтаришга уриниш қайд этилади.

Иккинчидан, сўз эркинлиги, матбуот ва ахборот олиш эркинлигининг конституциявий асосларини яратиш масаласига жиддий эътибор қаратилади. Мисол учун, АҚШда бу борадаги ҳаракатлар 1967 йилдан бошланган. Ҳозирги даврда аксарият мамлакатларда ахборот олиш эркиндир. Буюк Британия ва Австралияни истисно қилганда қолган мамлакатларда сўз ва фикр эркинлиги конституциянинг махсус моддасида кафолатланган. Шунингдек, Испаниядан ташқари, Нидерландия ва Швецияда матбуот эркинлиги алоҳида қонунлар билан белгиланган.

Учинчидан, журналистларнинг ҳаётида ва фаолиятида тухмат нималигини аниқлаш масаласи.

Тўртинчидан, журналистика воситаларидан шахсий мулк сифатида фойдаланиш. Ушбу масала, яъни ОАВни хусусийлаштириш аксарият Европа ва Шарқ мамлакатларида қонун билан белгиланган.

Бешинчидан, матбуотнинг марказлаштирилиши муаммоси. Бу борада Германияда 1976 йилда, Францияда 1986 йилда матбуот

марказлаштирилишига қарши қонунлар қабул қилинди. Шу каби уринишлар 1992 йилда Австрия ва Австралияда кузатилган.

Олтинчидан, муҳаррирларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида Норвегияда катта ютуқларга эришилган. Жумладан, 1953 йилда бу мамлакатда “Муҳаррирлар кодекси” қабул қилинган бўлиб, унга кўра, нимани чоп этиш ёки чоп этмасликни фақат бош муҳаррир ҳал қилади.

Еттинчидан, ОАВни давлат рўйхатидан ўтказиш масаласи. Дунёнинг бир қатор йирик давлатлари, хусусан, Франция, Испания, Буюк Британияда ОАВ давлат рўйхатидан ўтиши шартлиги белгилаб қўйилган. Аммо амалиётда қонуннинг мазкур бандига кўпинча амал қилинмаслиги ҳолатлари учрайди. Айрим мамлакатларда эса нашрларни расман рўйхатга олиш чоғида газетанинг муҳаррири, манзили, адади ва матбаа корхонаси, унинг манзили кўрсатилиши, бошқа бир давлатларда эса фақат нашрнинг намуна нусхаси сақланиши шартлиги кўрсатилган.

Саккизинчидан, ОАВ экспорти ва импорти масаласи. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 1975 йили Хельсинкида қабул қилган яқунловчи ҳужжатида (“Гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик” бўлимида – Б.А.) иштирок этувчи давлатлар орасида эркин ахборот алмашинуви шароити яратилиши белгилаб қўйилган. Унда иштирок этувчи давлатлар бошқа давлатлар ҳаётининг турли жиҳатларини кенгроқ билиш ва тушуниш эҳтиёжини англамоқликлари, бунинг учун эса, жумладан, матбуот нашрларининг импорт қилиниши, сотилиши, уларга обуналар уюштирилиши ва ҳоказо талаблар қайд этилган²⁴. Ривожланган демократик давлатларда бу каби халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя этиш йўлга қўйилган.

Чунончи, Европада ва дунёнинг деярли барча мамлакатларида ОАВ маҳсулотларини экспорт қилишга руҳсат берилади. Айрим мамлакатларда импорт ҳам бемалол амалга оширилиши мумкин. Жумладан, Австрия, Франция, Норвегия каби мамлакатларда ахборот “олиб кириш” масаласида деярли таъқиқлар белгиланмаган. Лекин Францияда ўтган аср 70-йиллари

²⁴ Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар.Т.: Адолат. -2004. Б.327-328.

охирига қадар коммунизмни шарафловчи материалларни эълон қилиш маън этилган ва ҳозиргача мамлакатга порнографияга дахлдор ахборотни олиб кирилишига йўл қўйилмайди. Австралия, Канада ва Буюк Британияда зўравонлик, беҳаёлик ва террорчиликка оид ахборотни олиб кириш таъқиқланади.

Тўққизинчидан, журналистикани давлат аралашувидан сақлаш муаммоси. Бир қатор Европа давлатларида мамлакат миқёсида амал қиладиган матбуот кенгашлари, айрим йирик ОАВнинг ўзида омбудсменлар мавжуд.

Умуман олганда журналистика соҳаси жадал ўзгариб бораётган ҳамда ОАВ мураккаб жараёнларни бошидан кечираётган мамлакатларнинг асосий гуруҳини собиқ социалистик давлатлар ташкил этади. Зеро, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар даврий матбуот, радио ва телевидениенинг фаолият йўналишини белгилаб бермоқда. Шу сабабдан ёш мустақил мамлакатлардаги ривожланиш тенденциялари миллий журналистикадаги туб ўзгаришларга сабаб бўлмоқда.

Бу ўринда XIX асрнинг 30-40-йилларида газеталарнинг мавзундарижасини қайта кўриб чиқиш билан бошланган матбуотдаги “тижорий инқилоб” (рекламаларнинг кўпайиши) дан кейин Англия ва АҚШнинг бир-бирига услубий жиҳатдан ўзаро таъсирини, яъни газеталар мундарижасида фактларга бой бўлган янгиликлар жанрига эътиборнинг кучайиши авж олганини эслаш зарур.

Аслида ҳам маданий келиб чиқиши бир-бирига ўхшаш – “Ғарб”га мансублигидан қатъи назар, Европа ва Америка мамлакатлари журналистикаси бир-биридан кўп жиҳатлари билан фарқ қилади.

Европа қитъаси журналистикасида муаллиф нуқтаи назарини ифодаловчи “фикр”ни бериш (яъни “Фикр журналистикаси”) устун мавқени эгаллаган бўлса, Америка ва Британия журналистикасида аниқ далил ва фактларга кўпроқ таянилган, бошқача айтганда, матбуот вакиллари

томонидан ижтимоий аҳамиятли янгилик сифатида тарқатилган хабарлар тобора кўпроқ кадрлана бошлаган.

АҚШ ва Буюк Британиядаги ҳаёт ва турмуш тарзининг тезкорлиги, аниқ факт ва далилларни қандай бўлмасин, зудлик билан қўлга киритишни зарур шарт даражасига кўтарди. Пировардида ахборот материалларини ёзишнинг ўзига хос “тўнқарилган эҳром” усули вужудга келди ва бу ҳодиса аксарият газеталарда репортёрлар номини аноним сақлаш аъъанасини шакллантирди.

Мазкур тафовут ОАВнинг кейинги ривожланишига сабаб бўлди. Айтайлик, Германия, Франция ва Россияда матбуот ходимлари журналистик фаолиятнинг аудиторияга кўрсатадиган таъсири устида кўпроқ бош қотиришди. Бу ўз навбатида жанрлар назарияси устида жиддий ишлаш талабини кун тартибига қўйди, интервью, диалог ва баҳс-мунозара сингари ёритиш усулларини юзага чиқарди.

Натижада журналистика умумадабий жараённинг таркибий қисми ёки даврий нашрлардаги бадий тўқима билан эмас, балки реал ҳаётий ҳодисалар ва фаолиятлар устида ишлайдиган аниқ бир йўналиш, соҳа бўлиб шаклланди.

Ўзбекистон журналистикаси, маълумки, рус журналистикаси таъсирида пайдо бўлган ва ривожланган. Шу билан бирга биз учун Европа қитъаси журналистикасининг тараққиёт модели ҳам бегона эмас.

XX асрда халқаро журналистика, асосан, “икки қутб” ўртасидаги ўзига хос қурол вазифасини ўтади. Журналистиканинг ғоявий, тарафқаш, қизғин сиёсий характери йигирманчи юз йилликнинг 90-йилларига қадар сақланиб турди. СССРнинг парчаланиши ҳамда “совуқ уруш” муносабатларининг барҳам топиши халқаро журналистиканинг ҳам моҳиятини бутунлай ўзгартириб юборди.

“Ривожланмаган давлатларнинг етакчи сиёсатчилари, – деб ёзади “ЮНЕСКОнинг матбуот эркинлиги ишлари бўйича маслаҳатчилар гуруҳи” раиси Миа Дорнерт, – кўпинча халқаро ахборот оқими ичида нотенглик мавжудлигидан, унда бадавлат ғарб мамлакатлари етакчилик қилишидан нолишади. Уларнинг фикрича, тенг ҳуқуқлилик таъминланмаган эркин

ахборот оқимида иштирок этишга мураса қилиб бўлмайди. Шундан келиб чиқиб, ЮНЕСКО ахборот борасида “бадавлат” ва “ночор” давлатлар ўртасидаги жарликни йўқотиш масаласи билан шуғулланмоғи керак деган талабларни қўйишмоқда”²⁵.

1978 йилда илк бор “Янги жаҳон ахборот тартиби” тушунчаси ҳуқуқий жиҳатдан халқаро миқёсда эътироф этилган. Ҳужжат БМТ Бош Ассамблеяси ва ЮНЕСКО Бош конференцияси томонидан расман қабул қилинган.

ЮНЕСКОнинг Оммавий ахборот коммуникацияларининг халқлар ўртасидаги тинчлик ва ўзаро тушунишни мустаҳкамлашга қўшадиган хиссаси билан боғлиқ асосий принциплар ҳақида қабул қилинган декларациясида хусусан шундай дейилади: “ривожланаётган мамлакатлар учун ва улардан чиқаётган хабарлар тарқатилишида тенгсизликка йўл қўйилмаслиги керак”. Шу ўринда Ўзбекистондан тарқатилаётган хабарларга кенг йўл очилишини таъминламоқ зарур.

1980 йилда ЮНЕСКО томонидан халқаро майдонда янгиликлар ҳамда турли маданий маҳсулотлар оқимини назорат қилиш (ёки лицензиялаш) бўйича алоҳида резолюция қабул қилинган. Шу йили ЮНЕСКО ташаббуси билан “Коммуникацияларни ривожлантириш халқаро дастури” номини олган янги ташкилот фаолият юрита бошлади.

Нуфузли халқаро ташкилот томонидан амалга киритилаётган бу каби янгиликлар бир қатор ривожланган давлатларга маъқул келмади. Ушбу мамлакатлар вакилларининг фикрига кўра, гўёки, ЮНЕСКО жорий этаётган тизим бу борадаги фаолият турларининг назорат этилиши, Ғарб матбуотининг демократик анъаналарига зид ва умуман дунёда ахборотнинг эркин тарқатилишига ҳалақит берди.

Хуллас, “янги жаҳон ахборот тартиби”ни амалиётга татбиқ этиш масаласида келиб чиққан тортишувлар АҚШнинг зудлик билан ЮНЕСКОни тарқ этишига олиб келди. Ваҳоланки, Ўзбекистон, Хитой, Россия ва Тожикистон БМТ миқёсида халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлашга

²⁵ Дорнерт М. Свобода печати как право человека. Право на мнение. Deutschland. №1, 2000 г. С.47.

қаратилган хатти-ҳаракатлар қоидаларининг қабул қилиниши тарафдорлари қаторида туришибди.

Таъкидланишича²⁶, Ўзбекистон, Хитой, Россия ва Тожикистоннинг доимий вакиллари БМТ Бош қотибининг номига ёзган хатда “Қоидаларнинг асосий мақсади давлатларнинг ахборот ҳудудидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашдан иборат” эканлиги қайд этилади. Резолюция лойиҳасида ушбу Қоидаларга исталган давлат кўнгилли асосда қўшилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Мазкур қоидаларга кўра, давлатлар “душманона ҳаракатларни, тажовуз актларини амалга ошириш, халқаро тинчлик ва хавфсизлик таҳдидларини яратиш ёки ахборот қуролини ёки тегишли технологияларни тарқатиш учун ахборот-коммуникация технологияларидан, жумладан тармоқдан ҳам фойдаланмаслик мажбуриятини олади”.

Ушбу қоидаларда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилаётган жиноий ва террорчилик фаолиятига қарши курашишда давлатларнинг ҳамкорлик қилиши ҳақида сўз боради. Булардан ташқари террористик, экстремистик ва айирмачилик характеридаги, шунингдек давлатларнинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий барқарорлигига, уларнинг маданий ва маънавий турмуш тарзига путур етказувчи ахборотнинг тарқалишини тўхтатиб туриш таклиф этилади.

Қоидаларга қўшилган давлатлар “Интернет ресурсларининг адолатли тақсимланишини таъминлаш, барча учун очик бўлишига ёрдам бериш ҳамда Интернетнинг барқарор ва хавфсиз ишлашини кафолатлаш имконини берувчи тармоқни бошқаришнинг кўп томонлама, шаффоф ва демократик халқаро механизмларини яратишга кўмаклашиш” мажбуриятларини олади.

Сир эмаски, айти даврда Интернетдан фақат ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш Ғарб мамлакатларининг асосий мақсадларидан бирига айланмоқда. Ривожланган мамлакатларда кибер хавфсизликни мустаҳкамлаш

²⁶ Мурод Ғофуров. Интернетни ким бошқариши керак? // “Vatandosh” газетаси. 2012 йил 19 октябрь.

масаласига, шунингдек, Интернетдан ҳарбий-психологик таъсир ўтказиш мақсадида фойдаланишга жиддий эътибор берилмоқда. Баъзи бир давлатлар Интернетни ўз мақсад-режаларига тўғридан-тўғри бўйсундиришни маъқул кўрсалар, айримлари уни чеклаш, чегаралаш орқали ҳимояланиш чорасини ишлаб чиқмоқдалар.

Бунга жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Чунончи, Эрон Ислом Республикасида мамлакатни ташқи Интернетдан узиб, мутлақо миллий ички “ўргимчак тўри”ни яратиш устида иш олиб борилмоқда. Хитой эса хорижий ижтимоий тармоқларни батамом ёпиб ташлаш ҳамда сўзларни филтрлаш борасида техник чораларни кўрмоқда.

АҚШ маъмурияти 2012 йилда дунёда биринчи бўлиб Кибермакон учун халқаро стратегияни эълон қилди. Ушбу ҳужжат асосида кибер технологиялардан самарали фойдаланиш орқали мамлакат ичкарасида хайрихоҳ медиа муҳитини яратиш кўзда тутилмоқда. Таъкидлаш жоизки, мутахассислар буни АҚШ томонидан глобал миқёсда одамларнинг онгига бевосита таъсир кўрсатишга бўлган уриниш сифатида баҳоламоқдалар. “Российская газета”да “АҚШ давлат департаменти Россия билан янги уруш бошлаш ишларини якунламоқда, – деган сенсацион хабар босилди. – Бу урушда асосий босқинчилик қуроли сифтида компьютер, жанг майдони учун эса Интернет танланди”. Белгиланган режага кўра, рус тилида фаолият юритадиган барча сайтлар, блог ва чатлар қаттиқ тазъийқ ва босим остида қолдирилади²⁷. Мазкур вазифа юкланган хизмат (“Ташқи рақамли алоқалар жамоаси” деб аталади – Б.А.) мутасаддиларидан бири тарқатган маълумотга кўра, Интернет тўлқинларидаги бундай ахборот жанги араб, форс ва урду тилларида ҳам олиб борилади.

Бундай ҳаракатлар нимадан далолат беради?

Аввало, АҚШнинг иқтисодий, техник имкониятлари чексизлигидан, қолаверса, АҚШ ўз манфаатлари йўлида ҳеч қандай хатти-ҳаракатлардан тоймаслигидан далолат бермоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, АҚШдек

²⁷ Воробьев М. Белый дом назвал Интернет “полем боя”. // “Российская газета”. 30 октября 2008.

қудратли давлат бу каби янгиликлардан кўзда тутган бош мақсадини яширмапти, балки Интернет тўлқинларида Америка манфаатларига зид келадиган ҳар қандай чиқишларга қарши курашишга бел боғлаганини очиқ-ошкора эътироф этмоқда. Яъни, АҚШ шу йўл билан ҳам халқаро ахборот маконидаги имижини салмоғини янада кучайтиришни кўзламоқда.

АҚШнинг собиқ Давлат котиби Х.Клинтон ўз чиқишларидан бирида “Интернет эркинлиги биз учун энг муҳим йўналишлардан биридир. Биз зарур чораларни кўриш орқали Интернетдаги махфийлик, яъни шахсий дахлсизликни таъминлашнинг янада мустаҳкам ҳимоясини яратишни, ҳамманинг фикрлаш, уюшиш ва йиғилиш эркинликларини, жумладан, интернетда ҳам таъминлашни хоҳлаймиз”, деб таъкидлади. Бундай хоҳиш натижаси ўлароқ АҚШ миллий хавфсизлик хизмати таркибида махсус Киберхавфсизлик идораси фаолияти йўлга қўйилди.

Бир сўз билан айтганда кибермакондаги АҚШнинг халқаро стратегияси тобора мукамаллашмоқда. Бу баҳонада, гўёки сўз ва уюшиш эркинлигини таъминлаш учун “ишончли, хавфсиз ҳамда ҳимояланган платформалар” яратиш бўйича АҚШ зиммасига мажбурият олишини кўпчилик, айниқса, АҚШ гегемонлигига қарши чиқадиган давлатлар мутахассислари шубҳа остига оладилар.

Азал-азалдан дунё сахнасида бир-бирларига турли кўринишда – гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона қарама-қарши кайфиятида бўлиб келган давлатлар Интернет ва ахборот мўъжизасидан мутлақо янги жанг майдонларини бунёд этмоқдалар. Энг ачинарлиси, эзгулик учун хизмат қиладиган журналистикани, оммавий ахборот воситаларини ўша жанг майдонларининг асосий қуролига, журналистларни эса жангчиларига айлантirmoқдалар. Кўплаб давлатлар ахборот урушига ҳозирликни бошлаб юборишган. Шу мақсадда беҳисоб маблағлар сафарбар этилмоқда. Ахборот уруши учун анъанавий чегараларни бузиб ўтиш шарт эмас, қолаверса, бу урушда

одамларга қирғин келтирилмайди, балки телекоммуникация, ОАВ тизимлари “ҳамкорлиги”да кенг омманинг дунёқарашларига зуғум ўтказилади²⁸.

Эътиборли томони шундаки, бу сингари тизимларни қудратли давлатлардан ташқари ҳеч бир давлат ёки марказлар чеклаш ёки назорат қилиш имконига эга бўлмайди. “Аслида, – деб ёзади ўзбек публицисти Ж.Меликулов, – бунинг ортида Ғарб қадриятлари ва қолипларига мосланган ғояларни бутун дунёга жорий этиш ва шу орқали ўз таъсир доирасини кенгайтириш истаги ётади. Мақсад эса онгни экспорт қилиш”²⁹.

Жаҳон медиа макони – халқаро журналистиканинг ҳозирги мураккаб тарихий палладаги инсоният, жумладан, давлатлар, халқлар, миллатлар тақдиридаги ўрни, аҳамияти шу қадар улканки, бир сўз билан айтганда, “бутун дунё ягона ахборот маконига айланган бугунги кунда инсонни камолотга чорлайдиган эзгу таълимотлар билан ёвуз ғоялар ўртасидаги кураш тобора кескинлашмоқда”³⁰.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, жаҳон журналистикасини таҳлил этишда унда рўй бераётган барча жараёнлар, янги тенденцияларни тўла-тўқис қамраб олишнинг имкони йўқ, албатта. Лекин айтиш пайтда сақланиб келаётган миллий ўзига хосликларни кўриб чиқиш ва ахборот жамияти сари интилиш жараёнида асқотадиган бирмунча самарали бўлган тамойилларни белгилаб олиш бугунги миллий журналистикамиз учун долзарб вазифалардандир.

Глобаллашув ва ҳозирги турмуш тарзининг кескин суръати, илмий-техника тараққиёти, янги ахборот технологиялари ҳаётимизни, умуман жамиятни жадал равишда ўзгартирмоқда. Бундай шароитда кишилик жамиятининг журналистлар олдида қўядиган талаблари ҳам ўзгармоқда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти мустақиллик эълон қилинган дастлабки кунлардаёқ “Халқ сўзи” газетасига берган интервьюсида,

²⁸ Қаранг: эл. манба. NEWSru.com, 31.01.2008.

²⁹ Меликулов Жуманазар. Импортлашаётган онг ёхуд глобаллашаётган дунё муаммолари. // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 2006 йил, 1 декабрь. 48-сон (3877), 2-бет.

³⁰ Мирсаидова М. Ҳаёт билан ҳамқадам. / Ўзбекистон матбуоти. 2014, №5. - Б.15.

“Журналистлик – энг захматкаш касблардан бири журналист айна пайтда давлат арбоби, сиёсатчи, халқ маънавияти дарёсининг миробидир” – деган эди.³¹

Дарҳақиқат, бугунги ривожланган даврда барча соҳалар сингари ОАВ соҳасида ҳам туб бурилишлар содир бўлди. Ядро полигонларидан ҳам кудратли бўлган ахборий хуружларга, янги тамаддун – глобаллашув жараёнининг “хурмача қилиқ”ларига дош бериш учун эса профессионал жангчилар – журналистлар шай турмоқлари зарур. Глобал ахборий маконда эса журналистлар ҳам сиёсатчи, ҳам давлат арбоби, ҳам миллат ҳимоячиси сифатида фаолият юритиши лозимлигини даврнинг ўзи, содир бўлаётган жараёнларнинг ўзи тақозо этмоқда.

Гап ғоявий-сиёсий технологиялар ҳақида борар экан, унинг деструктив усуллари эндиликда энг долзарб бўлган ахборот макони орқали давлат ва жамият қурилишига, фуқаролар онги ва эркинлигига бирдек хавф солади. Бундай шароит яна бир карра журналистларимиздан фаолликни ва дадил позицияда бўлишни талаб этади. Чунки, матбуотда, мутахассислар томонидан эълон қилинаётган суҳбатлар, тадқиқот ва таҳлилларда такрор-такрор таъкидланаётганидек, “Бугун ахборот технологиялари орқали бошқа бир мамлакатдаги ҳаққоний вазиятни онгли равишда бузиб кўрсатиш, у ердаги сиёсий раҳбарият ва фуқаролар кайфиятига мақсадли таъсир қилиш амалиёти борган сари кенг кўлам касб этмоқда. Бу эса жаҳон ҳамжамияти учун катта муаммо бўлиб қолаётир”³².

Фаслда баён этилган фикр-мулоҳазалар, таҳлиллар асосида қуйидаги хулосалар чиқарилди:

– глобаллашув жараёнлари жуда кўплаб ўзгаришлар қатори мутлақо янги жаҳон ахборот тартибини вужудга келтирди, бу тартиб катта-кичик давлатларда деярли барча соҳани, жумладан ахборот ва ОАВ соҳасини тубдан ислоҳ этишни тақозо қилди;

³¹ Халқ сўзи //1991й, 19 декабр.

³² Мирносиров М. Глобал таъсир воситаси. // Тафаккур. – 2004, №2. Б.83.

– янги жаҳон ахборот тартиби шароитида дунёдаги барча мамлакатлар учун умумий бўлган хусусиятлар шаклланди, бу ҳол халқаро алоқаларни йўлга қўйиш, ўзаро тажриба алмашишни осонлаштирди;

– жаҳон журналистикасида икки хил тенденция кузатилди: биринчиси – деярли барча давлатлар ўхшаш ислохотлар жараёнларини бошдан кечирдилар, иккинчиси – айтилишича ҳар бир давлат ўзига хос ва ўзига мос йўлдан борди. Хусусан, ёш мустақил давлатлар мазкур икки йўл орасида мувозанатни сақлаш, уйғунликни таъминлашга ҳаракат қилдилар. Ушбу ҳолат ҳам давлатларнинг халқаро имижини ошириш ва мустаҳкамлашда алоҳида аҳамият касб этди;

– глобаллашув шароитида дунё ахборот маконини эгаллашга уринишлар, унга мутлақ эгалликка интилиш кайфиятлари яққол кўзга ташланмоқда. Бу халқаро медиамаконда ахборотнинг монополлашувига йўл очмоқда, айрим ҳолларда эса қудратли давлатларнинг эндигина ривожланаётган, эндигина мустақиллик йўлини танлаган ёш давлатлар манфаатлари билан ҳисоблашмаган ҳолда иш тутишларида ўз аксини топмоқда;

– жаҳон медиамаконидаги реал шарт-шароит ва тинимсиз юз бераётган ўзгаришлар миллий журналистикамизда кенг маънодаги профессионаллашув масаласига алоҳида эътибор қаратилишини тақозо этмоқда.

Мамлакатнинг жаҳон медиа маконидаги имижини ошира боришда миллий журналистиканинг ўрни, унинг салмоғини янада ошириш муаммолари

Биз одатда мамлакат имижининг халқаро медиамакондаги тақдирини асосан хорижий давлатларнинг оммавий ахборот воситалари ҳал қилади, деб ўйлаймиз. Аслида бу янглиш, асоссиз тушунчадир. Аксарият ҳолатларда мазкур йўналишда ички имкониятлардан, хусусан миллий журналистикадан фойдаланиш масаласи иккинчи даражага тушиб қолаётгандек.

Республикамиз мустақилликка эришган палла дунёда глобаллашув жараёни авж нуқтасига чиқиш даврига тўғри келди. Ушбу жараён шу пайтгача ҳукм сурган, ўзгармас анъаналарга айланган тизимларни тубдан ўзгартириб юборди. Бундай янгиланиш жараёнлари ҳатто тараққий этган давлатларни ҳам шошириб қўйди. Ёш мустақил давлатлар олдида эса ўн ҳисса кўпроқ муаммоларни бартараф этиш масаласи, вазифалари кўндаланг бўлди.

Бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш даврини бошдан кечирган демократик Ўзбекистоннинг шаклланиши дастлабки даврларда осон бўлмади. Бундай шароитда мамлакатнинг ижобий имижини яратиш фавқулодда қийин кечди. Чунки мураккаб бозор иқтисодиёти билан боғлиқ ислоҳотлар, мулкчилик шаклининг ўзгариши, хусусийлаштириш жараёни ўз-ўзидан амалга оширилмади. Эндиликда мамлакатдаги ички ижтимоий-иқтисодий шароит яхшиланган бир пайтда Ўзбекистоннинг имижини масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Қайд этиш керак, давлатнинг ижобий имижини ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини оширувчи энг муҳим омил ҳисобланади. Айниқса, глобаллашув даврида оммавий ахборот воситалари ахборот маконига ва у орқали мамлакат имижига бевосита таъсир этувчи қурол сифатида юзага келади.

Мустақил Ўзбекистон давлатчилигининг шаклланиши жараёни турли хорижий давлатлар билан ҳамкорлик алоқалари тизимининг такомиллашиши ҳамда турфа соҳаларни қамраб олувчи алоқалар чегараларининг кенгайиши билан ҳамоҳанг тарзда кечди. Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан ўрнатган ана шу ўзаро ҳамкорлиги механизмининг ривожланиши баробарида унинг имижини ҳам шакллана борди. Йиллар ўтгани сари у ташқи муҳитга мос равишда такомиллашди.

Мамлакатнинг ички ахборот маконини ислоҳ этиш, уни жаҳон ахборот маконининг ажралмас бир бўлагига айлантириш ва шу орқали миллий журналистика ва миллий ОАВ тизимини давлатнинг ташқи имижини яратишдаги иштирокини юқори босқичларга кўтаришни давр ва замон кун тартибига қўйди. Айтиш керакки, ушбу йўналишдаги ислоҳотларни йўлга қўйишда ҳам муҳтарам Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш тамойили қўл келди. Чунончи, миллий журналистика соҳасини демократик қадриятлар асосида қайта қуриш, жумладан номарказлаштириш, давлат тасарруфидан чиқариш, шўро давридан мерос қолган матбуотда цензура амалиётига барҳам бериш, малакали ва замонавий талабларга жавоб бера олувчи кадрларни етиштириш, шунингдек, соҳанинг барча жабҳаларини энг сўнгги технология воситалари билан қуроллантириш ишлари давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Бу каби янгиликларнинг пировард натижасида миллий ОАВ тизими тубдан янгиланди, мамлакат ахборот макони вужудга келтирилди, уни жаҳон ахборот маконининг ажралмас бир қисмига айлантириш сари йўл очилди.

Шу ўринда ахборот глобаллашуви жараёнига хос бир хусусият борасида алоҳида тўхталишга тўғри келади. Гап шундаки, глобаллашув шароитида ахборот оқими учун тўсиқ, чегара қолмади ҳисоб. Шу омилнинг ўзиёқ ички ва ташқи ахборот макони интеграциясини осонлаштирди ва тезлаштирди. Бу ҳолдан келиб чиқадиган ва эътибордан четда қолдириш мумкин бўлмаган масала – ички ахборот оқими исталган дақиқада хорижий ва халқаро ахборот оқимига қўшилиб кетиши эҳтимолининг мавжудлигидир.

Мисол учун, эндиликда аксарият вилоят, туман газеталари, ҳатто нодавлат нашрлар ҳам ўзларининг электрон версияларига эга. Демак, қайсидир вилоят ёки туман миқёсида тарқатилаётган босма нашр саҳифаларида чоп этилган материаллар дунёнинг исталган нуқтасида ўқилиши, эътиборга тушиши мумкин. Мавзуимиздан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, чекка туман ҳаётига доир янгилик, ахборот айна чокда ўша туманнинг, демак, ватанимизнинг хориждаги имижига, мавқеига бевосита таъсир ўтказиши мумкин.

Президент И.Каримов миллий журналистикамизнинг халқаро медиа маконда ўзининг мустаҳкам ўрнини эгаллаши зарурлигига эътибор қаратар экан, жумладан шундай дейди: “Биз ўз олдимизга дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига киришдек улкан ва шарафли вазифани қўйган эканмиз, мамлакатимизнинг жаҳон майдонидаги кескин рақобатга ҳар томонлама қодир бўлишини бундай юксак маррага эришишнинг асосий шарти ва гарови сифатида қўрамиз. Шу маънода, миллий журналистикамиз халқаро медиа маконида ўзининг муносиб ва мустаҳкам ўрнини эгаллаши бугунги кунда энг долзарб вазифамиз бўлиб қолмоқда”³³.

Бугунги кунда курраи заминнинг қай бир нуқтасини олманг одамлар янгича ахборот ва телекоммуникацион технологиялар тараққиётининг шиддат билан ривожланишига гувоҳ бўлишмоқда. Ушбу жараёнлар (давлат чегаралари ичида ҳам, ташқарисида ҳам) ҳаётнинг турфа йўналишлари, хусусан, сиёсат, иқтисодиёт, бошқарув, молия, фан, маданият ва бошқа жабҳаларга жуда катта таъсир ўтказмоқда.

Ахборот ва билимлар давлатнинг янги форматдаги стратегик ресурсига айланиб борар экан, у анъанавий бойлик ва манбалар қаторидан мустаҳкам ўрин олмоқда ва келажакда мамлакат тақидирини белгилашда янада жиддийроқ роль ўйнашига ҳеч ким шубҳа қилмай қўйди.

³³ Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига. <http://uza.uz/oz/politics/matbuot-va-ommaviy-akhborot-vositalari-khodimlariga-26-06-2015>

Ҳозирги глобал жамиятда ахборот алмашиш, уни қабул қилиш ва узатиш жараёнида, бу орқали мамлакат имижининг шаклланишида миллий журналистиканинг тутган ўрни жуда катта аҳамият касб этмоқда.

Фикримизча, миллий журналистиканинг мамлакат имижини шакллантиришдаги ўрнининг беқиёслигини эътироф этиш баробарида унинг айрим жиҳатларига алоҳида эътибор бериш жоиз. Мисол учун марказий газеталар, айниқса рус ва инглиз тилидаги нашрлар ададини янада ошириш керак. Ахборот сиёсатининг таркибий қисми сифатида турли ижтимоий ва тижорий рекламалар улушини янада кенгайтириш зарур.

Булардан ташқари мамлакат имижини миллий ОАВ ёрдамида кучайтириш бўйича қуйидагилар таклиф этилади:

- Ўзбекистоннинг ички медиа маконида фаолият олиб бораётган ОАВнинг сиёсий-мафкуравий жиҳатдан ягона стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни жорий этиш;
- Миллий ОАВнинг молиявий-техник имкониятларини ўрганиш ва уларни жаҳон стандартларига тенглаштириш;
- Миллий хавфсизликни таъминлашдаги ахборот омилининг ошиб бориши тенденцияларини назорат қилиш ҳамда Ўзбекистонда ҳанузгача фойдаланилмай келинаётган ахборот салоҳиятини аниқлаш;
- Миллий ОАВнинг мамлакат имижини ошириш борасидаги ролини ошириш мақсадида янгича услуб ва методларни ишлаб чиқиш;
- Ғарбдаги айрим ОАВ томонидан мамлакатимиз имижини ҳақида тарқатиладиган ноҳолис ахборотларга қарши кураш бўйича ички кучларни бирлаштириш.

Табиийки, хорижий журналистик тармоқлар Ўзбекистоннинг салбий имижини генераторига айланиб қолишига йўл қўйиб бўлмайди. Айниқса, Ғарб мафкурачилари томонидан чэт эл оммавий ахборот воситаларини ғаразли мақсадларда ишлатишларига бефарқ бўлиш керак эмас.

Мана шундай шароитда республика имижини нотўғри талқин этиш ва уни сохталаштиришга қарши олиб борилаётган курашни янада фаоллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабдан ҳам миллий ҳам хорижий оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистоннинг имижини яхшилайдиган ижобий материаллар кўламини кўтариш долзарб вазифа сифатида юзага чиқмоқда.

Бу борада, аввало давлат бошқаруви идоралари, вазирликлар, тегишли ташкилотлар ва муассасаларнинг бевосита ўзлари томонидан амалга оширилиши керак бўлган ишларни кучайтириш лозим. Албатта, мамлакат имижи стратегиясини амалга оширишда унинг илмий асосларини ҳам пухта яратиш муҳим масала ҳисобланади.

Умуман олганда миллий журналистиканинг Ўзбекистон имижини шакллантиришдаги аҳамиятини инобатга олиб, уларнинг самарадорлигини ошириб бориш фавқулодда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бир республика ОАВни сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиқиш керак. Бу айниқса телевидениега тегишлидир. Теледастурларнинг жуда катта қисмида ғоявий жиҳатдан саёз материаллар берилмоқда. Айниқса, кўнгилочар телешоулар, сериаллар, бадиий фильмлар томошабинларни фақат кундалик турмушдаги маиший муаммолар, ҳаётдаги жўн ечимли масалалар олдида қолдирмоқда. Бу билан ёшларнинг онги ва дунё ҳақидаги қарашларининг ривожланиши ўрнига, тор доирадаги арзимас мавзулар билан банд бўлиб қолмоқда. Бундай теледаструлар уларни атрофдаги ҳақиқатдан узоқлаштириб, ниҳоятда оддий, китобий ҳаётга ўргатмоқда.

Аммо жаҳонда содир бўлаётган ҳозирги ахборот-мафкуравий босим шароитида жамиятда бўлаётган реал ўзгаришларни кўрсатиш самаралироқдир. Айрим қўлма-қўл бўлаётган газеталар эса бой-бадавлат тадбирокорлар, санъаткорлар, кино юлдузларининг данғиллама саройлари ёки уларнинг хориждаги денгиз соҳилларида қандай ҳордиқ чиқарганликларини оқизмай-томизмай ёзишади. Шунингдек, Америка, Малайзия, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари каби тараққий этган

мамлакатларнинг кўзни қамаштирадиган осмонўпар бинолари ва мовий денгизлари ёнида кўшиқларга олинган видеоклиплар мусиқий каналлардан тушмай қолди. Бунинг акси ўлароқ, телевиденида, хусусан “Тошкент” телеканалидаги “Сайёр камера”чилар камбағал пенсионернинг яшашга яроқсиз кулбаси ёки каламуш босган хонадонидаги хароб аҳволни деталларигача намоёниш этишади. Бу эса жамиятда айрим англашилмовчиликларни туғдириши мумкин, ҳатто шаклланиб келаётган ўрта синф аъзоларининг ҳам жамиятига тегиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Ваҳоланки, айрим давлатларда, хусусан Россия Федерациясида синфий катламлар ўртасида тушунмовчиликлар келтириб чиқариши мумкин бўлган ОАВ материалларининг муаллифлари қонун олдида жавоб берадилар. Бундан ташқари 1954 йилда Журналистлар халқаро федерацияси конгресси томонидан қабул қилинган (1986 йилда ўзгартиришлар киритилган) “Журналистлар фаолиятининг Халқаро Декларацияси” 7-қисмида ҳам кишиларни уларнинг ижтимоий келиб чиқишига қараб ажратиш масаласида эҳтиёт бўлиш кераклиги қайд этилган.

Шундай экан, бутун халқимизга тегишли бўлган миллий мафаатларимизни ёқловчи, мамлакат имижини оширишга хизмат қилувчи “балансланган” материаллар кўламини кўпайтириш зарур. Бу борада журналистлар томонидан тайёрланадиган материаллар регламентациясини белгилаш яхши самара бериши мумкин. Республика коммуникация хизматлари барча йирик, айниқса хорижий мамлакатларга узатиладиган ОАВ фаолиятини мониторинг қилиш ҳуқуқига эга бўлишлари керак. Зарур ҳолатларда мамлакат имижига путур етказиши мумкин бўлган ахборотнинг олди олинishi керак.

Миллий ОАВдан давлат манфаатлари йўлида фойдаланиш борасида хорижий тажрибаларни кенроқ жорий этиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Глобаллашув шиддатли равишда тараққий этар экан, бундай шароитида давлатнинг юқори даражадаги ижобий имижини шу мамлакат фуқароларини ахборот билан таъминлаш ва уларни тарбиялаш функциясини

хам бажаради. Мамлакат имижи унинг иқтисодий қудрати, кучи, бойлиги, маданиятининг ривожланганлик даражасидан далолат беради. Имиж давлатнинг чет эл жамоатчилиги кўз олиндидаги нуфузи, обрўси, унинг халқаро майдонда олиб бораётган сиёсатининг муваффақияти белгисидир.

Биргина ушбу омил журналистларимиз, матбуотчиларимизни ўз касбларига, ижодларига буткул ўзгача нуқтаи назардан ёндашмоқликлари зарурлигини кўрсатади.

Иккинчи масала – биринчисининг узвий давомидир. Яъни, эндиликда миллий матбуотимиз, миллий журналистларимиз материалларининг чет эллик аудитория томонидан қабул қилиниши масаласидир.

Маълумки, ички ахборотни халқаро ахборот маконига етказиб бериш механизми, имкониятлари тобора кенгайиб бормоқда. Даврий босма нашрлар, телерадиоканаллар, ахборот агентликлари, хусусан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва “Жаҳон” ахборот агентлигининг бу борадаги фаолияти алоҳида аҳамиятга эгадир. Улар томонидан ушбу соҳани янада ривожлантириш борасида қатор ишлар йўлга қўйилган. Чунончи мазкур агентликлар томонидан бутун дунё мамлакатларига узатиладиган янгиликлар, хабарлар, репортажлар, мақолалар, шунингдек, фото ва видеоларҳалар сингари анъанавий жанрлар бугунги кун талаблари даражасида босқичма-босқич мукаммаллашиб, такомиллашиб бормоқда.

Аmmo бу борада бир қатор муаммолар мавжуд. Биринчидан, хориж деганда турли давлатлар, турлича ҳаёт тарзига эга халқлар, муҳими – турлича менталитет вакиллари назарда тутилади. Иккинчидан, курраи замин мамлакатимизга, халқимизга турлича муносабатда бўлган жамиятлардан, одамлардан иборат. Сиёсий-ғоявий қарашлар, интеллектуал-маърифий қизиқишлардаги хилма-хиллик маҳаллий муаллифларимиз вазифасини жуда мураккаблаштириб юбориши ҳам табиий. Учинчидан эса, ахборот ва янгилик тушунчалари миллий ва жаҳон журналистикаси амалиётида бирмунча фарқланади. Чунончи, дунёга кенг тарқатилаётган мақола ва материаллар лисоний ҳамда услубий жиҳатдан халқаро стандартларга тўлиқ мос келади,

дейиш қийин. Мавзу масаласи эса алоҳида муаммо. Кузатишларга қараганда, миллий журналистикамизнинг жаҳон медиа маконида баландроқ бўй кўрсатишига йўл очадиган мавзулар асосан қуйидагилардан иборат:

– ички муаммолар (жамиятни демократлаштириш, иқтисодий ва иттиҳодий либераллаштириш, одам савдоси, экология, Орол денгизи ва б.)

– ташқи муаммолар (халқаро терроризм, Тожикистон, Афғонистон,

Ўш воқеалари, жаҳон молиявий инқирози ва б.).

Умуман бу борада фикр юритилганда қуйидаги саволлар юзага чиқади. Ҳозирги даврда миллий журналистикамизнинг жаҳон медиа маконидан ўрин эгаллаши қай тарзда кечмоқда? Мазкур йўналишда амалга оширилган ишлар кўлами, эришилган ютуқлар, ривожланиш босқичлари, йўналишдаги эволюцион жараёнга қандай баҳо бериш мумкин? Жаҳон медиа маконига қадам қўйган миллий журналистиканинг ўзига хосликлари нималардан иборат? Ўзбекистонлик муаллифлар ёки эксперт доиралари ҳақида нималарни қайд этиш мумкин? Уларнинг фаоллигини ошириш учун нималарга кўпроқ эътибор қаратиш керак?

Аввало, қайд этиш ўринлики, айни даврда миллий журналистикамиз маҳсулоти ҳисобланган хабарларни дунё мамлакатларига бевосита, он-лайн узатиш жараёнида янги технологик кўникмаларга кенг ўрин берилиб, ижобий натижаларга эришилмоқда. Шу билан бир вақтда ОАВ материалларининг кенг аудитория диққатини жалб этиш учун, хусусан хорижий мамлакатлар халқлари эътиборига мўлжаллаб ёзилиши, тайёрланиши масаласига алоҳида эътибор берилмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда матбуот соҳаси, умуман миллий журналистикамиз тубдан ислоҳ қилинди. Мавжуд телерадиоканаллар фаолияти учун янгидан-янги шарт-шароитлар яратилди, ихтисослаштирилган телерадиоканаллар ташкил этилди, босма нашрларнинг умумий сонини тўхтовсиз ошира бориш билан бир вақтда уларнинг сифат даражасини юксалтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Интернет ОАВ каби янги тенденциялар пайдо бўлди.

Зеро, олдинги фаслда бугунги ахборот бозорида ўз овозига эга бўлиш, ахборотни ички ресурслари воситасида тарқатишнинг халқаро имиж шакллантиришдаги аҳамияти ҳақида алоҳида сўз юритилган эди. Ўз мафкуравий маконини ахборий хуружлардан сақлаш, халқаро ахборот алмашинувида тенг ҳуқуқлилиқ принциплари устуворлигига эришиш учун режалар ишлаб чиқилди ва ҳаётга муваффақиятли тадбиқ этилди.

Бу борада хусусан қуйидаги ишлар амалга оширилди:

– 1994 йил Ўзбекистон ЮНЕСКО томонидан 1966 йилда ишлаб чиқилган, халқаро ахборот алмашинувида тенг ҳуқуқлилиқни таъминлашга қаратилган “Халқаро ҳамкорликнинг асосий принциплари декларацияси”га қўшилди³⁴;

– хорижий мамлакатларга йўналтирилган ахборот оқимини шакллантириш мақсадида 1995 йилнинг 8 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги қошида “Жаҳон” ахборот агентлиги ташкил этилди³⁵.

– ахборот оқимида таҳлилий контент қўшиш, мамлакатда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар бўйича жаҳон ҳамжамияти орасида тушунтириш олиб бориш, оператив ахборот узатиш йўли билан ижтимоий фикрни шакллантириб бориш мақсадида 1996 йилнинг 21 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ахборот маркази тузилди³⁶;

– 1997 йили Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалари жамиятлари Кенгаши ташкил этилди³⁷.

Шак-шубҳасиз қайд этиш мумкинки, мамлакат ижобий имижини шакллантириш муаммоси бугунги кунда барча давлатлар, шу жумладан, Ўзбекистоннинг ҳам ташқи сиёсат соҳасидаги энг муҳим ва устувор масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

³⁴ Мухаммад аль-Бухари. Проблемы международного обмена информацией в условиях современных международных отношений. – Т.: Университет, 2005. – Б. 159.

³⁵ Мухаммад аль-Бухари. Рекламоведение и международные связи с общественностью. – Т.: Университет, 2009. – Б. 143.

³⁶ Ўша манба. – Б. 145.

³⁷ Ўша манба. – Б. 146.

Кейинги йилларда мазкур масаланинг долзарблигидан келиб чиқилгани ҳолда, шу йўналишда янги чора-тадбирлар кўрила бошланди. Хусусан, жаҳон ҳамжамияти билан ижтимоий ва маданий алоқалар ўрнатишга масъул янги институционал тузилмалар шакллантирилди, халқаро ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди.

Ўзбекистон маданиятини бошқа давлатларда тарғиб қилувчи ва, аксинча, Ўзбекистон халқини хорижий мамлакатлар маданияти билан яқиндан таништириш, халқлар орасидаги яқинликни рағбатлантириш, маданиятлар симбиозини кучайтириш соҳасида фаолият юритишга ихтисослашган жамғармалар ва нодавлат ташкилотлар вужудга келди.

Маданий-гуманитар соҳадаги алоқаларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш, таълим-тарбияни ривожлантириш, илмий-техникавий ҳамкорликнинг натижаси ўлароқ, Тошкентда Вестминстер халқаро университети, Москва давлат университети, Инха университети, Турин политехника университети ҳамда дунёнинг бошқа қатор нуфузли олий билим даргоҳларининг филиаллари очилди. Бу юртимиздаги таълим жараёнига хорижий тажрибани олиб киришга ва ривожланган давлатлар билан илмий-маданий алмашинувни тараққий эттиришга хизмат қилади.

Яқин ўтмишдан маълумки, мамлакатимизда мустақилликнинг қарор топиши силлиқ кечмади, албатта. Ҳукуратимиз, давлатимиз раҳбарияти ва халқимиз оғир синовларни бошдан кечирди. Қўшни Тожикистондаги давомли фуқаролик уруши, Қирғизистондаги давлат тўнтарилиши билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар, республикамиз ҳудудида авж олган диний ақидапарастлар ҳаракати, Тошкент, Сурхондарё ва Баткентдаги кўпурувчиликлар, хунрезликлар, айниқса 2005 йил баҳоридаги Андижон воқеаси халқаро медиамайдонда кенг муҳокама мавзусига айланди. Табиийки, хорижий ОАВ чиқишларининг барчасида холислик, хайрихоҳлик сақланди, дея олмаймиз. Аксинча айти шу сингари мавзуларни ёритиш чоғида кимнинг асли ким эканлиги яққол кўзга ташланди.

Минтақадаги вазиятни издан чиқаришдан, қўшни давлатларни бири-бирига гижгижлашдан манфаатдор кучлар вазиятдан самарали фойдаланиб қолиш ниятида ахборот майдони имкониятларидан, жумладан, ОАВнинг барча турларидан фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Айтиш мумкинки, айти шу каби фавқулодда ҳолатлар шароитидаги матбуот чиқишлари мамлакатнинг халқаро имижини сақлаш, ошириш ёки аксинча имижини пасайтиришда “айни муддао” бўлди.

Бугунги кунда чет элларда Ўзбекистон ҳақида ижобий тасаввурларни шакллантириш, турли давлатлар билан самимий ва ўзаро ҳурматга асосланган дўстлик алоқаларини ўрнатиш асосий ўринда турган вазифалардандир. Ўзбекистоннинг ички сиёсати моҳиятини хорижий давлатларда тушунтириш, бу йўналишдаги ишларни изчил олиб бориш, халқаро ҳамжамиятга ҳаққоний ахборот етказиш – бу соҳадаги ишларнинг ажралмас таркибий қисми бўлиши лозим. Қайд этиш лозимки, Ўзбекистондан чет элга ахборот узатиш каналлари (сунъий йўлдош, интернет)ни янада ривожлантириш орқали хорижий жамоатчилик фикрига таъсир ўтказиш масаласи ҳанузгача долзарб бўлиб қолмоқда.

Назарий жиҳатдан давлатнинг ижобий имижини шакллантириш оммавий дипломатия соҳасига дахлдор тушунчадир. Оммавий дипломатия деганда, ўз навбатида, хорижий аудиторияни ўрганиш, унга ахборот етказиш ва у билан алоқалар ўрнатишга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуаси тушунилади. Оммавий дипломатия анъанавий дипломатиядан кўра кенгрок маънога эгадир. Унинг таъсир доирасига давлат ҳудудида аккредитациядан ўтказилган журналистлар ҳам, шу давлат ҳаётининг, тарихи ёки маданиятининг бирор-бир соҳасини ёритадиган ёзувчи ва публицистлар ҳам, хорижий нодавлат ташкилотлар ҳам киради.

Давлат имижини шакллантириш ҳаракатини стратегик режалаштириш асосида иккита муҳим масала ётади: биринчидан, қилинаётган ишларнинг самарадорлигини, яъни реал натижани аниқ ва очиқ кўрсатиш ва уларни баҳолашнинг қийинлиги. Чунки, у ёки бу давлатнинг халқаро имижини

бирмунча кенг тушунча ҳисобланади. Иккинчидан, ҳозирга келиб ўз самарадорлигини бироз йўқотиб бораётган анъанавий давлат тарғиботи ишларини икки томонлама диалог ва мулоқотга асосланган янги услублар, хусусан “soft power”³⁸ механизми билан алмаштириш масаласи. Зеро, бу каби янги усулларни тўғри қўллаш билиш учун халқаро малака ва кўп йиллик тажрибага эга бўлган мутахассислар талаб этилади³⁹.

Ижобий маънодаги халқаро имижни яратиш бўйича бугунга қадар ишлаб чиқилган асосий лойиҳа ва дастурлар, халқаро минбарларда олға сурилган айрим ташаббусларни шартли равишда қуйидаги шаклда таснифлаш мумкин.

Дарҳақиқат, Президент И. Каримов қайд этганларидек, “ўзбек номини, ўзбек илм-фани ва маданиятини, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг юксак салоҳиятини, унинг қандай буюк ишларга қодир эканини дунёга намойиш қилишда юртимиз заминидан етишиб чиққан юзлаб улуғ зотлар фидойилик намуналарини кўрсатиб келган”⁴⁰. Айнан шу тарихий ҳақиқат юртимизнинг глобал ахборот майдонидаги бугунги имижига ҳам бевосита дахлдордир. Маълумки, Ўзбекистонда маданият ва фан тизимини қайтадан кўриб чиқиш, маориф соҳасини эса тўлалигича ислоҳ этиш талаб қилинди.

Маданият соҳасида:

- Совет мафкураси сингдирган стереотиплардан воз кечилиб, миллий кадриятларни тиклаш, маданий меросни ўрганишга кенг йўл очиб берилди;

- Аввало, мамлакатимизда кирилл алифбосидан лотин алифбосига ўтилиши Ўзбекистонни Ғарб мамлакатлари ва умуман дунёга бир қадар яқинлаштирди.

Асосий йўналишлар:

- Маълумки, миллийлик ҳар доим мамлакатга бошқалар наздида экзотика бағишлайди, бу эса сайёҳлик маршрутларга ижобий

³⁸ Soft power – зўравонликка асосланган сиёсий ҳокимият шаклидан фарқли ўлароқ, исталган натижага ихтиёрий иштирок этиш орқали эришишга асосланган сиёсий ҳокимият шакли.

³⁹ Данаева З. Имидж страны. Страновой брендинг. – электронное издание//www.zakon.kz

⁴⁰ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 121.

таъсир ўтказди. Ўзбекистоннинг жуда катта туристик салоҳияти бор. Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларида дунёда тенги йўқ тарихий-меъморий мажмуалар жойлашган; Бойсун – халқ оғзаки ижодининг уникал маконидир; Зомин, Чортоқ ва бошқа тоғли ҳудудларни табиий туризм нуқталарига айлантириш мумкин; Чимён қишки туризм талабларига жавоб беради; Орол бўйи минтақасида эса экологик туризм йўналишини очиш мумкин;

- Юртимизда истиқомат қилган машҳур шахслар номини тиклаш, уларни Ўзбекистоннинг ўзига хос қиёфасига айлантириш. Бу мақсадларга буюк саркарда Амир Темур шахси хизмат қилади. Бугунги кунда уни Ўзбекистоннинг норасмий рамзларидан бири деб аташ мумкин. Табиийки, узоқ ўтмишга эга давлат учун битта буюк шахс қиёфаси камлик қилади. Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мусо Хоразмий, Бурхониддин Марғинович, Ғиждувоний, Мотуридий, Аҳмад Фарғоний, Муҳаммадризо Огаҳий ва бошқаларнинг маънавий меъросини ўрганиш, уларнинг юбилей тантаналарини республика ва жаҳон миқёсида нишонлаш яхши анъанага айланиб қолди. Айниқса, 1996 йилда Амир Темур ва Мирзо Улуғбек таваллуд саналарининг Франция Республикасида нишонланиши жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини тортди⁴¹.

- Юқоридаги лойиҳаларнинг аксарияти ЮНЕСКО билан ҳамкорликда олиб борилди. Самарали ҳамкорлик бугунги кунга қадар давом эттирилмоқда.

- “Шарқ тароналари” халқаро мусиқий фестивали, назаримизда, маданият соҳасида амалга оширилган энг муваффақиятли лойиҳадир. Фестивалнинг бетакрор экзотик руҳи туристларни ҳам, хорижий ОАВ вакиллари ҳам, илм-фан ва маданият аҳлини ҳам бирдай ўзига қаратди. Тадбирдан тушган маблағ эса тарихий-меъморий обидаларни таъмирлашга

⁴¹ Қаранг: Жўраев Н. Ўзбекистоннинг янги тарихи. – Т.: Шарқ, 2004. – Б. 157, 189.

сарфланади. “Шарқ тароналари” молиявий томондан ҳам ўзини тўлик қоплайдиган, дунё тажрибасида камдан-кам учрайдиган оммавий-маданий лойиҳалардан биридир.

Илм-фан ва таълим-тарбия соҳасида:

- Совет даври меросидан воз кечилди;
- Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ишлаб чиқилди;
- Олий таълимда ривожланган давлатлар тажрибаси татбиқ этилди – ўрта махсус, тугалланмаган олий ва олий таълим категориялари жорий қилинди. Олий маълумотли кадрлар тайёрлаш икки босқичда амалга ошириладиган бўлди. Университетлар, тадқиқот институтлари ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилди. Хорижий университетларнинг филиаллари очилди⁴².

Дарҳақиқат, ўтказилаётган ушбу маданий-гуманитар тадбирларнинг умумий характерли жиҳати шундаки, уларнинг ёрдамида муҳим ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал этишга бўлган интилишни кузатиш мумкин.

Ижтимоий лойиҳалар. Ўзбекистон турли-туман халқаро ижтимоий лойиҳаларда фаол иштирок этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Булар қаторига ОИТС ва гиёҳвандликка қарши кураш лойиҳаларидан тортиб табиий офатлардан зиён кўрган мамлакатлар аҳолисига инсонпарварлик ёрдамини беришгача бўлган барча дастурлар киради. ОАВ каналлари орқали ижтимоий реклама кампанияларини олиб бориш яхши йўлга қўйилган. Шунингдек, юртимиздаги нодавлат нотижорат ташкилотлари бу борада катта ишларни амалга оширмоқда.

Спорт лойиҳалари. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ спорт соҳасига катта эътибор қаратилди. 1992 йил 14 январь куни Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши спортни ривожлантириш бўйича халқаро ҳамкорликка кенг йўл очди. Бунинг натижасида ўзбекистонлик спортчилар халқаро мусобақаларда муносиб қатнашиб, мунтазам равишда совринли ўринларни

⁴² Жўраев Н. Ўзбекистоннинг янги тарихи. – Т.: Шарқ, 2004. – Б. 174.

эгаллаб келмоқдалар. Ўзбекистон халқаро спорт мусобақаларига мезбонлик қилмоқда, шунингдек, миллий спорт лойиҳалари амалга оширилмоқда. Теннис бўйича Президент кубоги мусобақаларига асос солиниши, миллий кураш спорт турининг халқаро Олимпиада турларига қўшилишини режалаштириш халқаро миқёсда мамлакат нуфузини оширишда энг катта аҳамият касб этган лойиҳалардан бўлди.

Спорт халқлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни кучайтиришга, дунё мамлакатлари фуқароларини жипслаштиришга, долзарб ижтимоий ва сиёсий муаммоларга жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратиши ҳеч кимга сир эмас. Ўзбекистон ҳам шу принципларга риоя этган ҳолда спорт лойиҳаларидан янада кенгрок мақсадларда фойдаланади.

Шу ўринда спортнинг халқаро ҳамкорлик ва халқлар дўстлигига қўшаётган беқиёс ҳиссасини яққол кўрсатиб берувчи бир мисолни келтириб ўтиш мумкин. Япон халқи бошига оғир кулфат тушгани дунёдаги барча етакчи ОАВда ёритилди. Қудратли зилзила натижасида ларзага келган денгиз тўлқинлари ҳалокатли цунамини келтириб чиқарди. Бунинг оқибатида ўн минглаб фуқаролар нобуд бўлди, кўплаб шаҳарлар бутунлай вайрон бўлди, мамлакат инфраструктураси издан чиқди. Шу сабабдан 2011 йил бошига мўлжалланган U21 ёш категориясидаги Япония ва Ўзбекистон терма жамоалари ўртасида белгиланган икки раундли қарама-қаршилиқнинг биринчи учрашувини Японияда ўтказишнинг имконияти бўлмади. Учрашувлар Тошкентда, “Пахтакор” ўйингоҳида ўтказилди. Учрашув натижаси эса барча учун иккинчи даражали бўлиб қолди. Ўйин арафасида япон халқини қўллаб-қувватлаш мақсадида стадионда тўпланган минглаб ўзбекистонлик спорт ишқибозлари Япония байроғини бошлари узра кўтарди. “With you, Japan” деб ёзилган плакатлар намойиш этилди⁴³. Учрашувдан кейин ўтказилган матбуот анжуманида Япония вакиллари ўзбек халқига самимий миннатдорчилик билдирдилар⁴⁴. Шундай қилиб, спорт ёрдамида

⁴³ “Спорт” телеканали, 2011 йил 21 март, кечки дастур.

⁴⁴ www.gov.uz

Ўзбекистон ва Япония халқлари ўртасидаги дўстлик ришталари янада мустаҳкамланди.

Байрам ва тантана лойиҳалари – Мустақиллик йилларида Наврўз, Ҳайит сингари халқ байрамлари қайта тикланди. Эски байрамларга янгича маъно берилди (мисол учун 9 май – Хотира ва кадрлаш куни). Мустақилликнинг ўз байрамлари вужудга келди (1 сентябрь – Мустақиллик куни). Халқаро миқёсда эса қадимий шаҳарларнинг юбилейлари нишонланди. Бу соҳадаги энг йирик лойиҳалар қаторига ЮНЕСКО кўмагида бутун жаҳон миқёсида ёритилган “Алпомиш” достонининг 1000 йиллиги, “Авесто”нинг 2700 йиллиги, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейларини қўшиш мумкин⁴⁵.

Мамлакат имижини ошириш борасида яна бир эътиборга молик жиҳат шундан иборатки, ушбу фаслда қайд этилган миллий журналистикамиз, шунингдек, маданий-гуманитар алоқалардан ташқари мамлакат имижини ривожлантиришда маҳаллий экспертлар фаолиятининг ҳам алоҳида ўрни ва аҳамияти бор. Чунки уларнинг ташқи ахборот маконига таъсир кўрсатиш доираси анча салмоқлидир.

Шундай экан, мамлакатда фаолият олиб бораётган мустақил экспертлар ва тадқиқот марказларининг фаолиятига баҳо беришда, аввало, улар томонидан хорижий ОАВда эълон қилинган мақолаларнинг сифати ва миқдорига эътибор қаратилиши керак. Афсуски, бу борадаги ишлар ҳозирча тизимли равишда йўлга қўйилмаган.

Умуман олганда нисбатан самарали меҳнат қилаётган ўзбекистонлик экспертларни тақдирлаш мақсадида, уларни “Жаҳон” ахборот агентлиги орқали ёки чет эллик мутахассислар алмашуви дастурлари доирасида ривожланган давлатларга қисқа муддатли малака ошириш курсларига юбориш мумкин.

Фикримизча, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА) базасида давлат ва хусусий капитал эвазига йирик медиа-холдинг ташкил этиш

⁴⁵ Жўраев Н. Ўзбекистоннинг янги тарихи. – Т.: Шарқ, 2004. – Б. 161.

мақсадга мувофиқдир. Унинг таркибига қуйидагилар киритилади: телевидение, “Ўзбекистон овози” халқаро радиоси, ҳукумат газеталаридан “Халқ сўзи-Народное слово”, “Правда Востока”, шунингдек, “Uzbekistan today” ҳафталиги, “Uzbekistan” журнали, хорижий тиллардаги Интернет порталлар ва ҳ.к. Фикримизча, уларнинг ҳар бири Ўзбекистон имижини мустаҳкамлаш мақсадида жаҳон медиа маконида етакчи ўринларга чиқиши керак.

Бундан ташқари бир нечта хорижий тилларда эфирга узатиладиган алоҳида сунъий йўлдош телеканаллини барпо этиш лозим.

“Жаҳон” ахборот агентлиги базасида чет эллар ва мамлакатдаги ОАВ билан яқин ҳамкорлик алоқаларига эга бўлган алоҳида Миллий рақамли янгиликлар Интернет-порталини яратиш мумкин.

“Туркистон-пресс” ахборот агентлигини республикадаги босма ОАВни янги муҳитга технологик жиҳатдан мослаштириш, конвергенция жараёнларини тезлаштириш бўйича махсус марказга айлантириш керак. Ушбу марказ ёрдамида газета ва журналларнинг янги турдаги on-line ва mobile версияларини ишга тушириш имконияти пайдо бўлади.

Натижада мамлакатдаги босма ахборот манбалари ҳам аксилтарғибот ишида фаол қатнашадиган бўладилар.

Ўзбекистоннинг халқаро медиа имижини ривожлантириш мақсадида давлат ташкилотларининг мамлакатдаги оммавий ахборот воситаларига таъсири масаласи таҳлили қуйидаги таклифларни илгари суриш имкониятини беради:

Миллий ОАВдаги мамлакат имижини реалликка асосланиши, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, тарихий-маданий компонентларни тўғри акс эттириши, унинг шаклланиши эса аниқ режа асосида амалга ошириладиган жараён бўлиши керак. Бир марталик PR кампаниялар қутилган натижани бермайди;

Сўз эркинлигига путур етказмаган ҳолда, Ўзбекистон тўғрисидаги барча ахборотлар оқимини ўлчамли (дозаланган) назоратга олиш, ахборот берувчилар ва ахборот тарқатувчилар ҳамда уни назорат қилувчилар

ўртасидаги ҳамкорлик тизиминига оид қонунчилик базасини янада такомиллаштириш зарурати туғилмоқда;

Нафақат ички балки ташқи медиа маконда ҳам миллий ОАВнинг доминантлигига эришиш йўллари излаш керак. Бунинг учун журналистикамизни юқори малакали кадрлар билан таъминлаш ишини жонлантириш лозим;

Айрим ҳолатларда мамлакатимизнинг хориждаги имижига ўзимизнинг миллий журналистикамиз, телеканаллар ва газеталаримиз салбий таъсир кўрсатмоқда. Бунинг учун уларни ягона ахборот-мафкуравий қоидалар доирасида янада жипслаштириш чораларини кўриш лозим;

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва миллий қонунчиликка асосланган ҳолда хорижий мамлакатларнинг аҳолиси фикрига таъсир эта оладиган мувозанатланган режали ишларни белгилаб олиш керак. Бундай вазифани миллий ОАВнинг аниқ фуқаролик позицияси бўлгандагина амалга ошириш мумкин;

Ўзбекистоннинг ижобий имижини мустаҳкамлаш учун мамлакатдаги электрон ОАВ, хусусан интернет фаоллигини бир неча бор ошириш тавсия этилади;

Икки томонлама ва кўптомонлама келишувлар асосида (хусусан МДХ, ШОС, ЕИ иштирокида) хорижий мамлакатлар ахборот маконида Ўзбекистон ОАВнинг ўрни ва қамровини кенгайтириш зарур. Бунда молиявий харажатлар ҳажмини бир неча бор ошириш талаб этилади;

Ўзбекистоннинг ахборот ҳудудида мамлакатимиз имижига путур етказиши мумкин бўлган хорижий ахборот субъектларини халқаро ва миллий ҳуқуқий нормалар асосида нейтраллаштириш лозим;

Ижобий психологик фон ёрдамида чет элликларнинг мамлакатимизга бўлган ишончини янада ошириш режаларини ишлаб чиқиш тавсия этилади. Бунда ўзбек жамиятида қўлга киритилаётган ютуқлар ҳақидаги батафсил маълумотлар берувчи материалларни танлаб олиш ва уларни ОАВ орқали мунтазам равишда узатиш керак.

Республикамиз ҳаётига доир ижобий материалларни кенгрок ва самаралирок тарқатиш мақсадида учинчи мамлакатларнинг ОАВ тизимларидан фойдаланишни йўлга қўйиш;

Халқаро медиамаконда мамлакат имижии билан боғлиқ ҳолатни доимий равишда мониторинг қилиш ва мавжуд ахборот сиёсатига ўз вақтида ўзгартиришлар киритиб бориш зарур.

Юқорида кўтарилган глобал медиа маконда мустақил мамлакатлар мавзусининг вужудга келиши масалаларининг таҳлили ва бу борада қайд этилган фикр-мулоҳазалар асосида қуйидаги хулосалар чиқарилди:

Биринчидан, халқаро медиамаконда Марказий Осиёдаги ёш мустақил республикалар мавзусининг вужудга келиш жараёни билан боғлиқ тенденциялар янги босқичга кўтарилди;

– минтақанинг келажакдаги ривожланиши ва тараққиёти ҳозирги халқаро муносабатларнинг, сиёсий ва иқтисодий алоқаларнинг сифат жиҳатидан янги тартибда шаклланишига, минтақа давлатлари раҳбарларининг юксак маҳоратига боғлиқлиги ўз исботини топди;

– мустақил давлат сифатида Ўзбекистонга бўлган халқаро эътибор ҳар қачонгидан орта борди, эндиликда республикамиз мустақил субъект сифатида тилга олина бошлади;

– Марказий Осиё геостратегик нуқтаи назардан жаҳондаги энг тараққий этган, жумладан олис-яқиндаги бир қатор давлатлар диққат марказига айланди. Бундай муносабатлар гирдобида қолган минтақада алоҳида куч ва салоҳиятга, нуфузга, мавқега эга бўлган Ўзбекистон алоҳида ўрин тутди;

– ёш мустақил давлатнинг, жумладан Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини оширишда жаҳон ахборот макони, хусусан оммавий ахборот воситалари ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Республикамиз ҳақида эълон қилинган матбуот чиқишлари мамлакатимиз ва халқимиз имижини вужудга келтириш, шакллантириш ва ривожлантиришда асосий омил бўлди;

– Марказий Осиё давлатлари, жумладан Ўзбекистон ҳақида атрофлича ўйланган, илмий асосланган, холис чиқишлар, шарҳлар кўпая борди.

Иккинчидан, жаҳон медиа маконидаги халқаро журналистиканинг ўрни тобора кенгайиб борар экан, глобаллашув жараёнлари жуда кўплаб ўзгаришлар қатори мутлақо янги жаҳон ахборот тартибини вужудга келтирди, бу тартиб катта-кичик давлатларда деярли барча соҳани, жумладан ахборот ва ОАВ соҳасини тубдан ислоҳ этишни тақозо қилди;

– янги жаҳон ахборот тартиби шароитида дунёдаги барча мамлакатлар учун умумий бўлган хусусиятлар шаклланди, бу ҳол халқаро алоқаларни йўлга қўйиш, ўзаро тажриба алмашишни осонлаштирди;

– жаҳон журналистикасида икки хил тенденция кузатилди: биринчиси – деярли барча давлатлар ўхшаш ислоҳотлар жараёнларини бошдан кечирдилар, иккинчиси – айтилиши вақтда ҳар бир давлат ўзига хос ва ўзига мос йўлдан борди. Хусусан, ёш мустақил давлатлар мазкур икки йўл орасида мувозанатни сақлаш, уйғунликни таъминлашга ҳаракат қилдилар. Ушбу ҳолат ҳам давлатларнинг халқаро имижини ошириш ва мустаҳкамлашда алоҳида аҳамият касб этди;

– глобаллашув шароитида дунё ахборот маконини эгаллашга уринишлар, унга мутлақ эгалликка интилиш кайфиятлари яққол кўзга ташланмоқда. Бу халқаро медиамаконда ахборотнинг монополлашувига йўл очмоқда, айрим ҳолларда эса қудратли давлатларнинг эндигина ривожланаётган, эндигина мустақиллик йўлини танлаган ёш давлатлар манфаатлари билан ҳисоблашмаган ҳолда иш тутишларида ўз аксини топмоқда;

– жаҳон медиа маконидаги реал шарт-шароит ва тинимсиз юз бераётган ўзгаришлар миллий журналистикамизда кенг маънодаги профессионаллашув масаласига алоҳида эътибор қаратилишини тақозо этмоқда.

Халқаро медиа маконида Ўзбекистон имижини шакллантиришда миллий интернет-газеталарнинг ўрни

XXI асрда, яъни мухтарам Президентимиз И.Каримов таъбири билан айтганда “ахборот асрида” республика газеталари ҳамда ахборот коммуникация тизимларининг фуқаролар онги, дунёқараш ва сиёсий савиясининг шаклланишига ҳисса қўшаётган асосий таъсирчан восита сифатидаги роли кун сайин ортиб бормоқда.

Дарҳақиқат, ахборот технологиялари жадаллик билан ривожланиб бораётган бугунги даврда интернет шу даражада оммалашдики, унга мурожаат қилувчиларнинг сони ҳам, эълон қилинадиган мавзуларнинг кўлами ҳам кенгаймоқда. Мазкур ахборот воситаси ҳаётимизда тобора кенг ўрин эгалламоқда. Ривожланган давлатлар аҳолисининг 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган қатлами ҳозирги кунда интернетдан фойдаланади. Янгилик, об-ҳаво, даволанишнинг янги турларини билиш учун бемалол интернетга мурожаат қилмоқдалар. Республикамизда ушбу оммавий ахборот воситасининг ривожланиши дунёдаги ўзгаришлар билан ҳамоҳанг, дейиш мумкин.

Филология фанлари доктори Х.Дўстмухамедовнинг таъкидлашича, “Оммавий ахборот воситалари ва ҳоказо коммуникация имкониятлари шу қадар ривожланиб кетдики, ахборот оқими зўрайгани устига эндиликда у чек-чегара билмай қолди. Ўзбек матбуотининг демократлашуви дунё ахборот маконининг ана шу тариқа глобаллашуви даврига, “жаҳон журналистикаси”, “сарҳадсиз журналистика” тушунчалари таомилга дадил кириб келаётган даврга тўғри келди”⁴⁶.

Ҳақиқатан ҳам ҳозирги миллий журналистикамиз том маънода олиб қаралганда ўзига хос тарихий ўзгаришлар жараёнини бошдан кечирмоқда. Чунки у кундалик фаолиятида демократик ислохотлар билан боғлиқ янгича

⁴⁶ Дўстмухаммад Х.Н. Оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг демократик андозалари. –Т.: “Ўзбекистон”, 2005 йил. – Б. 25.

қарашлар, мисли кўрилмаган техникавий янгиликларга дуч келмоқда. Бунда сўзсиз, замонавий ахборот технологияларининг имкониятлари кўл келмоқда.

Журналистика соҳасида узоқ йиллар давомида фаолият олиб бориб, минглаб шогирдлар етиштирган мураббий, олим ва публицист С.Умиров ибораси билан айтганда “Интернет бамисоли сел, тошқин, цунами сингари шиддат билан кириб келди ва ОАВ имкониятларини бениҳоя кучайтирди”⁴⁷.

Америкалик тадқиқотчи Монро Прайс “Масс-медиа ва давлат суверенитети” китобида ёзганидек: “ОАВ соҳасидаги технологик тараққиёт чўққиси Интернет бўлиб, у давлат чегаралари, сиёсий воқелик ҳақидаги тасаввурларни батамом ўзгартириб юборди”⁴⁸.

М.Прайс фикрига қўшимча равишда шуни айтиш мумкинки, интернет ёрдамида ҳар қандай ОАВ эндиликда жаҳон медиа маконига тўғридан-тўғри чиқиш имкониятига эга бўлди.

Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан мустақилликнинг илк йиллариданоқ, илғор технологиялар воситасида миллий ахборотни дунёга кенг ёйиш масаласига катта эътибор қаратиб келинмоқда. Шу боис кейинги даврларда глобал тармоқлар орқали республика газеталари ўқувчиларининг географияси бирмунча кенгайди. Рақамли телевидение ривожланиб, сунъий йўлдош орқали Ўзбекистон телерадиоканалларини бутун жаҳон кўрадиган бўлди.

Шунингдек, Ўзбекистон Миллий Университети ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари Университетида интернетга ихтисослашган кафедралар ташкил этилиши, малакавий битирув ишлари, магистрлик, номзодлик диссертациялари ёзилаётгани, илмий-амалий анжуманлар ўтказилаётгани, мақолалар чоп қилинаётгани ҳам Интернетга бўлган эҳтиёж, зарурат натижасидир.

UZINFOCOM компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш марказининг расмий маълумотига кўра, 2014

⁴⁷ Интернет журналистика (интернетда радио ва телевидение). Илмий мақолалар тўплами. ЮНЕСКО, ЎзДЖТУ, - Тошкент, 2005. – Б. 21.

⁴⁸ Шу манба. – Б. 21.

йилнинг февраль ойида Интернетнинг UZ доменида жами ҳисобда 17 417 та веб-сайт иштирок этган⁴⁹.

Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзлаган “Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир” деб номланган маърузасида қайд этилганидек, мамлакатимизда интернет абонентлари сони 2012 йилга нисбатан 18,3 фоизга ўсиб, 2013 йилнинг декабрь ойида 7 миллион 100 минг нафарни ташкил этган⁵⁰.

Мамлакатимизда ҳам интернетдан фойдаланувчилар сони йил сайин кўпайиб бормоқда. 2015 йилда улар 10 миллион 200 минг кишидан ошди ёки мамлакатимиз аҳолисининг учдан бир қисмини ташкил этмоқда. Республикаимизда интернетнинг ўтказувчанлик даражаси 4 баробар оширилди, интернетга уланиш тезлиги эса 1,5 марта ортди.

Маълумотларга кўра, 2015 йил охиригача Ер аҳолисининг 42,4 фоизи — тахминан 2,89 миллиард киши ҳеч бўлмаганда бир ойда бир марта интернетдан фойдаланадиган бўлади. Бу 2014 йилга нисбатан 6,2 фоиз ўсиш ҳисобланади.

Шу билан бирга, 2018 йилга қадар дунё аҳолисининг ярми, тахминан 3,6 миллиард нафар киши интернетдан фаол фойдаланишни бошлайди.

Таъкидлаш жоизки, ахборот глобаллашувида миллий ахборот маконини шакллантириш, ҳимоя қилиш ва уни жадал ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш масалалари жаҳондаги ҳар қандай давлатнинг стратегик манфаатлари билан ҳамоҳанг бўлган муҳим масалалари сирасига киради.

Ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши жаҳон ҳамжамияти тараққиёти суръатини янада ошириб, ахборот алмашуви соҳасида чексиз, ҳадсиз имкониятлар бермоқда. Бу эса ўз навбатида дунё

⁴⁹ <http://www.uzinfocom.uz/ru/news/921>

⁵⁰ Каримов И. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир // <http://uza.uz/oz/politics/29870/>

мамлакатларининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишининг асосий омилларидан бирига айланиб бормоқда.

Ўзбекистонда ОАВ учун яратилган кенг ҳуқуқий имкониятлар туфайли мустақиллик йилларида оммавий ахборот воситаларимизнинг сони тўрт баробарга ошди. Республика оммавий ахборот воситаларининг мамлакат ичкарасида ва хорижда бўлиб ўтаётган нуфузли халқаро форумларда иштирок этиши жаҳон ахборот маконида уларнинг муносиб ҳамда фаол ўрни борлигини тасдиқлайди.

Биз яшаётган ҳозирги асрнинг исталган кунда, қайси соҳада бўлмасин, у ёки бу маънодаги тезлашишга эришилмоқда. Оддий электрон ҳисоблаш аппарати бўладими, мобил сўзлашув ускунаси ёки телевизорми – улар билан боғлиқ янгиликларнинг кети узилмаяпти.

Товуш тезлигидан ҳам тезроқ учиш имкониятини берувчи самолёт двигатели ихтиро қилинди. Бир сония ичида миллиард операция бажарадиган компьютер процессори яратилди. Транспорт соҳасида ҳам оламшумул ўзгаришлар кузатилди. Хусусан, 2011 йил 8 октябрь кундан ўз фаолиятини бошлаган замонавий “Talго 250” электр поезда Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ўртасидаги 344 километрлик масофани тарихда мисли кўрилмаган даражада қисқартирди. Эндиликда икки шаҳар ўртасидаги ушбу йўл атиги 2 соат 10 дақиқада босиб ўтиладиган бўлди.

Ахборот соҳасидаги тезлик ҳам юқорида мисол қилиб келтирилган жабҳалардан орқада қолмади.

Рус тадқиқотчилари В.М.Горохов ва Т.Э.Гринберг қайд этганларидек, ОАВда интерфаоллик, боғланиш, тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш ғояси устуворлик қилади. ОАВ ривожланишининг замонавий босқичида кузатилаётган асосий ўзига хослик шундан иборатки, электрон технологиялар воситасида журналист ва ўқувчи ўртасидаги диалог реал вақт ёки шунга яқин режимгача етиб боради⁵¹.

⁵¹ Интерактивная журналистика: путь в будущее//От книги до интернета. Журналистика и литература на рубеже нового тысячелетия//21 век информация и общество//МГУ, 2000. – С. 80.

Бу фикрга қўшилмасликнинг иложи йўқ. Энг тезкор ахборотни босма матбуотдан эмас, ҳатто телевидениедан ҳам эмас, уни айнан интернет каналлари орқали олишимиз мумкин. Ахборот тарқатиш ва олиш билан боғлиқ жараёнда интернет энг тезкор восита сифатида юзага чиқди. Ана шу янги имконият туфайли “интернет ОАВ”, жумладан мазкур фаслда кўриб чиқиладиган интернет газеталар тез фурсатларда тараққий эта бошлади.

Маълумки, бугунги кунда “интернет журналистика”, “интернет газета” ёки “интернет ТВ” каби тушунчалар ҳеч кимга янгилик эмас. Мазкур йўналишнинг шиддат билан ривожланиши ва энг муҳими - ушбу тармоқ ичидаги айрим сайтларнинг расман (яъни лицензияланган – Б.А.) оммавий ахборот воситаси сифатида фаолият кўрсатиши, табиийки, унинг алоҳида ҳуқуқий асосини такомиллаштириш лозимлигини тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Лицензияни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи У.Султоновнинг таъкидлашича: “2007 йил 15 январдан бошлаб янги таҳриридаги Ўзбекистон Республикаси “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонунига кўра, интернет тармоғидаги веб-сайтлар ҳам ихтиёрий суръатда оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатдан ўтказила бошланди.

Миллий қонунчилигимиздаги ушбу янгилик хорижий мамлакатлар экспертларининг алоҳида эътиборига сабаб бўлди. 2011 йил ноябрь ойидан бошлаб, Россия Федерациясида ҳам интернет тармоғидаги веб-сайтлар “тармоқ нашри” сифатида рўйхатдан ўтказиладиган бўлди. Айнан шунинг ўзи республикамизда соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг нақадар тўғрилигидан далолат беради.

Ҳозирги пайтда республикамизда оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатдан ўтган веб-саҳифаларнинг аксарияти хусусийдир. Ушбу сайтлар асосан ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий йўналишларга

ихтисослашган. Энг муҳим жиҳати шундаки, уларнинг доимий ўқувчилари (жаҳоннинг 5 қитъасидан – Б.А.) сони кун сайин ортиб бормоқда”⁵².

Дарвоқе, ОАВни модернизациялаш натижасида мамлакат телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 та мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга эканлиги Ўзбекистоннинг халқаро ахборот маконида ўзининг муносиб ўрни борлигидан далолат беради. Республика телерадиоканаллари томонидан тарқатилаётган кўрсатув ва эшиттиришлар Интернет глобал тармоғи орқали реал вақт режимида жаҳонга узатилмоқда.

Умуман олганда, ахборот глобаллашуви масаласи нафақат Ўзбекистон балки барча мамлакатлар халқлари тақдири ва келажаги, манфаатларига бевосита тааллуқлидир. Глобаллашув – бу аввало ҳаёт суръатининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир. Инсоният ахборот-коммуникация технологияларининг энг илғор намуналарини жамият ва шахс тараққиётига хизмат қилиши учун яратган, албатта.

Ахборот-коммуникация технологиялари ҳаётнинг ҳар бир соҳасига ўз таъсирини ўтказмоқда. Ахборот глобаллашуви бир томондан ижобий натижа бераётган бўлса, иккинчи томондан “баъзи кучлар” томонидан халқлар менталитетига ёт бўлган “оммавий маданият”ни тарғиб қилувчи воситага айланганлигини эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан “Оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик ғояларини тарқатиш, бошқа халқларнинг анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларини қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидларнинг олдини олишда барчамиз масъул эканлигимизни унутмаслигимиз лозим. Айниқса, ҳозирда Президентимизнинг “Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш” кераклиги ҳақидаги фикрлари ҳар қачонгидан ҳам муҳим, долзарб аҳамият касб этмоқда.

⁵² O‘zbekiston Respublikasida ommaviy axborot vositalari faoliyati, rivojlanishi, erkinligi kafolatlari to‘g‘risida tahliliy ma’lumot. (01.07.2014 yil holatiga) // <http://www.api.uz/#uz/content/licence/statistics/>

Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот орқали балки, Интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмақдалар. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда ёшларимизнинг онгини фақат “уни ўқима, буни кўрма!”- деб бир томонлама тарбия бериш воситасида шакллантириш ҳозирги замон талабига ҳам, халқимиз эзгу мақсадларига ҳам тўғри келмайди. Бу ҳақда мухтарам Президентимиз ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида алоҳида тўхталиб ўтганлар.

Зеро, ахборот глобаллашуви ҳозирги замон тараққиётининг энг муҳим бўлагига айланган. Глобаллашув ўз маъно-моҳияти жиҳатидан кенглиги, қамрови ва кўпқирралилиги билан алоҳида ажралиб туради. Ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас. Хусусан, ахборот глобаллашуви жараёнлари терроризм таҳдидини кучайтираётганлиги, миллий ўзликка таъсири, дунёни бир хиллаштириш каби салбий томонлари борлиги ҳам ҳаммамизга маълум. Ахборот глобаллашуви иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаёт тараққиётига, мамлакат ва халқлар ўртасида ахборот алмашинувига, қайси бир маънода халқ дипломатиясига хизмат қилаётганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, ахборот ҳар бир жамиятнинг моддий-маънавий, интеллектуал ресурси ҳисобланади. Шундай экан, миллий ахборот ресурсларимизни АКТ орқали кенг тарқатиш масалаласи энг долзарб масалалардан бирига айланмоқда. Ҳозирги пайтда унинг кенг қамровли таъсирини деярли барча соҳаларда кўриш мумкин. Айниқса, давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, цивилизациялараро мулоқотнинг янги сифат касб этиши, табиий офатлар пайтида ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятларининг ортиши – табиийки, буларнинг барчасига глобаллашув туфайли эришилмоқда.

Республикамиздаги янги веб-сайтларни яратаётган ва унга ахборот киритиб бораётганларнинг аксарияти ёшлар эканлигини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур.

Халқимиз маънавияти, аждодларимизнинг илмий-маънавий мероси битмас-тугалмас бойлиқдир. Маънавий бойлигимиз инсоният мулкнинг бебаҳо ажралмас қисми ҳамдир. Мана шу мулкни глобал ахборот тизимида кенг тарғиб қилиш ниҳоятда катта аҳамиятга эга масалалардан биридир.

Бугун биз мамлакатимиз раҳбариятининг изчил сиёсати натижасида ўз олдимизга эзгу мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечирмоқдамиз. Бунинг қадрига етишимиз, тинчлигимизни асраш, албатта ахборот хуружларига муносиб жавоб бериш, бузғунчи ғояларга қарши туриш, маънавий жиҳатдан етук баркамол авлодни тарбиялаш ишига алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Ахборот глобаллашуви жараёнида Интернет тизими орқали халқимиз учун мутлақо бегона мафкура ва дунёқарашни аввало беғубор ёшларимизнинг қалби ва онги-шуурига сингдиришга қаратилгани билан, айниқса хатарлидир.

“Бугунги шиддатли даврда чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина инсон қадрини билиши, ўз миллий ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидоийлик билан кураша олиши мумкин”, - деб таъкидлайди муҳтарам Президентимиз ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида⁵³.

Шу маънода ёшлар маънавиятини юксалтириш борасида давлат идоралари ҳамда жамоат ташкилотлари олдида турган устувор вазифаларни изчиллик билан амалга ошириш барчамизнинг бурчимиздир.

⁵³ Каримов И.А., Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. – 176 б. 16 бет.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда босма даврий нашрларнинг ҳар бир сонидан интернетдан олинган қатор, ранг-баранг материаллар чоп этилмоқда. Республикамизда матбуотга қараганда радио ва телевидение Интернет хизматидан кўпроқ фойдаланаяпти. Аммо олдимизда турган долзарб масала - бу газеталаримизнинг Интернетдан қанча материал олиб қайта босишларида эмас. Аксинча - Интернетда уларнинг фаоллигини ошириш билан боғлиқдир.

Тўғри, замонавий мультимедиа имкониятларидан янада кенгрок фойдаланиш орқали вилоят ва туман газеталари таҳририятларида ўқувчилар географиясини бирмунча кенгайтиришга ҳаракат қилинмоқда. Бундан ташқари аҳоли кенг қатламининг республика ва вилоятларда бўлаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлардан тезкор ва бевосита хабардор бўлиши учун, республика раҳбарияти, шунингдек, вилоят ҳокимликлари томонидан қабул қилинаётган қарор ва фармойишлар вилоят ҳокимиликларининг расмий веб-саҳифаларида мунтазам равишда бериб борилмоқда.

Шунингдек, вилоятлардаги корхона ва ташкилотлар ҳам ўзаро ҳужжат алмашувида интернет ва рақамли технологиялардан фойдаланмоқда. Бугунги кунда маҳаллий телевидениелар ҳам рақамли технология асосида фаолият кўрсатмоқда.

Интернет журналистикаси бўйича илмий тадқиқот олиб бораётган ёш олимларимиздан бири Д.Рашидова сўзи билан айтганда “ҳозир оддий журналист бўлишнинг ўзи кифоя эмас”, яъни камида “мухбир-АКТ дастурчиси”, “муҳаррир-АКТ дизайнери” бўлишимиз керак. Шундагина биз замон талабларига мос журналист мавқеига эришишимиз мумкин”⁵⁴.

2015 йилнинг январь ҳолатига кўра, мамлакатимизда 304 та веб-сайт оммавий ахборот воситаси сифатида фаолият олиб бормоқда. Албатта, бу кўрсаткич кейинги 2-3 йил ичида шиддат билан ўсганлигини алоҳида қайд этиб ўтиш ўринлидир.

Миллий қидирув тизими <http://www.uz> дан (2015 йил март ойида) олинган статистик маълумотларга кўра, республикадаги энг оммавий

⁵⁴ Рашидова Д., Муратова Н. Интернет журналистика. –Т.:, 2007. – С. 138.

интернет нашрларнинг 5талигига қуйидагилар киради: UFF.uz – Ўзбекистон футбол ишқибозлари (кундалик ташриф буюрувчилар сони – 173 минг), Daryo – ўзбек тилидаги хабарлар (96 минг), Mover – онлайн видео (82 минг), Torg.uz – Ўзбекистоннинг савдо майдони (77 минг), Kup.uz – Ўзбекистон ва жаҳон янгиликлари (60 минг).

UFF.uz сайтининг бу қадар оммабоп бўлишига сабаблар кўп. Биринчидан, у қулай навигацияга эга, иккинчидан кундалик берилаётган хабарлар сони 100 га яқин. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, ҳар бир хабарга ўқувчилар бевосита фикр ёзиб қолдиришлари мумкин. Сайтнинг “В контакте”, “Майл”, “Twitter” ва “Facebook” каби ижтимоий тармоқларга улангани ҳам эътиборга лойиқдир.

Бундан кўриниб турибдики, бугунги ахборот асрида нафақат газетачилар, балки радио ва телевидение, шунингдек, интернет журналистларимиз ўзларининг бундан кейинги фаолиятларида АКТ имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланишлари замон талабидир.

Халқаро медиа маконида Ўзбекистон имижини шакллантиришда миллий интернет-газеталарнинг тутган ўрни ва у билан боғлиқ жараёнлар таҳлилидан қуйидаги хулосалар чиқарилди:

– ахборот глобаллашувида миллий ахборот маконини шакллантириш, ҳимоя қилиш ва уни жадал ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш масалалари жаҳондаги ҳар қандай давлатнинг стратегик манфаатлари билан ҳамоҳанг бўлган муҳим масалалар сирасига киради;

– Республикамиздаги янги веб-сайтларни яратаётган ва унга ахборот киритиб бораётганларнинг аксарияти ёшлар эканлигини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур;

– ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши жаҳон ҳамжамияти умумий тараққиёти суръатини янада ошириши

баробарида, ахборот алмашуви соҳасида чексиз, ҳадсиз имкониятлар берди. Бу эса ўз навбатида дунё мамлакатларининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишининг асосий омилларидан бирига айланиб бормоқда;

– биз яшаётган ҳозирги асрнинг исталган кунда, қайси йўналишда бўлмасин, у ёки бу маънодаги тезкорликка эришилмоқда. Ахборот соҳасидаги тезлик ҳам бошқа жабҳалардан орқада қолмади;

– миллий қонунчилигимизда интернетни янги турдаги ОАВ сифатида алоҳида рўйхатдан ўтказиш масаласи МДХ мамлакатларида биринчилардан бўлиб 2007 йилда кўриб чиқилди. Ушбу янгилик хорижий мамлакатлар экспертларининг алоҳида эътиборига сабаб бўлди;

– замонавий мультимедиа имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш орқали нафақат республика, балки вилоят ва туман газеталари таҳририятларида ҳам ўқувчилар географиясини бирмунча кенгайтиришга ҳаракат қилинмоқда;

– Интернет газеталарнинг мамлакат имижини шакллантиришда алоҳида ўрин тутишини инобатга олиб, турли преференциялар бериш орқали уларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат томонидан алоҳида дастур ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлар эди;

– бугунги ахборот асрида жаҳон медиа маконида мамлакатимиз нуфузини янада ошириш нафақат газетачилар, балки радио ва телевидение, шунингдек, интернет журналистларимиз ўзларининг бундан кейинги фаолиятларида АКТ имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланишлари замон талабидир.

Мамлакат имижини ривожлантиришда аудиовизуал журналистиканинг ўрни (mtrk.uz, mediabay.uz сайтлари мисолида)

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов 2012 йил 27 июнь куни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан йўллаган байрам табригида жумладан шундай деган эди. “Бугун биз яшаётган, глобаллашув ва интернет асри деб ном олган даврда тараққиётни, ҳаётимизни замонавий ахборот ва ахборот-коммуникация технологияларидан, телевидение ва оммавий ахборот воситаларидан, сиз азиз журналистлар фаолиятдан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмаслигини ҳаммамиз яхши англаймиз ва сизларнинг ўта машаққатли, шу билан бирга, шарафли меҳнатингизни юксак қадрлаймиз.

Хусусан, энг тезкор ва таъсирчан ахборот воситаси бўлмиш интернет журналистикасига, уни ҳар жиҳатдан чуқур эгаллашга бўлган интилишнинг тобора кучайиб бораётгани миллий матбуотимизнинг халқаро медиа майдонда ўз муносиб ўрнини топиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда”⁵⁵.

Дарҳақиқат, XXI асрнинг иккинчи ўн йиллиги ОАВ ва интернетни бири-бирига шу қадар чамбарчас боғлаб қўйдики, эндиликда уларни алоҳида тасаввур қилиш қийин эмас. Асосийси, глобал тармоқ мамлакатлар ўртасидаги географик чегара тушунчасини янада шаффофлаштирди ва “совуқ уруш” давридан меърос қолган темир пардаларни сўнгги ишларигача узиб ташлади.

Биргина мисол. Ўзбекистон ҳудудида бирорта янги он-лайн радиоканал пайдо бўлди дегунча, шу куннинг ўзида унинг муштарийлари қаторига Москва, Манхэттен, Жидда ёки Токиодаги тингловчилар ҳам қўшилиб қолмоқда.

Бир сўз билан айтганда, аудиовизуал ОАВнинг интернетга қўшилиши соҳа тараққиёти ҳамда доимий аудиториянинг шиддат билан кенгайишида

⁵⁵ Matbuot va ommaviy axborot vositalari xodimlariga // <http://uza.uz/uz/politics/22691/> 27.06.2012

улкан омил бўлди. Бинобарин, глобал тармоқ Ўзбекистондаги радио ва телеканаллар фаолияти жараёнида иккита муҳим ўзгаришни ҳосил қилди.

Биринчидан, жаҳон бўйлаб кундалик ахборот айланишини on-line даражасига олиб чиқди, яъни бир вақтнинг ўзида курраи заминнинг барча минтақалари учун тезкор хабар жўнатиш имконияти пайдо бўлди.

Иккинчидан, мавжуд телерадиоканаллар ва муқим аудитория ўртасидаги мулоқот чекловлари кескин қисқарди. Бунда анъанавий ОАВ интерактив жиҳатдан кескин фаоллашиб, кўпсонли муштарийлар билан тўғридан-тўғри алоқалар сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарилди.

Албатта, мамлакатимизда босма матбуотга қараганда телерадиоканаллар интернет имкониятларидан анча унумли фойдаланмоқдалар. Интернет газеталар, афсуски, сон жиҳатдан ҳам сифат жиҳатдан ҳам ҳозирча ҳеч кимни қониқтираётгани йўқ.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигидан расман рўйхатдан ўтган интернет ОАВ миқдори 2012 йилда қарийб 200 тани ташкил этган бўлса, мазкур кўрсаткич кейинги йилларда ҳам (2015 йилга қадар – Б.А.) етарли даражада ошмаганлиги кузатилди. Бундан кўриниб турибдики, республикамиздаги интернет газеталари эндигина ривожланиш босқичига кўтарилмоқда. Бунинг акси ўлароқ миллий аудиовизуал журналистика айна йўналишда биров илгарилаб кетди. Соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг энг сўнгги ютуқлари жорий этилмоқда. Сунъий йўлдош тармоқлари орқали ўз кўрсатув ва эшиттиришларини бутун дунёга кенг тарқатаётган телерадиоканалларимиз бугунги кунда интернет саҳифаларидан ҳам унумли фойдаланишмоқда.

Улардан энг асосийси Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг mtrk.uz сайтидир. Бу ерда асосан 12 та теле ва 4 та радио канал он-лайн режимида жойлаштирилган. Улардан дунёнинг исталган бурчагида баҳраманд бўлиш мумкин. Хусусан, “O`zbekiston”, “Yoshlar” телерадиоканаллари ҳамда “Машъал” ва “Тошкент” радиоканалларига бевосита уланиш имконияти мавжуд.

Ўзбекистондан, хусусан, Тошкент шаҳридан ҳозирги даврда жами 8 та радио станция ўз эшиттиришларини жаҳон медиа майдонига он-лайн тизимида узатмоқда. Улар орасида “O‘zbekiston”, “Yoshlar”, “Машъал” ва “Тошкент” радиоканалларидан ташқари “A‘lo FM”, “Mumtoz FM”, “O‘zbekim Taronasi”, “Гранд” каби ёшлар аудиториясида оммавийлашган тармоқлар интернетда анча фаол иш олиб бормоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг рақамли телеканаллари сонини ошириш, улардан тўлиқ форматда фойдаланиш тўғрисида”ги қарорига асосан аҳолининг маърифий-маданий даражасини ошириш, юртимизнинг бой тарихий ва маънавий меъросини асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қаратилган сифатли, юқори бадиий савияга эга бўлган телемаҳсулотлар етказиб бериш мақсадида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тасарруфида “Madaniyat va ma‘rifat” ва “Dunyo bo‘ylab” телеканаллари ўз фаолиятини бошлади. Янги телеканаллар ўз дастурларини 2012 йил 31 декабрь соат 19:00 дан эфирга узата бошлади⁵⁶.

Қарорга кўра “Madaniyat va ma‘rifat” ҳамда “Dunyo bo‘ylab” телеканалларининг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди:

- трансляциянинг турли замонавий интерфаол шакллари ва усуллари, рақамли ва мультимедиа технологиялар имкониятларидан фойдаланган ҳолда мамлакат аҳолиси ҳамда хорижий жамоатчиликни Ўзбекистон Республикасининг маданий ва илмий ҳаётида бўлаётган муҳим воқеалар тўғрисида ҳар томонлама хабардор қилиш, юртимиз мусиқа, театр ва тасвирий санъатининг энг ажойиб намуналарини намойиш этиш, миллий адабиёт ва санъатимизнинг машҳур арбоблари ҳаёти ва ижоди тўғрисида телекўрсатувлар тайёрлаш;

- дунё жамоатчилиги ва мамлакат аҳолисини Ўзбекистоннинг бетакрор сайёҳлик имкониятлари, юртимизда маърифий ва экологик туризмни

⁵⁶ Рўзиев Ф., Х.Жўраева. Тележурналистга тавсиялар. - Т.:Sharq, 2013. – Б. 176; – Б. 19, 21.

ривожланганлик даражаси билан атрофлича таништириш, Ўзбекистон ҳақида юксак бадиий илмий-оммабоп ва маърифий телекўрсатувлар тайёрлаш ҳамда уларни хорижий телеканалларга тарқатиш, шунингдек, соғлом турмуш тарзи ва фаол дам олиш турларини кенг тарғиб қилиш.

Дарҳақиқат, чет элда таълим олиш даврида, қисқа-узоқ муддатли меҳнат сафари ёки таътил чоғида турли хил портатив ускуналар, ай-пад, ноутбуклар воситасида юқоридагидек веб-саҳифа орқали тарқатиладигани аудиовизуал маҳсулотларни бевосита олиш жуда ҳам қўл келади. Бу жиҳатдан хорижий меҳмонхонадаги телевизорингизни сунъий йўлдошга улашга кетадиган вақт миқдори, интернет орқали ўзбек тилидаги телерадиоканалларни “тутиб олиш”га кетадиган қимматли вақтингиздан сезиларли даражада фарқ қилиши табиий.

Умуман олганда телевидение бошқа ОАВга нисбатан кишилик жамиятига жуда катта таъсир кўрсатиш имкониятига эга. 2010 йил Россияда ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра⁵⁷, ушбу мамлакат аҳолисининг аксарият қисми асосий ахборотни телевидение орқали олар экан. Иккинчи ўринда газета ва журналлар, учинчи ўринда эса радиоканаллар туриши маълум бўлган.

Назарий жиҳатдан ТВнинг асосий функциялари қаторига ахборий, маданий-маърифий, интегротив, рекреатив ва ижтимоий-педагогик функциялар киритилади. Шу билан бирга телевидениенинг бошқарув функцияси ҳам алоҳида аҳамиятга моликдир.

Аниқроқ айтганда, аксарият ҳолатлара телевидение тўғридан-тўғри давлат сиёсатининг тарғиботчисига айлантирилган. Бу ўз навбатида “ОАВ – халқники” эканлигини бир мунча шубҳа остида қолдиради.

Саноати ривожланган давлатлар, ҳатто ўзини идеал кўринишдаги демократик жамият эгаси деб билувчи Британияда ҳам бу “очиқ иш”дан таб тортишмайди. Мисол учун жаҳонга машҳур “Би-Би-Си”

⁵⁷ Назаров М.М. Массовая коммуникация и общество: введение в теорию и исследования. - М.: АВАНТАПЛИОС, 2011.

телерадиокорпорациясининг шиорларидан бирига эътибор беринг: “Хабардор қилиш, ўргатиш, кўнгил очиш” (inform, teach and entertain.).

Демак, кўриниб турибдики, давлат сиёсатига тарғибот жараёнида энг салмоқли ўрин ажратилади. Лекин шуни ҳам эсда тутиш керакки, телеканал ҳукуматга яқинми ёки халққа – у барибир мамлакат медиа имижини яратишда ўзига хос аҳамият касб этади.

Ўз вақтида “Би-Би-Си”⁵⁸ моделидан андоза олиш эвазига (1925 й. радио, 1950 й. телевидение) ташкил этилган Япониядаги намунавий жамоатчилик телеканалли – “Эн-Эйч-Кей”⁵⁹ телерадиокорпорацияси шиорида “Оддийлик, жиддийлик” каби сўзлар бор.

Аммо олиб борилган шахсий кузатишлар (2001-2005 й.й.) шуни кўрсатадики, япон ҳукумати ҳам телевидениенинг назариячилар кўп таъкидлайдиган бошқариш функциясидан унумли фойдаланади. Яъни ташқи тарғибот ишлари тизимли равишда йўлга қўйилган. Айни мақсад билан нафақат япон тилида, балки қатор хорижий тилларда ҳам кўрсатувлар эфирга узатилади.

Чунончи, бирон бир чет мамлакат медиа маконига кириб боришда тил воситаси асосий қурол ҳисобланади.

Дарвоқе, ўзбек тилидаги аудиовизуал материаллар бугунги даврда Ўзбекистон ҳудудидан ташқари, Буюк Британия, АҚШ, Чехия, Афғонистон ва Эрон каби давлатлардан ҳам узатилади.

Табиийки, бу йўналишдаги телерадиоканаллар кўтарилаётган ҳар қандай масаланинг бир ёқлама ёритилиши ва фақат ўша мамлакатлар манфаатларига хизмат қилиши билан ажралиб туради. Бу, албатта, бошқа масала.

Ўзбекистон ҳудудида тайёрланадиган аудиовизуал материалларнинг дунё медиа майдонига кенгроқ тарқатилишида mediabay.uz сайтининг ҳам муносиб ўрни мавжуд эканлигини алоҳида қайд этиш зарур. Ушбу саҳифа Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси

⁵⁸ www.bbc.co.uk/

⁵⁹ <http://www.nhk.or.jp/>

алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитасининг тегишли рухсатномалари билан расман фаолият олиб бормоқда. У “Mediabay Asia” компанияси томонидан тайёрланиб, бугунги кунда жаҳон стандартлари даражасида ривожлантирилмоқда.

Мазкур сайт ўзининг қулай интерфейси билан эътиборни тортади. Бу ерда мавжуд видеоролик, подкаст ёки онлайн телерадиоканал оддий фойдаланувчининг турли операцион тизимлар ўрнатилган компьютери ёки мобиль телефонидаги вэб браузер орқали эркин қабул қилинишига ҳаракат қилинади. Компьютер ва қўл телефонларидан ташқари саҳифада берилаётган асосий контент материалларидан замонавий телевизорлар, set-top-box ҳамда интернетга уланган бошқа кўшимча ускунаси бор техникалар орқали ҳам бемалол фойдаланиш мумкин.

Подкастинг⁶⁰ (инглизча “podcasting” - iPod ва broadcasting - ҳар томонлама, кенг ёритиш сўзларидан олинган бўлиб) - овозли ёки видеофайллар тайёрлаш жараёни ҳамда уларни интернет услубида тарқатиш яъни подкаст қилиш тушунчаларини қамраб олади. Одатда овозли подкастлар MP3, AAC, Ogg/Vorbis форматида, видео подкастлар эса Flash Video ёки AVI шаклида интернет саҳифасида бериб борилади.

Mediabay.uz веб-сайтининг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, унда сиз ўзингизга маъқул пайтда “Axborot”, “First channel news”, “Davr” каби янгиликлар дастурлари ёки севимли футбол жамоангизнинг ўйинини истаган пайтингизда такроран томоша қилишингиз мумкин. Саҳифада нафақат “O'zbekiston” ва “Yoshlar”, балки “Toshkent” ҳамда “Sport” каналлари ҳам бор.

Аmmo юқорида тилга олинган ҳар иккала сайт айрим техник камчиликлардан ҳоли эмас.

Мазкур қўлланмани ёзиш жараёнида Facebook ижтимоий тармоғи воситасида ўтказилган сўровномамиз натижасида шу нарса маълум бўлдики, аксарият респондентлар ушбу веб-саҳифаларнинг бир уринишда

⁶⁰ Ингл. Podcast. From Wikipedia, the free encyclopedia // <http://en.wikipedia.org/wiki/Podcasting>.

очилмаслиги, тасвирлар узоғи билан 20-30 сониядан ўтмасдан қотиб қолиши, сайтлар ичидаги радио саҳифа дизайни зерикарли эканлиги, аудио овозларнинг яхши эшитилмаслиги, сайтларда асосан телеканалларда бериладиган кўрсатувлар ҳақидаги қисқача маълумотлар билан чекланилганлиги, бирон бир кўрсатувни охиригача он-лайн шаклда томоша қилиш имконияти йўқлигини қайд этишди.

Дунёнинг турли минтақаларидаги респондентларнинг айрим жавобларига эътибор қаратамиз.

АҚШдаги Вандербит Университети тиббиёт маркази қошидаги Вандербит-Инграм саратон касаллиги марказининг тадқиқотлар координатори Мария Уеирнинг қайд этишича, у ушбу телерадиоканалларни аввало, ўзбек тилини янада чуқурроқ ўзлаштириш мақсадида кузатиб боради. Хусусан mtrk.uz сайтининг Америка ҳудудида ишлаши ҳақида ўз шахсий фикрини билдираркан, унга сайтнинг соддалиги ва дизайни маъқул келганини эътироф этди. Лекин М.Уеир веб-саҳифанинг очилиши жараёни техник жиҳатдан қийинлиги, жумладан “O`zbekiston” ва “Yoshlar” телеканалларини кўришга ҳаракат қилганида техник жиҳатдан муаммолар борлиги, натижада компьютердаги тасвирлар 20-30 сониядан сўнг қотиб қолишини билдирди.

Шунингдек, у “O`zbekiston” радиосини эшитишга бўлган ҳаракати аксарият ҳолларда самарасиз қолишини маълум қилиб, “Toshkent” радиоканалига уланиш нисбатан осон бўлса-да, тиниқ эшитилмаслигини таъкидлади ва бунинг акси ўлароқ “Yoshlar” ва “Машъал”ни ҳеч қандай муаммоларсиз тинглаши мумкинлигини таъкидлади.

Америкалик муштарий mediabaу.uz сайтидаги нафақат телеканаллар, балки радио тармоқлардан ҳам рисоладагидек баҳраманд бўлишнинг иложи йўқлигини қайд этди. Ушбу сайтдаги подкастларга бемалол уланишнинг имконияти мавжуд бўлмаса-да, М.Уеир мазкур ғоянинг ўзи унга маъқул келганини таъкидлаб, MP3, подкаст, мусиқа ва видеоклиплар жойлаштириганлигига юқори баҳо берди.

Россиянинг Астрахань вилоятидаги Ўзбекистон маданият марказининг ёшлар бўлими раҳбари, “Единая Россия” партияси раиси Д.А.Медведевнинг минтақавий жамоатчилик қабулхонаси ҳуқуқшуноси Азамат Аминов мунтазам равишда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси сайтидан фойдаланишини билдирди. Унинг қайд этишича, айнан шу саҳифадаги теле ва радиоканаллар орқали Ўзбекистон Республикасида содир бўлаётган асосий воқеа-ҳодисаларнинг расмий ва ишончли талқини билан танишиш мумкин. Унинг фикрига кўра, саҳифадаги юқори профессионал даражада тайёрланган материаллар мазмун жиҳатдан ўзига хос ва долзарбдир. Берилаётган матнларнинг кичик ҳажмдалиги эса уларнинг он-лайн ўқилишида қулайликни таъминлайди. Россиялик томошабин, шунингдек, сайт дизайнини янгилаш, хусусан унга айрим миллий элементларни жорий этиш фойдали бўлишини қайд этди.

Япониядаги “Torishima Pump MFG.Co.Ltd” компаниясининг ходими Шунқор Шомуродовнинг таъкидлашича, у юқорида қайд этилган сайтларга кириб, уларни доимий тарзда ҳам тинглаб ҳам, томоша қилиб боради. Аввало у радиотармоқлар ҳақида фикр билдираркан, “Yoshlar”, “Гранд” ва “O'zbekim Taronasi” каналларининг Токиода ҳеч қандай тўсиқсиз, тиниқ эшитишини қайд этди.

Ш.Шомуродовнинг фикрига кўра, “mtrk.uz” техник жиҳатдан “оғир” сайт ҳисобланади, уни юклаб олиш жараёнининг ўзига жуда кўп вақт кетади. Токиодаги интернетнинг тезлиги аслида юқори, шундай бўлса-да, ўзбек тилидаги теледастурларни кўриш мураккаблигича қолаётганлиги маълум бўлди. Аниқ бир мисол сифатида у яқинда Ўзбекистон-Корея футбол ўйинини кўриш илинжида ушбу сайтга кирганини ва афсуски, ўйинни тўғридан-тўғри томоша қила олмаганилигини қайд этди. Шундан сўнг токиолик муштарий мазкур трансляцияни бошқа хорижий сайтлар орқали, аниқроғи Россия веб-саҳифаси ёрдамида томоша қилишга мажбур бўлган.

Mediabay.uz сайти ҳақида тўхталаркан, Ш.Шомуродов уни яқиндагина кузатишни бошлаганини таъкидлаб, саҳифанинг “mtrk”га нисбатан бироз

тезроқ ишлаётганини эътироф этса-да, лекин аслидагидек, яъни телевизор экранидегидек бир йўсинда томоша қилиб бўлмаслигини маълум қилди. Шу ўринда у клип билан матн бир-бирига тўғри келмаслиги, тасвир 3-4 сонияга орқада қолаётганлиги, матн эса - аксинча олдинга чиқиб кетаётганлигини таъкидлади.

Туркиядаги “Жихан” ахборот агентлигининг Ўзбекистондаги мухбири Атиф Аъло телевидение ва радио - бу ҳар қандай ўлканинг хорижда жаранглайдиган овози ҳамда ушбу овоз техник жиҳатдан қанча сифатли эштилса, у жаҳоннинг ўзга давлатларига шунчалик тоза ва баралла кириб боришини, шунингдек, мамлакат ва дунё ўртасидаги ўзига хос ахборот кўприги вазифасини ўташини қайд этди.

Одатга кўра, соҳада давлат ва нодавлат сайтлар фаолият олиб бориши, лекин давлатга тегишли бўлган тармоқлар масаланинг юқини кўпроқ кўтаришини таъкидлаган ҳолда А.Аъло уларни бутун бир миллат ва халқнинг номидан иш олиб боришига алоҳида урғу берди. Шу сабабдан, хорижлик экспертнинг фикрича, мазкур веб-саҳифаларнинг қай даражада мукамал бўлиши ҳамда уларнинг муштарийлар талабларига тўлиқ жавоб бера олиши - ташқи дунёга тўғри ва аниқ маълумотлар тарқатилишининг асосий омилларидан бири бўлиб қолаверади.

Унинг фикрига кўра, mtrk.uz сайтида мамлакатнинг асосий теле ва радиоканалларини кузатиб бориш бўйича йўлга қўйилган хизмат, берилаётган имконият тахсинга лойиқдир, бу ерда, хусусан “O`zbekiston” телерадиоканалини бемалол томоша қилиш ва эшитиш мумкинлиги алоҳида эътибор касб этади.

Шундай бўлса-да, сўнгги янгиликлар билан батафсил танишиш ёки эфирга узатилган кўрсатувларни такроран кўришнинг имконияти йўқ. Шунингдек, сайт ўз вақтида янгиланиб турилмайди. Ваҳоланки, хориждаги томошабинлар Ўзбекистон ҳаёти билан боғлиқ янгиликларни асосан шу каби расмий сайтлардан излайдилар, дейди А.Аъло.

Энг муҳими, соҳа мутахассисининг фикрича, бундан кейин ҳам чет эллик томошабинларнинг мурожаат қиладиган ягона сайти mtrk.uz бўлиб қолиши керак. Чунки Ўзбекистон ҳақидаги энг ишончли ва объектив материалларни фақат шу мамлакат телевидениеси бера олади.

Саҳифада қатор радиоканаллар, жумладан, “O`zbekiston”, “Yoshlar”, “Toshkent” ва “Машъал” номлари қайд этилган. Лекин, маълум бўлишича, туркиялик экспертнинг компютерида ушбу дастурларга киришнинг иложи бўлмаган. Балки, шу сабабдан ҳам радиоканаллар сайтларини алоҳида ривожлантириш керакдир, деган фикрни билдиради у. mediabaу.uz сайтини эса бир сўз билан айтганда аъло, дейиш мумкин. Бошқалардан фарқли дизайн ва услуб қўлланилган: “Мазмунан бой ва унда турли хил видеороликлар, фойдали маълумотлар бор”.

Демак, хорижий экспертлар ва муштарийларнинг фикрлари ана шундай.

Аммо эътироф этиш керак, юқоридаги сайтларнинг муваффақиятли жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Энг асосий қулайлиги шундаки, уларнинг барчаси “Tas-IX⁶¹”да жойлашган бўлиб, бу эса техник жиҳатдан узлуксиз кўриш имкониятини беради.

Tas-IX – Ўзбекистондаги интернет трафиғи билан алмашинув тизимидир. У 2004 йилнинг 24 декабрь куни ташкил қилинган. Тизимнинг дастлабки иштирокчилари орасида “Amaliy Aloqalar Biznesi Axborot Markazi”, “Naytov”, “Sarkor-Telekom”, “Sharq Telekom” ва “Technoprosistem” каби компаниялар бор.

Юқорида билдирилган фикрлардан кўриниб турибдики, mrtk.uz ва mediabaу.uz сайтлари муштарийларнинг талабларига қисман жавоб бера олади.

Шундай экан, миллий веб-саҳифаларимизда, биринчидан, он-лайн видео ва аудио каналлар тизимини техник жиҳатдан янада тезлаштириш ўринли бўлар эди. Иккинчидан, интернетда жонли эфирдан ташқари мавжуд подкаст тизимини замонавий стандартлар даражасига кўтариш лозим. Бунда асосий

⁶¹ Tas-IX. Материал из Википедии — свободной энциклопедии // <http://ru.wikipedia.org/wiki/Tas-IX>

этибор саҳифада берилаётган энг қизиқарли ва муҳим материалларни шахсий компьютер ва қўл телефонларига мос келадиган шаклда узатишнинг янги йўллари топиш муҳимдир.

Учинчидан, мамлакатдаги ва хориждаги тингловчилар билан ўзаро интерактив мулоқотни кенгайтириб, хусусан, уларнинг техник талабларини жиддий ўрганишга ва тегишли чоралар кўришга эришиш зарур. Чунки, юқорида гувоҳи бўлганимиздек, интернет тезлигига мослаштирилган баъзи янгиликларнинг видеоформатлари жойлаштирилган бўлса-да, уларнинг кечикиши, бошқа зарур маълумотларнинг камлиги, веб-сайт дизайнининг ҳаддан ташқари оддийлиги истеъмолчилар талабини қондирмайди (шу сабаб бўлса керак, қайд этилган веб-сайтларнинг мавжудлигини ҳатто соҳа мутахассислари, кўпчилик журналистлар ҳам билишмайди – Б.А).

Мавжуд ҳолатнинг юқоридаги таҳлилидан келиб чиқиб қуйидаги риторик саволларни олиб чиқиш ўринлидир. Хорижий давлатлар тажрибасига таянган ҳолда, энг оммабоп кўрсатув ва эшиттиришларнинг алоҳида сайтларини ташкил қилиш вақти келмадими? Махсус веб-сайтларнинг ташкил қилиниши доимий мухлислар сонининг ортиб боришига, пировард натижада каналнинг умумий рейтингига ижобий таъсир ўтказмайдими?

Дарҳақиқат, ҳозирги даврда Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчиларнинг миқдори қарийб 10 миллиондан ошган бўлса, ер шари веб-аудиториясининг сони 2 миллиард яъни, яъни умумий аҳолининг 30 фоизидан ошиб кетди.

Сир эмас, ҳозирги даврда интернет нафақат пойтахтда, балки чекка қишлоқларда ҳам янгилик бўлмай қолди. “Ўргимчак тўри”нинг чексиз имкониятларини ёшу-қари эндиликда жуда яхши тушунади ва ундан кундалик ҳаётда кенг фойдаланилиб келишмоқда.

Яна бир масала. Ўзбекистон шароитида глобал тармоқ аудиториясининг Ғарб ҳамда ривожланган Осиё ва Тинч океани мамлакатларига нисбатан камлиги сабабли маҳаллий ОАВнинг, шунингдек, бошқа соҳадаги

ташкilotларнинг интернет тармоғида ўз веб-сайтларини жойлаштиришга шопилмаётганликлари бир томондан тушунарли ҳолат. Чунки веб-сайт қанчалик профессионал даражада яратилмасин, у ўз истеъмолчиларисиз ҳеч қандай аҳамиятга эга бўла олмайди. Шунинг учун маҳаллий газеталар ёки телерадиоканалларнинг интернетдаги сустигини танқид остига олиш ҳозирча бироз ноўрин туюлиши ҳам мумкин.

Аmmo асосий гап – Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг дунёдаги ўрнини интернет орқали янада мустаҳкамлаш масаласини бугун ўйламасак, эртага кеч бўлиши мумкин.

Маълумки, маҳаллий ОАВ веб-сайтларининг ўсиб бориши виртуал тизим фойдаланувчиларининг кўпайишида асосий омилдир. Шу маънода бугунги кунда интернет захираларида ўзбек тилидаги маълумотлар салмоғи жуда камлигича қолмоқда. Бу эса, назаримизда, кечиктириб бўлмайдиган асосий камчиликдир.

Агар солиштирадиган бўлсак, Ўзбекистон ҳақидаги маълумотларнинг аксарият қисми чет эл веб-сайтларида, бошқа тилларда жойлаштирилган. Афсуски, бундай ҳолат ўзбек тилида сўзлашувчи аҳолини интернетдан бездириб кўяди. Шубҳасиз, виртуал кенгликда айнан давлат тилидаги фойдали маълумотлар миқдорининг кўпайиши мамлакатимизда мазкур тизимдан доимий тарзда фойдаланадиганлар сонининг ошишига хизмат қилади.

ОАВ веб-сайтларини интернетда жойлаштириш орқали таҳририятлар ўз фаолиятларини янада ривожлантиришлари мумкин. Масалан, веб-тизимда иш юритиш катта маблағ талаб қилмайди. Ўша биргина веб-саҳифа орқали ҳар қандай матбуот ўзини бугун дунёга танита олиши мумкин. Агарда веб-сайт бир неча тилда бўлса, унинг аудиторияси янада кенгаяверади.

Шундай қилиб, mtrk.uz, mediabay.uz сайтлари мисолида мамлакат имижини ривожлантиришда аудиовизуал журналистика ўрнининг орта бориши билан боғлиқ масала таҳлили қуйидаги таклифларни илгари суриш имкониятини беради:

– веб-саҳифа орқали хоҳлаган ОАВ ўз ихлосмандларининг талаб-истакларини бевосита ўрганиши ва уларга амал қилган ҳолда аудиториясига янада яқинлашиши мумкин. Чунки бу тизимнинг мультимедиали хусусияти билан анъанавий ОАВнинг барча хусусиятларини бирлаштиришга, яъни бир неча усуллар орқали истеъмолчиларга маълумот узатишга имкон беради. Шундай экан, интернет орқали маҳаллий радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувларни ҳам тўғридан-тўғри узатиш ишларини жонлантириш фойдадан ҳоли эмас;

– тараққий этган давлатларда анъанавий ОАВ янада кенгрок аудиторияга етиб бориши учун ўз хизматларини тезлик билан ривожланаётган ахборот технологиялари билан баробар олиб боришга ҳаракат қилинапти. Жумладан, радио ва телекомпаниялар ўзлари тайёрлаётган эшиттириш ҳамда кўрсатувларни сунъий йўлдош ва айти пайтда интернет орқали узатишни йўлга қўйганлар;

– умумжаҳон тармоғи орқали узатиладиган телекўрсатувлар учун жуда юқори тезлик керак бўлади. Афсуски, айти вақтда МДХ давлатларида, хусусан мамлакатимиз ҳудудида ҳам умумий интернет тезлиги юқори эмас. Шундай экан, аудиовизуал материалларни тўғридан-тўғри интернетда узатиш биз кутгандай самарали бўлмапти;

– тўғри, телекўрсатув ва радиоэшиттиришларни он-лайн тарзда узатиш, аввало хориждаги аудитория учун мўлжалланади. Мисол учун бир неча Россия телеканаллари виртуал кенглик орқали ўз кўрсатувларини тўғридан-тўғри узатиш воситасида мамлакатдан ташқарида яшаётган миллионлаб россиялик муҳожирларнинг ўз ватани билан алоқаларини узмаслиги, миллий маданиятидан узоқлашмаслигини таъминлаш, умуман бутун дунё аҳолиси ўртасида Россиянинг ижобий имижини шакллантиришга хизмат қилмоқда;

– радиоэшиттиришларни онлайн форматда узатиш техник жиҳатдан телекўрсатувларни тарқатишдек мураккаб эмас. Шу маънода таъкидлаб ўтиш ўринлики, бизнинг радиоканаллар орқали тараладиган гўзал шарқона мусиқа нафақат мамлакатимиз, балки бутун минтақа аҳолиси эътиборини ҳар доим

жалб қилиб келган (Буни яқин Тошкент радиосининг яқин ўтмишдаги тарихи ва унинг хориждаги ихлосмандлари қамрови билан тасдиқлаш мумкин – Б.А.). Шу сабабли ҳам веб аудитория мухлислари фақат ўзбекистонликлар бўлиб қолмай, балки бошқа қардош миллатлар ва шунингдек, унга қизиқувчи хорижликлар учун ҳам аҳамиятлидир. Бундан ташқари радиоэшиттиришларнинг Интернет орқали кенг ёйилиши миллатимизнинг бой тарихи ва маданиятини бутун дунёга янада яқинроқ танитишга хизмат қилишини яхши англаймиз;

– табиийки, мустақил Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг жаҳон медиа маконидаги ўрни бугунги кунда замонавий ахборот коммуникация технологиялари ёрдамида тобора кенгайиб бормоқда. Аммо бу борада ҳали қилиниши керак бўлган ишлар талайгина.

Миллий ахборот сегментининг тараққиёти ва истиқболи (uza.uz, jahonnews.uz сайтлари мисолида)

Президент И.Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарига таъкидлаганидек, “Жаҳон миқёсида воқеалар шиддат билан кечаётган бир пайтда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, Интернетнинг беқиёс имкониятларидан кенг фойдаланишга тайёр бўлиш матбуот, ахборот ва медиа тармоқлари, жумладан, телевидение ва радио соҳасида хизмат қилишга ўзини бағишлаган, етук мутахассис бўлишга аҳд қилган ва бу соҳада ўз келажагини кўрмоқчи бўлган оммавий ахборот воситалари ходимларининг фаолият мезонига айланиши зарурлигини барчамиз яхши англаймиз”⁶².

Чунки, ҳар қандай хабарни он-лайн шаклда тарқатиш ва уни олиш барчамиз учун ҳам қулай, ҳам арзон хизмат тури сифатида ўртага чиқмоқда. Шундай экан, мавжуд замонавий ахборот коммуникация технологиялари имкониятларидан кенгроқ ва янада фаолроқ фойдаланиб, халқаро медиа майдондаги миллий матбуотимиз сегментини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалага жиддий ёндашиш давр талаби эканлигини яхши тушунишимиз лозим.

Бугунги даврда жамиятнинг янада ахборотлашиб, глобаллашув таъсирининг кенгая бориши шароитида халқаро алоқалар ривожланишининг дихотомик жиҳатида, яъни бир-бирига боғлиқ бўлмаган иккита томонига эътибор қаратиш керак⁶³.

Биринчи томондан халқаро сиёсат субъектларининг умумий қадриятлар, халқаро қонун-қоидалар ва принципларни қабул қилиши кучаймоқда. Иккинчи томондан эса ана шу субъектлар ўртасида ўзлигини, миллий қадриятларини ва маданиятини сақлаб қолиш учун кураш кетмоқда.

⁶² Каримов И.А., Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. – Б. 135, 136.

⁶³ Международный имидж страны: теоретические аспекты. Информационно-аналитический журнал «Политическое образование». <http://www.lawinrussia.ru/node/345778> Среда, 22.04.2015 - 22:52

Ўзаро босим ўтказиш билан боғлиқ ушбу курашда давлатлар барча имкониятларни, хусусан ОАВ, нодавлат ташкилотлар, тармоқ ташкилотлари, трансмиллий ҳаракатлар, интернет, СМС ва XXI асрнинг бошқа “гаджет”ларини ишга солмоқдалар.

Дарвоқе, 1991 йилда Ўзбекистондаги оммавий ахборот воситаларининг умумий сони 395 тани ташкил этган бўлса, 2014 йилнинг 1 июлига келиб бу кўрсаткич жами ҳисобда 1373 тага етган эди. Босма нашрлар, теле ва радиоканаллар билан бир қаторда, янги ОАВ тури сифатида рўйхатдан ўтган 290 та веб-сайт ҳам фаолият олиб борди ва кейинчалик уларнинг сони тобора ортиб бориши кузатилди⁶⁴.

Улар томонидан республикамиз қўлга киритаётган оламшумул ютуқлар тўғрисида бутун жаҳон аҳлига тезкор ахборотлар тарқатишга ҳаракат қилинмоқда. Бу жараёнда оммавий ахборот воситаларимиз замонавий технологиялар, хусусан интернет ва сунъий йўлдош имкониятларини ишга солмоқдалар. Бу борада мамлакатимиздаги етакчи ахборот агентликлари, хусусан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА ва “Жаҳон” ахборот агентлигининг фаолияти алоҳида эътиборга моликдир.

Сўнгги йилларда, таъбир жоиз бўлса, ушбу “хабар ишлаб чиқарувчи асосий корхоналаримиз” томонидан соҳани ривожлантириш бўйича қатор амалий ишлар йўлга қўйилди. Масалан, янгиликлар, хабарлар, репортажлар, мақолалар ва фото-лавҳа каби журналистиканинг анъанавий жанрлари бугунги кун талаблари даражасида мукаммаллашиб борди. Шунингдек, уларни хорижий тилларга таржима қилишга ҳам жиддий эътибор қаратилди. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, уларни дунё мамлакатларига бевосита узатиш жараёнида янгича технологик кўникмаларга ўрин берилиб, дастлабки натижаларга эришилди.

Аммо жаҳон бўйлаб кенг тарқатилаётган ана шу хабар, мақола ва материаллар тили ҳамда услуби жиҳатидан бугунги халқаро стандартларга

⁶⁴ O‘zbekiston Respublikasida ommaviy axborot vositalari faoliyati, rivojlanishi, erkinligi kafolatlari to‘g‘risida tahliliy ma‘lumot. (01.07.2014 yil holatiga) // <http://www.api.uz/#uz/content/licence/statistics/>

қанчалик мос келади? Ушбу йўналишда нималарга эришилди-ю, қандай камчиликларга йўл қўйилди? Мазкур масала юзасидан хорижлик мутахассислар, қолаверса оддий ўқувчиларнинг фикрлари қандай? Ушбу саволларга жавобни миллий ахборот агентликларимизнинг интернетдаги расмий веб-саҳифаларидан қидириш баробарида мавжуд ютуқ ва камчиликларни қисман бўлса-да таҳлил қилишга тўғри келади.

Эътироф этиш керак, ЎЗА (uza.uz) сайти етакчи хорижий тиллар сонининг кўплиги билан бошқа сайтлардан анча илгарилаб кетди. Бу ерда ҳозирги даврда республикамиз ҳаётига доир долзарб ахборотлар ўзбек тилидан ташқари рус, инглиз, француз, немис, испан, араб ва хитой тилларида, яъни БМТнинг барча расмий тилларида бутун жаҳонга узатилмоқда.

uza.uz саҳифасининг дизайни замонавий талабларга қисман бўлса-да жавоб бера олади. Муҳими, фойдаланишга анча қулай. Уни такомиллаштириш бўйича ишлар мунтазам давом этаётганини кузатиш мумкин.

Шунингдек, ЎзАнинг муҳим ютуқлари қаторида, сайтнинг оммабоп ижтимоий тармоқлардан бири “Twitter”га бевосита уланганлиги унинг ўқувчилар ичига чуқурроқ кириб бориш имкониятини яратди, дейиш мумкин. Яна бир муҳим қадам – мана бир неча йилдирки, мазкур веб-саҳифанинг мобиль версияси ҳам мунтазам фаолият олиб бормоқда. Бу ўринда агентлик уяли алоқа телефонлари ва кичик гаджетларга хабар узатувчи Ўзбекистондаги санокли оммавий ахборот воситаларидан бири эканлигига алоҳида эътибор қаратиш керак.

“Жаҳон” ахборот агентлигининг сайти (jahonnews.uz) ўзбек, рус, инглиз (араб – 2015 йил апрель ойигача) тилларида фаолият юритмоқда. Улар орасида араб тили бўлими деярли янгиланманганлиги кузатилар эди.

Муҳим сиёсий янгиланишлар ва ўзгаришларни, ёки дунёда содир бўлаётган оламшумул воқеаларга муносабатларни, афсуски, jahonnews.uz

саҳифасида ҳар доим ҳам кузатиб бўлмайди (Ваҳоланки, ушбу агентлик мамлакатимиз ташқи сиёсатининг ойнаси бўлиши керак – Б.А).

Сайт дизайнининг сўнгги бор қачон қайта ишланганлигини, модернизация қилинганлигини эслаш қийин. Бу ерда хабарлар оқими ЎзАга нисбатан анча кам. Мақола ва материаллар орасида ёрқин муаллифлик ишлари, айниқса, долзарб муаммо кўтарилган шарҳлар кузатилмайди. Таҳлилий жанрлар агентлик мухбирлари эътиборидан четда қолиб кетмоқда.

Жиддий эътибор қаратадиган жиҳати – хориждаги элчихоналаримиз ўтказадиган тадбирлар ҳақидаги “навбатчи” мақолалар такрорий сўз ҳамда куруқ иборалар билан берилиши одатга айланган. Шунингдек, аксарият хабарларда оперативлик етишмайди. Афсуски, бундай ҳолат ҳозирги замон ўқувчисини бездириб қўйиши мумкин. Натижада сайт бор аудиторияни ҳам бой бериб қўйиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Анъанавий журналистиканинг назариясига кўра, ахборотнинг учта муҳим асоси бор: ҳар қандай хабар “ким?” (ёки нима?), “қачон?” ва “қаерда?” саволларига жавоб бериши керак. Агентликларимиз тарқатаётган хабарларда эса ҳар доим ҳам журналистика фанининг оддий қонун-қоидаларига амал қилинмаяпти. Шу сабабли бўлса керак, мазкур сайтларга ташриф буюрувчиларнинг сони, орадан вақт ўтса-да кўпаймаяпти.

Қуйидаги ҳисоботга эътибор берайлик. www.uz миллий қидирув тизимидан олинган маълумотга кўра, uza.uz сайтини кунига ўртача ҳисобда 1200-1500 киши кириб кўрар экан, холос. jahonnews.uz саҳифасининг кундалик мухлислари сони эса ундан ҳам камроқ, яъни бор-йўғи 230-250 кишидан ошмаётганлигини ачинарли ҳолатдир⁶⁵.

Хўш, мавжуд ахборот агентликлари сайтларининг бугунги аҳволи ҳақида мамлакатимиздаги ва хориждаги оддий ўқувчилар ҳамда мутахассисларнинг фикри қандай?

⁶⁵ Мазкур қўлланмада Facebook.com ижтимоий тармоғи орқали ўтказилган тадқиқот-суриштирув натижалари ҳам мисол сифатида келтирилади (Б.А.).

Япония-Ўзбекистон дўстлик жамиятининг аъзоси Казуко Окуининг таъкидлашича, у шахсан мазкур сайтларда бериладиган кундалик хабар ва янгиликларни мунтазам равишда кузатиб боради. “Дарҳақиқат, - дейди у, - бу ерда эълон қилинадиган мақолаларнинг баъзилари, назаримда, ортиқча сиёсийлаштирилган. Гоҳида шахсий билим ва тажриба етишмаслиги сабабли уларни бир ўқишда тушуниб олиш мен учун қийин кечади. Шу билан бирга эътироф этиш керак, хорижий ўқувчилар учун ушбу веб-саҳифалардаги журналистик материалларнинг айримлари қизиқарлидир”⁶⁶.

Япониялик муштарийнинг кайд этишича, ўзбекистонлик мухбирларнинг ижодий фаолияти ўзига хосдир. Уларнинг ҳар бир хатти-харакати, куюнчақлиги ва ўз Она Ватанлари тақдирига бефарқ эмасликлари қувонарли ҳол, албатта.

info@12.uz сайтининг бош муҳаррири Дониёр Мансуров фикрича, интернетда газеталар, журналлар ва адабиётларнинг электрон дўконлари фаолиятини такомиллаштириш керак. Шунингдек, миллий доменда вақтли матбуотдан ташқари, ўзбек адабиёти ютуқларини, шоир ва ёзувчиларнинг янги асарларини янада тўлароқ эълон қилиб бориш лозим. Бу борада республикадаги айрим нашриётларда дастлабки лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Хусусан F.Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйининг Интернет саҳифасида ушбу йўналишдаги янги ишлар йўлга қўйилмоқда, дея фикрини яқунлайди Д.Мансуров.

Туркиялик журналист Аҳмад Гулнинг гувоҳлик беришича, ҳозирги пайтда чет элларда ўзбек матбуотининг етакчи хорижий тиллардаги, жумладан инглизча нусхаларига эҳтиёж жуда катта. Зеро, Ўзбекистондаги қатор ОАВ сайтларида аллақачон чет тилларида хабарлар берилётган бўлса-да, афсуски, улар ҳар доим ҳам хориждаги ўқувчининг талабига, қолверса дидига мос келавермайди.

Даниялик инглиз тили мутахассиси Фелисити Тимкининг таъкидлашича, у uza.uz ҳамда jahonnews.uz сайтлари билан яқиндан таниш.

⁶⁶ Шу манба.

Бу веб-саҳифалар орқали Ўзбекистоннинг бугунги ҳаёти ҳақида жуда кўп маълумотларни олиш мумкин. “uza.uz саҳифасини олиб қарайдиган бўлсак, дейди Ф.Тимки, - у шахсан мен учун анча оғир. Фикримча, аввало сайтни навигация қилишнинг ўзи қийин. Чунки, айрим бўлимлар, хусусан инглиз тилидаги “компьютерлаштириш” бўлимига ахборот умуман қўйилмаган, бўм-бўш. Шунингдек, мен ўқийдиган инглиз тилидаги хабарлар ва мақолалар баъзи ҳолларда услубий таҳрирга муҳтождек кўринади. Шу туфайли бу борадаги муҳаррирлар ишини янада жонлантиришни тавсия қилган бўлардим. Чунки инглиз тилидаги материалларда ортиқча сўзлар жуда кўп. Улар услубий жиҳатдан анча ғализ. Эскича ва кераксиз ибораларга кенг ўрин берилган. Бу ўринда хурматли муҳаррирлар инглизча “wordy” ёки “stoic” сўзларининг луғавий маъносини яхши англашади, деб ўйлайман”⁶⁷.

jahonnews.uz веб-саҳифаси тил борасида ҳамкор сайтдан биров орқада, дея таъкидлайди Ф.Тимки. “Бу билан ундаги инглиз тилини асло ёмон демоқчимасман. Балки бу ердаги хабарлар ҳам uza.uzдаги каби эскича услубий шаклда берилаётганини таъкидламоқчиман, холос”.

“Ҳар ҳолда улар мен билган 10-15 йил олдинги даврга қараганда анча илгарилаб кетишган. Шундай бўлсада санаб ўтилган жузъий камчиликлар, яъни инглизча матнларнинг кучсизлиги уларнинг бевосита оригиналдан эмас, балки рус тили орқали таржима қилинганлиги билан боғлиқ бўлса керак”.

Даниялик мутахассиснинг эътирофига кўра, юқоридаги агентликда хорижий тилларни биладиган етук журналистлар, ўз ишининг усталари меҳнат қилишмоқда. Лекин хорижий аудитория учун тайёрланаётган мақолалардаги фикрлар доимо “учинчи шахс”да баён этилиши керак. Айни маънода “мамлакат” сўзининг ўрнига “бизнинг мамлакатимиз”, “диёримиз” каби журналистик нуқтаи назардан ноўрин ибораларга йўл қўйиб бўлмайди.

“Жаҳон” ахборот агентлиги сайти, баъзи бўлимларнинг тўлдирилмаганлигини инобатга олмаганда, нисбатан содда ва равонлиги

⁶⁷ Шу манба.

билан чет эллик ўқувчи учун анча қулайдир, дея ўз фикрини хулосалайди Ф.Тимки.

“Франс-пресс” агентлигининг Ўзбекистондаги мухбири Муҳаммадшариф Маматқулов мавзуни давом эттирар экан, жумладан куйидагиларни таъкидлайди:

– “ЎЗА ва “Жаҳон” сайтларига келсак, мен учун бу ҳақда фикр билдириш ўта қийин масала. Чунки мен айтган фикр бошқалар томонидан тўғри қабул қилинмайди. Шундай бўлсада, айрим мулоҳазаларимни қайд этишим ўринлидир.

Аввало, бу икки агентликнинг хабарларини жаҳон стандартлари билан умуман қиёслаб бўлмайди. Биласиз, жаҳон тажрибасида хабарнинг аҳамияти, тезкорлиги, қолаверса, унинг ким учунлиги биринчи ўринда туради, дея мулоҳаза юритади мутахассис. ЎЗА ва “Жаҳон”да бу нарса кўринмайди. Сифатига келсак, ЎЗА хабарларининг кўпчилиги классик услубда ёзилган бўлиб, хабарчилик техникасига деярли тўғри келади (масалан, фалон жойда фалон куни кичик корхона очилди, ёки кўприк қурилди, деган – М.Маматқулов), бироқ хабарнинг асл мазмуни ҳар доим ҳам тўлиқ ифодалаб берилмайди”.

Экспертнинг фикрига кўра, бу каби масалаларда ЎЗА ва “Жаҳон”ни кўшни мамлакатлар, масалан қозоқ, қирғиз ва тожик хабар агентликлари билан солиштириб кўриш кўп нарсани ойдинлаштиради. Кўшни мамлакатларнинг ахборот агентликлари хоҳ сиёсий, хоҳ ижтимоий мавзуда бўлсин, одамларни кундалик қизиқтирадиган масалаларда жонли хабарлар бериб боришади.

ЎЗА вебсайтининг хорижий тилларда экани унинг қадрини заррача оширмайди, дейди “Франс-пресс” мухбири. “Чунки ўлик хабарни қайси тилга таржима қилманг, ўлик ҳолича қолаверади”. Бу икки агентликнинг инглиз тилидаги саҳифалари сифати грамматик жиҳатдан тўғридир, лекин хабар агентлиги, журналист тили эмас, протокол тили ўлароқ ўта примитивдир, дейди у. Шу ўринда бизда кўп гапириладиган “миллий журналистикани

жаҳон стандартларига кўтариш” масаласида бир фикр айтмоқчи эдим. Маълумки, замонавий алоқа воситалари, интернет ва “ситизен журнализм” (фуқаролик журналистикаси – Б.А.) кабиларнинг юзага келаётгани сабабли хабарнинг тезкорлиги, мазмуни ҳамда унинг аҳамияти биринчи ўринга чиқмоқда. Шу сабаб тил жиҳатдан энг юқори сифатда ёзилган хабардан кўра ўрта ҳол тил ва услубда ёзилган жонли хабарнинг кадри кўпроқ бўлиб қолмоқда.

Москвадаги ва ИнфоРос ахборот агентлигининг ИнфоШОС портали бош муҳаррири Татьяна Синицинанинг таъкидлашича, у кундалик иши жараёнида uza.uz/ru/ сайтига мурожаат қилиб туради.

“Қайд этиш жоизки, ЎЗА веб-саҳифасидаги асосий жанр бу – анъанавий ахборот жанри ҳисобланади. Лекин ҳар доим ҳам мазкур жанрнинг темир қоидаларига риоя қилинавермайди. Аниқроқ гапирадиган бўлсам, услубий жиҳатдан камчиликлар бор”, дейди россиялик эксперт. Аслида, тегишли рақам ва фактларни аҳамиятига қараб жойлаштириш, фикрни қисқа, лўнда ифодалаш, ортиқча баландпарвоз сўзларни ишлатмаслик лозим. Аксинча, бундай ҳолат холис ахборот шаклини ўзгартириб юбориши мумкин. Булардан ташқари хабарлар матнини ёзишда унинг кириш қисмига, айнан биринчи гапнинг тузилишига кўпроқ эътибор қаратиш керак. Асосий мавзунини ёрқин сўзлар билан бошлаб туриб, “ўқувчи эътиборини чулғаб олиш” керак.

Одатда ЎзАнинг хабарлари батафсил ва кенг ёритилади. Уларда журналистиканинг мумтоз талаблари асос қилиб олинган: бирон бир янги воқеа-ҳодиса тўғрисида хабар берилади, сўнгра у билан боғлиқ нима, ким, қаерда каби қатор саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинади. Аммо айрим ҳолатларда ахборотлар, чамамда, керагидан каттароқ ҳажмда ифода этилади. Ваҳоланки, ахборот жанри, қатъий, аниқ ва қуруқ сўзлар асосида қурилади. Шу боис “ватанимиз”, “халқимиз”, “серқуёш диёримиз”, “бепоён далаларимиз” сингари эмоционал бўёқларни фақат ўз ўрнида қўллаш керак. Ахир бугунги кунда нафақат хорижлик ўқувчи, балки мамлакат фуқаросини-

да баландпарвоз, қизиқарсиз хабарларни ўқишга мажбурлаш қийин. Хуллас, чиройли сўз ва муқаддас ибораларнинг сийқасини чиқаришга йўл қўйиб бўлмайди.

Шунингдек, мухбир эркин ёзиладиган таҳлилий мақолаларда ўз шахсий, субъектив фикрига керагидан ортиқча урғу бериб, бошқаларни, яъни чап ёки ўнг томондаги экспертларни пастга уришга маънан ҳақи йўқ. У ҳар доим ўртада, холис бўлиши керак.

Россиялик мутахассиснинг фикрича, ЎзА сайтидаги айрим мақолаларда рус тили грамматикаси, унинг муҳим услубий қоидаларидан тўғри қўлланилмаган. Жаҳон журналистикаси архитектурасига таркибий бўлим сифатида кириш, эътибор қозониш учун халқаро майдонда қабул қилинган стандартларга мослашиш керак.

Ушбу фаслда веб-саҳифалари таҳлилга тортилган етакчи ахборот агентликларидан ташқари, республикамиздаги даврий матбуот нашрлари, хусусан газета ва журналлар ҳам замонавий ахборот коммуникация технологияларидан унумли фойдаланишга шошилмаяптилар⁶⁸.

Тўғри, замон ўзгармоқда. Айниқса, матбуот соҳасида ўз навбатини кутиб турган, бошқача айтганда, эшигимизни анчадан буён тақиллатиб турган янгилашниларнинг ўз “уйимиз”га кечикиб кириб келишларига асло йўл қўя олмаймиз. Чунки, ахборот соҳасидаги янги технологиялар, ўзгаришларни жорий этиш билан боғлиқ ишлар яна бир-икки йил пайсалга солинадиган бўлса, кўп минг сонли ўқувчилар аудиторияси, айниқса, ёш ўқувчиларни йўқотиб қўйиш ҳеч гап эмас.

Оммавий ахборот воситаларининг “анъанавий юзи” мутлақо янги кўриниш касб этмоқда. Биринчидан, Интернетнинг босма матбуотга нисбатан арзонлиги ва иккинчидан, унинг кескин тарзда оммавийлашиб кетиши соҳадаги анъанавий тушунчаларни гўёки парчалаб ташлади.

Дарвоқе, дунёдаги энг йирик журналлардан бири, қарийб 80 ёшга кирган “Ньюзуик” нашри кейинги фаолиятини бутунлай кибермаконда давом

⁶⁸ Интернет газеталар кўпаяди...ми?, Б.Алимов. // “Хуррият”, 11 июль, 2012 йил. – Б. 4.

эттирирадиган бўлди. Маълумки, ўтган даврда бу каби “қитъалараро” газета ва журналлар юз-икки юз минглаб, баъзан эса миллионлаб ададда босилганлигига тарих гувоҳ бўлди. Улар фақат биргина мамлакат ёки минтақа худудида эмас, балки дунёнинг турли бурчакларида қўлма-қўл мутолаа қилинарди.

90-йилларнинг охирида “Ньюзуик”нинг Лондон марказидаги тахририяти биносида ўтказилган ижодий учрашув чоғида бу гигант компаниянинг нуфузи ва техник имкониятини атрофлича кўздан кечирган эдик (Б.А.). Лекин бугунги кунга келиб, яхши маънодаги ушбу “аждарҳо” нашрнинг босма шаклининг ёпилиши кўпчилик соҳа экспертларини ўйлантириб қўйди.

Хуллас, “Ньюзуик” журналининг анъанавий босма шакли охириги март 2012 йилнинг 31 декабрида нашр этилди. Кейинчалик у фақат электрон шаклда чиқарила бошланди. Ушбу оламшумул воқеа, мутахассисларнинг фикрига кўра, барча даврий нашрлар ҳаётидаги янги “электрон” даврни бошлаб беради.

Тўғри, бу табиий ҳолат. Чунки газета ва журналларни икки кўча наридаги киоскадан сотиб олмасдан, ёки почтачи хизматини кутиб ўтирмасдан, қўл остидаги интернет воситасида бевосита, бир зумда ўқиб қўйиш афзаллигини кўпчилик тушуниб етди. Шундай экан эндиликда тахририятлар янги кўникмага ўрганишлари, ўз нашрларининг электрон версияларини жаҳон андозаларига мос равишда такомиллаштириб боришлари керак.

Аммо эътиборли жиҳати шундаки, орадан кўп вақт ўтмай “журналнинг янгиланган кўриниши 2014 йилнинг 7 март кунидан бошлаб яна қайтадан нашр қилина бошланди. Демак, матбуотнинг бутунлай рақамли форматга ўтиб кетиши ҳозирча самарали ечим бўла олмаяпти”⁶⁹.

⁶⁹ Муратова Н. ОАВ тараққиётининг янги тенденциялари: конвергент медиа. Ўзбекистон матбуоти журнали// 2014 йил. 3-сон. – Б. 58.

Умуман олганда, юқорида қайд этиб ўтилган миллий ахборот агентликлари қаторида республикамиз газеталарининг веб-сайтлари ҳам бир мунча фаоллашиб бормоқда. Улар орасида <http://ut.uz/>, www.narodnoeslovo.uz, www.uzbekistonovozi.uz, www.uzhurriyat.uz, www.jamiyatgzt.uz, www.marifat.uz, www.mohiyat.uz каби тармоқлар бор. Аммо кузатишлар шуни кўрсатадики, улар ўз вақтида, мунтазам равишда янгиланмаяпти.

Яна бир муҳим масала. Республикамиз вилоятлари ва туманларида чоп этилаётган ҳудудий газеталар интернет воситасида ўз ўқувчилари сони ва географиясини бир мунча кенгайтиришга эришмоқдалар. Айниқса, “Зарафшон”, “Андижоннома” сингари нашрлар сайтлари эътиборга моликдир.

Лекин мазкур йўналишда ўз ечимини кутаётган камчиликлар жуда кўп. Жумладан ҳудудларимизда мутхассисларнинг етишмаслиги, ташкилий ишларнинг турли бюрократик тўсиқлар сабабли оқсаётганлиги ачинарли ҳолдир. 2012-2013 йиллар мобайнида бевосита Самарқанд ва Бухоро вилоятларидаги соҳага тегишли муассасалар фаолияти яқиндан ўрганилиб, улар тизимли равишда таҳлил қилинганда айнан шундай хулосага келинган эди (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг эксперти сифатида – Б.А.).

Шундай қилиб, uza.uz ҳамда jahonnews.uz ахборот агентликларининг сайтлари мисолида миллий ахборот сегментининг тараққиёти ҳамда истиқболи билан боғлиқ масалалар таҳлили қуйидаги хулоса ва таклифларни илгари суриш мақсадга мувофиқдир:

– экспертлар фикрига таянган ҳолда шуни хулоса қилиш мумкинки, ахборот тарқатиш жараёнида интернетнинг мислсиз имкониятларидан фойдаланиш борасида ҳали ҳамон сусткашликка йўл қўйилмоқда;

– назаримизда, юқорида таҳлилга тортилган миллий ахборот агентликлари сайтларида айрим қўшимча технологик ва услубий ишларни, жумладан замондошлар талаби ва дидига мос бўлган янги ланишларни амалга

оширишлари керак. Мисол учун, он-лайн ёки офф-лайн тарзда видео ҳамда аудио-лавҳаларни жойлаштириб бориш мумкин. Бу албатта доимий мухлислар сонининг янада ошишига хизмат қилади;

– бундан ташқари агентликлар миллий ва хорижий журналистларни кизиқтирган долзарб мавзуларда интернет орқали ёки бевосита матбуот анжуманларини ташкил этишлари мақсадга мувофиқ бўлар эди;

– Ўзбекистонда нафақат ахборот агентликлари, телерадиоканаллар, балки босма матбуот ва умуман барча оммавий ахборот воситаларининг Интернетдаги фаолиятларини янада такомиллаштириш зарур. Ушбу жараёни янада тезлаштириш кечиктириб бўлмайдиган вазифа ҳисобланади.

Юқорида халқаро медиа маконда Ўзбекистон имижини шакллантиришда миллий интернет-газеталарнинг ўрни етакчи веб нашрларимиз фаолияти мисолида тадқиқ қилинди. Мамлакат имижини ривожлантиришда аудиовизуал журналистика ўрнининг орта бориши mtrk.uz ҳамда mediabaу.uz сайтлари кесимида таҳлилга тортилди. Миллий ахборот сегментининг тараққиёти ва истиқболи республикамиздаги етакчи ахборот агентликларининг uza.uz ва jahonnews.uz сайтлари мисолида арофлича ўрганилди. Ана шу масалаларга доир қайд этилган фикр-мулоҳазалар асосида куйидаги хулосалар чиқарилди:

Биринчидан:

– ахборот глобаллашувида миллий ахборот маконини шакллантириш, ҳимоя қилиш ва уни жадал ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш масалалари жаҳондаги ҳар қандай давлатнинг стратегик манфаатлари билан ҳамоҳанг бўлган муҳим масалалар сирасига киради;

– Республикамиздаги янги веб-сайтларни яратаётган ва унга ахборот киритиб бораётганларнинг аксарияти ёшлар эканлигини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур;

– ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши жаҳон ҳамжамияти умумий тараққиёти суръатини янада ошириши баробарида, ахборот алмашуви соҳасида чексиз, ҳадсиз имкониятлар берди. Бу эса ўз навбатида дунё мамлакатларининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишининг асосий омилларидан бирига айланиб бормоқда;

– Интернет газеталарнинг мамлакат имижини шакллантиришда алоҳида ўрин тутишини инobatга олиб, турли преференциялар бериш орқали уларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат томонидан алоҳида дастур ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлар эди;

uza.uz ҳамда jahonnews.uz ахборот агентликларининг сайтлари мисолида миллий ахборот сегментининг тараққиёти ҳамда истиқболи билан боғлиқ масалалар таҳлили қуйидаги хулоса ва таклифларни илгари суриш имкониятини беради:

– экспертлар фикрига таянган ҳолда шуни хулоса қилиш мумкинки, ахборот тарқатиш жараёнида Интернетнинг мислсиз имкониятларидан фойдаланиш борасида ҳали ҳамон сусткашликка йўл қўйилмоқда;

– назаримизда, юқорида таҳлилга тортилган миллий ахборот агентликлари сайтларида айрим қўшимча технологик ва услубий ишларни, жумладан замондошлар талаби ва дидига мос бўлган янгиланишларни амалга ошириш керак. Мисол учун, он-лайн ёки офф-лайн тарзда видео ҳамда аудио-лавҳаларни жойлаштириб бориш мумкин. Бу албатта доимий мухлислар сонининг янада ошишига хизмат қилади;

– бундан ташқари агентликлар миллий ва хорижий журналистларни қизиқтирган долзарб мавзуларда Интернет орқали ёки бевосита матбуот анжуманларини ташкил этишлари мақсадга мувофиқ бўлар эди;

– Ўзбекистонда нафақат ахборот агентликлари, телерадиоканаллар, балки босма матбуот ва умуман барча оммавий ахборот воситаларининг Интернетдаги фаолиятларини янада такомиллаштириш вақти келди. Ушбу жараённи янада тезлаштириш кечиктириб бўлмайдиган вазифа ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. “Оммавий ахборот воситалари ҳақида тўплам”, - Тошкент, 1997.
2. Каримов И.А., Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид , барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997. – 326 б.
3. Каримов И.А., Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999. – 48 б.
4. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Фидокор” газетаси мухбири саволларига берган жавоблари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000. – 32 б.
5. Каримов И.А. Конституция – юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этишнинг ҳуқуқий пойдевори: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2003. – 48 б.
6. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12 – Т.: “Ўзбекистон”, 2004. –400 б.
7. Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш – асосий вазифамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2004. –64 б.
8. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. “Ўзбекистон” НМИУ, 2005 – 64 б.
9. Haqiqat - jurnalistikaning doimiy, o'zgarmas qoidasi va unga amal qilish shart. 2005 yil 17 may kuni O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasida mamlakatimiz va chet el jurnalistlari hamda diplomatik korpus vakillari uchun matbuot anjumani o'tkazildi. Xalq so'zi gazetasi, 18 may, 2005.

10. O'zbek xalqi hech qachon, hech kimga qaram bo'lmaydi. 2005 yil 25 may kuni Xitoy Xalq Respublikasiga davlat tashrifi bilan jo'nab ketish oldidan Toshkent aeroportida ommaviy axborot vositalari uchun berilgan intervyu. Xalq so'zi gazetasi, 26 may, 2005.
11. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.: “Ўзбекистон”, 2005. – 160 б.
12. Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. Т.: Ўзбекистон, 2005. – 144 б.
13. Каримов И.А., Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. – 176 б.
14. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. Т.: “Ўзбекистон”, 2008. – 48 б.
15. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш. Т.: “Ўзбекистон”, 2009. – 24.
16. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”, Тошкент, 2010.
17. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т: “Ўзбекистон”. - 2012.
18. Средняя Азия. Справочные материалы: история, политика, экономика. М., 1992.
19. Левитин Л., Карлайл Д.С. Ислам Каримов – Президент Нового Узбекистана. Вена, 1996.
20. Пономарев В.А. Угроза «исламского экстремизма» в Узбекистане: мифы и реальность. М., 1999.
21. Гафарлы М.С., Касаев А.Ч. Узбекская модель развития: мир и стабильность – основа прогресса. М., 2000.

22. Левитин Л. Узбекистан на историческом повороте. М., 2001.
23. The Rebirth of Uzbekistan: politics, economy and society in the post-Soviet era,/ foreword by Bogdan Sjazkowski, Reading: Ithaca, 2002.
24. Левитин Л. Узбекистан: эпоха Каримова. М., 2003.
25. Президент, архитектор демократии – штрихи к портрету Ислама Каримова. Ташкент, 2003.
26. Хочикетцаль Л.М. «Развитие геополитических идей и журналистика». «Вестник МГУ» (Сер. 10: Журналистика. № 6, 2008).
27. Клименко Д.А. Основные составляющие странового имиджа и технологии его продвижения (на примере формирования имиджа Италии в России. Журнал "Вестник Московского университета. (Сер. 10: Журналистика. № 1, 2010).
28. Интернет журналистика (интернетда радио ва телевидение). Илмий мақолалар тўплами. ЮНЕСКО, ЎзДЖТУ, - Тошкент, 2005.
29. Гофуров М. Интернетни ким бошқариши керак? "Vatandosh" газетаси. Нью Йорк. 19.10.2012.
30. Имидж России: витрина страны. Журнал "Промышленник России". Июнь, 2012.
31. Парсонс Т. О структуре социального действия. - М.: Академический проект, 2000.
32. Кульба В.В. Малюгин В.Д. Шубин А.Н. Информационное управление (предпосылки, методика, средства). - М.: ИПУ РАН, 1996.
33. Почепцов Г.Г. Информационные войны. – М.: «Рефл-бук», 2000.
34. Кастельс М. Информационная эпоха: экономика, общество и культура / Пер. с англ. под науч. ред. О. И. Шкаратана. - М.: ГУ ВШЭ, 2000.
35. Василенко И.А. Геополитика современного мира. М.: 2006.

36. Назаров М.М. Массовая коммуникация в современном мире: методология анализа и практика исследований. – М.: УРСС, 2000.
37. Дўстмухаммад Х.Н. Оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг демократик андозалари. –Т.: “Ўзбекистон”, 2005. – 56 б.
38. Дўстмухаммад Х.Н. Журналистнинг касб одоби муаммолари. –Т.: Янги аср авлоди. 2007.
39. Дўстмухаммад Х.Н. Ахборот – мўжиза, жозиба, фалсафа. –Т.: Янги аср авлоди, 2013. – 320 б.
40. Абдуазизова Н. Мустақил Ўзбекистон журналистикаси тарихи (янги ланиш ва равақ топиш жараёнлари). –Т.: Akademiya, 2007. – 399 б.
41. Саидов Ҳ. Матбуот – миллий манфаатлар ҳимоячиси. – Тошкент, 2009.
42. Мухаммад аль-Бухари. Рекламаведение и международные связи с общественностью. Национальный университет Узбекистана им. М.Улугбека. Т.: 2009. – 220 с.
43. Мухаммад аль-Бухари. Международные общесвенные отношения. Национальный университет Узбекистана им. М.Улугбека. Т.: 2011. – 160 с.
44. Қудратхўжаев Ш.Т. Интернет: тарихи, тузилиши, техник хавфсизлик. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – 96 б.
45. Қудратхўжаев Ш.Т. Журналист фаолиятида Интернетдан фойдаланиш. –Т.:, 2010.
46. Рашидова Д. Интернет в Узбекистане: возможности и проблемы. – Т.: “Zar qalam”, 2003. – 40 с.
47. Рашидова Д., Муратова Н. Интернет журналистика. –Т.:, 2007. – 138 с.
48. Қосимова Н. Интернет журналистиканинг технологик асослари. – Т.: “Art paper business”, 2012. – 122 б.

49. Редик Р., Кинг Э. Журналистика в стиле он-лайн: использование Интернет и других электронных ресурсов./ Пер. с англ. – М.: Вагриус, 1999.
50. Янги Ўзбекистоннинг зафарли 7 йили. – Т.: Шарк, 1999.
51. Методические требования и рекомендации для руководителей и специалистов органов государственного и хозяйственного управления, государственной власти на местах по эффективному использованию компьютерной техники. Узбекское агентство связи и информатизации. Ташкент, 2012.
52. Anholt, Simon (2010-01-23). Places: Identity, Image and Reputation. Palgrave Macmillan.
53. Anholt, Simon (2007-01-23). Competitive Identity: the new brand management for nations, cities and regions. Palgrave Macmillan.
54. Anholt, Simon (2003). Brand New Justice: the upside of global branding (paperback ed.). Oxford: Butterworth-Heinemann.
55. Anholt, Simon; Hildreth, Jeremy (2005-04-01). Brand America: The Mother of All Brands. Cyan Communications.
56. Anholt, Simon (January 2000). Another One Bites the Grass: Making Sense of International Advertising. New York: John Wiley & Sons.
57. “Тўртинчи ҳокимият” (Ўзбекистон Руспубликасининг қонунлари, қарорлари ва бошқа ҳужжатлари тўплами) – Т.: Мехнат.-2003.) ОАВ тўғрисида. Ўзбекистон республикасининг қонуни. 24.04.1997. 26.12.1997й.
58. Рўзиев Ф., Х.Жўраева. Тележурналистга тавсиялар. - Т.: “Sharq”, 2013. – 176 б.
59. Имиж яратиш технологиялари ва сиёсатда уларнинг қўлланилиши. Гулнора Нишонова. Олий журналистика курсларида ихтисослашув масалалари мавзuida II илмий-амалий семинар материаллари. Тошкент. Гафур Ғулом номидаги НМИУ, 2013.

60. Оммавий ахборотнинг тили ва услуби / Тошалиев И., Абдусатторов Р. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Zar qalam, 2006. 64-б.
61. Саенко А.Н. Электронная конвергенция электронных ПР-текстов. Вісник ХНУ. 2009. № 848.
62. Компанцева Л.Ф. Специфика нормы и узуса в Интернет-дискурсе. Эл.ресурс: technology.ru/public/uzus/html/
63. Гусякова А.В. Типологические характеристики способов передачи Информации в печатных и электронных СМИ XXI века. Вестник ЧГПУ. 2011. №8.
64. Прощание с иллюзиями / Владимир Познер. – М.: Астрель, 2012. – 480, С. 229.
65. Д.Муитов. Геосийёсат ва журналистика. – Тошкент: “TURON-IQBOL”, 2014. – 184 .
66. Д.М.Тешабоева. Оммавий ахборот воситаларида нутқ маданияти. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2011, 224 бет.

**Қўшимча адабиётлар,
авторефератлар, илмий ишлар:**

1. Горский И.Н. Информационно-семиотические ресурсы периодической печати в формировании имиджа Беларуси. Белорусский Государственный Университет. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук по специальности 10.01.10 – журналистика. Минск, 2012.
2. Юдина Е.Н. Развитие медиапространства современной России (на примере телевидения). Автореферат. Московский педагогический государственный Университет. Специальность 22.00.04 – социальная структура, социальные институты и процессы. (социологические науки). На соискание ученой степени доктора социологических наук. Москва, 2008.

3. Таджиева З. “Ўзбекистонда Интернет нашрларнинг шаклланиши ва ўзига хос хусусиятлари” мавзуида магистрлик диссертацияси. –Т.: 2010.
4. Намозов Ж. Ахборот коммуникация технологиялари ва Интернет журналистикаси. Илмий рисола. –Т.: “Turon iqbol” 2011.
5. Мўминов Ф. Ахборот хавфсизлиги ва ижтимоий тараққиёт. “Ўзбекистон матбуоти” журнали, 2007 й. 5-сон.
6. Қосимова Н. Интернет журналистикаси янги соҳа. “Ўзбекистон матбуоти” журнали, 2010 й. 1-сон.
7. Абатуров А. Медиатеchnологии в имидже государства. Журнал “Экономическое обозрение”, май 2013 г.
8. Формирование позитивного внешнего имиджа Узбекистана: современное состояние, проблемы и перспективы. Аналитическая записка. Центр экономических исследований, 2008 г.
9. Новейший социологический словарь. 1500 с.
10. Асанов Э.Э. “Ташқи сиёсатда давлат имижининг аҳамияти” мавзуида магистрлик диссертацияси. ЎЗМУ журналистика факультети. –Т.: 2011.
11. Сабитов Ж.М. Международный имидж Казахстана в зарубежных странах. Евразийский национальный университет имени Л.Н. Гумилева. Диссертация на соискание академической степени доктора философии (phd) по специальности 23.00.00 – политические науки. Астана, 2009.
12. Имидж России собираются улучшить при помощи нового телеканала. Lenta.ru (6 июня 2005). Архивировано из первоисточника 26 августа 2011. Проверено 25 января 2010.
13. Charlotte Business Journal, May 15, 2000.
14. В.Прокофьева. Страна как бренд. Журнал “Экономическое обозрение”, 13 марта 2013г.
15. И.В.Букреева (Ставропольский ГУ). Создание образа Северо-Кавказского Федерального округа на государственных российских телеканалах. Коммуникация в современном мире. Воронежский ГУ. Факультет журналистики. 2011 г. С.11-12.

16. И.А.Сушненкова. Омский государственный университет. Моделирование фрейма как инструмент регионального имиджмейкинга (на примере внешнего имиджа Омской области). Коммуникация в современном мире. Воронежский ГУ. Факультет журналистики. 2011 г. С.240-241.
17. Srivastava K.M. Social media in business and governance. Sterling. New Delhi, India. 2013. 267.

Электрон ресурслар:

1. press-service.uz
2. gov.uz
3. senat.gov.uz
4. mfa.uz
5. uza.uz
6. jahonnews.uz
7. mtrk.uz
8. mediabay.uz
9. mmf.uz
10. whitehouse.gov
11. kremlin.ru
12. modernrussia.com
13. <http://www.promros.ru/magazine/2012/jun/imidzh-rossii-vitrina-strany.phtml>
14. <http://rudocs.exdat.com/docs/index-532924.html>
15. <http://www.archiludi.ru/?p=573>
16. ut.uz
17. narodnoeslovo.uz
18. 12.uz
19. История возникновения социальных сетей. Кто был первым?
<http://vsetke.ru/post/20447276>